


С.К. САЛАЕВ, Б.У. ТАДЖИЕВ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ



65.29
С-16

27a

С.К. САЛАЕВ
Б.У. ТАДЖИЕВ

**ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КИЧИК
БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

(МОНОГРАФИЯ)

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 330.115+334.57(575.171)

КБК: 65.29

**С.К. САЛАЕВ, Б.У. ТАДЖИЕВ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ
(МОНОГРАФИЯ) –Т.: «ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ
НАШРИЁТ-МАТБАА УЙИ» – 2022, 188 бет.**

ISBN 978-9943-7640-8-8

Монографияда қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни барқарор ривожлантиришнинг объектив зарурати ва ижтимоий-иқтисодий моҳияти, қишлоқ жойларини ва КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг хориж таъриблари ва кооперация механизми асосида КБХТни барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари, қишлоқ жойларида ноаграр йўналишдаги тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари, КБХТни барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштириш йўналишлари кенг ёритилган.

Ушбу монографиядан олий ўқув юр்தларининг иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабалар, магистрантлар, таянч докторантлар, тадқиқотчилар, молия-иқтисод амалиётчи ходимлари ва кичик бизнес ҳамда қишлоқ жойларини ривожлантириш муаммолари билан шуғулланувчи кенг китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Маъсуд муҳаррир:

Т. Досчапов иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


Тақризчилар:

Б.Рузметов Урганч давлат университети “Менеджмент ва маркетинг” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори;

Н.М.Махмудов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

Урганч давлат университети Илмий Кенгаши томошидан 2021 йил 29 декабрдаги № 5 баённомаси асосида нашр этилган.

ISBN 978-9943-7640-8-8



© «ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ НАШРИЁТ-МАТБАА УЙИ» – 2022.

КИРИШ

Жаҳонда рўй бераётган кескин рақобатчилик, COVID-19 пандемияси камбағаллик ва қашшоқликни чуқурлаштириб, аҳоли турмуш даражасини пасайтираётган бир пайтда дунё мамлакатларида кишлоқ жойларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни (КБХТ) ривожлантириш озик-овқат хавфсизлиги, бандликни таъминлашда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда. Дарҳақиқат, “2020 йилда АҚШ жами 30,7 миллион кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, жами бизнес субъектларининг 99,9 фозини ташкил қилгани ҳолда 59,9 миллион ишчи кучини банд қилган. Яъни кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улуши 47,3 фозини ташкил қилган.¹ “ЕИда барча компанияларнинг 99 фозини ва иш ўринларининг 85 фозини, ХХР барча компанияларининг 97,9 фозини, ЯИМнинг 58 фозини, экспорт ҳажмининг 68 фозини КБХТ улушига тўғри келади»².

Жаҳон мамлакатларида кишлоқ жойларида КБХТ иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, истеъмол бозорини тўлдириш, мулкдор-лар ўрта синфини шакллантириш, аграр иқтисодиётнинг энг мобил сегменти сифатида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик омили ҳисобланади. Шу жиҳатдан, бугунги кунда кишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг энг мақбул, самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳам кейинги тўрт йил мобайнида кишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришга қаратилган бир қанча Президент Фармонлари ва ҳукумат Қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017- 2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси Концепциясида “... ЯИМнинг таркибида КБХТ улушини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал хом ашё, кишлоқ хўжалиги салоҳиятидан комплекс ва

¹ <https://smallbiztrends.com/small-business-statistics>

² The Export-Import Bank of Korea. Hidden Champion Initiative [Электроний расуве]. URL: <https://www.koreaexim.go.kr/site/homepage/menu/viewMenu.Menu>

самарали фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ ҳудудларини модернизациялаш ва диверсификациялаш орқали ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни ўртасидаги фарқларни камайтириш³, агросаноат мажмуаси (АСМ)да унумдорликни, ҳар 1000 кишига тўғри келувчи КБХТ субъектлари сонини ошириш, АСМда бандлар сонини камайтириш⁴ устувор вазифалар сифатида таъкидланади. Бундан ташқари, қишлоқ жойларида кооперация, интеграция тузилмаларини, ноаграр йўналиш ва шаклдаги КБХТ субъектларини ривожлантириш бўйича янги ташкилий-иқтисодий, инновацион механизмларни жорий қилиш, мақбул давлат стратегиясини ишлаб чиқишга объектив зарурат туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПК-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила тадбиркор” Дастурини амалга ошириш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ушбу монография иши муайян даражада хизмат қилади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони\Манба: www.lex.uz

⁴ <https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/ Концепция-Развития-Узбекистана-UZB.pdf>

І БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛІМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг объектив зарурати ва ижтимоий-иқтисодий моҳияти

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида ва короновирус пандемияси шароитида бутун дунёдаги каби агросаноат ишлаб чиқаришининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим ролини чуқур англамоқда. Кейинги йиллар мобайнида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қишлоқ жойларида ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришни оширишга, қишлоқ хўжалигини техник ва технологик қайта жиҳозлашга, қайта ишлаш саноатини модернизациялашга кенг шароитлар яратмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва қишлоқ жойлари ривожланишида ижтимоий-иқтисодий номуносибликлар мавжудлиги асосий муаммолардан саналади. Бундан ташқари, айрим қишлоқ жойларида малакали механизатор, чорвадор, зоотехник, агроном, иссиқхона ходими, томчилатиб сугориш бўйича мутахассислар етишмаётган бир шароитда меҳнатга лаёқатли аҳолини ва ёшларни қишлоқдан чиқиб кетиши ҳолатларининг ўсиши ҳам кузатилмоқда.

2020 йил бошига мамлакатимиз жами аҳолисининг қарийб 16,8 млн. (*жами аҳолининг 49,3 фоизи*) қишлоқ ҳудудларида истикомат қилади. Мамлакатда туғилиш даражаси юқори (23,3 *промилле*) ва шуға мос равишда қишлоқ жойларида ортиқча ишчи кучи мавжуд. 25 ёшгача бўлган одамлар аҳолининг 45,5 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 55 фоиздан кўпроғини ташкил этади⁵.

Шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ ҳудудларида давлат хизматлари, шунингдек, транспорт, муҳандислик ва ахборот-

⁵ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>

коммуникация алоқаларни, тадбиркорлик инфратузилмаси объектлари хизматлари даражаси пастлигича қолмоқда. Шу сабабли, республикамизнинг барча минтақаларида ҳудудий эҳтиёжларни батафсил баҳолашга асосланган ва рақобат афзалликларини ҳисобга олган ҳолда комплекс стратегия ва дастурларни ишлаб чиқин зарур.

Мустақиллик йилларида аграр секторда амалга оширилган ва бугунги кунда ҳам қишлоқлардаги ислохотлар, қўллаб-қувватлаш чоралари аксарият ҳолларда тўғридан-тўғри фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришга йўналтирилган.

Хорижий мамлакатлар бўйича маълумотлар таҳлил қилинганда, қишлоқ ҳудудларининг иқтисодий тараққий этиши қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан бевосита боғлиқлиги ва шундагина муваффақиятга эришилиши, маҳаллаларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган субсидияларга асосланган ислохотлар самарасиз эканлиги кузатилди.

Мустақиллик йилларида қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлса-да, амалга оширилмаётган қишлоқларни ривожлантириш дастурлари, асосан, ҳудудий иқтисодий номуносибликни бартараф этишга қаратилган бўлиб, йирик шаҳар марказлари фойдаси учун, қишлоқ аҳолисининг кичик бир қисми — фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шугулланганидан бошқа тадбиркорлар сектори томонидан қўллаб-қувватланади, бироқ барча чекка ҳудудлардаги қишлоқ маҳаллалари ҳамда ижтимоий жиҳатларни бирдек тўлақонли қамраб олди деб бўлмайди.

Чунки, қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожланишини таъминлаш каби долзарб, устувор мақсадни амалга ошириш учун қишлоқ жойларини ривожлантириш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, реал эҳтиёжларни тўлақонли комплекс баҳолаш, қишлоқлардаги маҳаллаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, қарорлар қабул қилишни номарказлаштириш, қишлоқ жойларида ноаграр йўналишдаги КБХТ субъектларини таъкил этиш ва

ривожлантириш, маҳаллалардаги мавжуд имкониятларни сафарбар қилиш, маҳалла фуқаролари, аграр ва ноаграр КБХТ, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасида ДХПни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, “акли қишлоқ хўжалиги”ни ривожлантириш давлат ҳамда маҳаллий дастурларини ишлаб чиқиш ва х.к.

Мустақиллик йилларидан кейинги ўтган қарийб 30 йил давомида шаҳар ва қишлоқ жойларини ривожлантиришга йўналтирилган маблағлардаги катта номутаносибликлар, айрим қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва аҳоли турмуш даражасида ҳаддан зиёд фарқланишига олиб келди.

Қишлоқ жойларини ривожлантириш исталган бир мамлакат, минтақа ва ҳудуд учун улкан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, айнан қишлоқ жойларида жуда катта ижтимоий-иқтисодий салоҳият мавжуд ва айнан қишлоқ жойлари иқтисодий, ишлаб чиқариш, табиий-экологик, демографик, уй-жой, коммунал, рекреацион-географик йўналишдаги бир қатор муҳим вазифаларни бажаради (1.1.1-расм).

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида давлат томонидан тартибга солишга турли хил нуктаи назарлар ва тамойиллари ҳамда қишлоқ хўжалигини тартибга солиш тизими 1-3-иловаларда келтирилган.


1-иловага кўра, қишлоқ хўжалигини тартибга солишга иқтисодий, табиий-иқлимий ва ташқи иқтисодий омиллари нукта назарида таснифланса, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги ва миллий иқтисодиётни тартибга солиш тамойиллари таққосланади.

2-3-иловаларда эса қишлоқ жойларини тадбиркорликни тартибга солиш тизими, объектлари ва субъектлари, шакл ва воситалари келтирилган.

Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш барча ривожланган давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатининг энг асосий устувор стратегик мақсадларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларида ҳам 17 та асосий мақсадлар, ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳам келтирилган бўлиб, ушбу мақсадларнинг иккинчиси бевосита *“озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш,*

овқатланиш рақсонини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш” деб аталади.



1.1.1-расм. Қишлоқ жойларининг вазифалари⁶

⁶ Муаллиф ишланмаси

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши – бу аҳолининг барча қатламлари учун озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озик-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантириш, куруқлик экотизими, ер ва сув, ўрмон ресурсларини, биохилма-хиллик барқарорлигини сақлаган ҳолда озик-овқат маҳсулотлари этиштиришнинг ўртача самарадорлиги, даромадлилигини оши-рувчи барқарор тизимни яратишга, қишлоқ хўжалигини юри-тишнинг инновацион усуллариин жорий қилиш ва қишлоқ инфра-тузилмасини такомиллаштиришга имкон берувчи ривожланиш йўлидир⁷.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва мам-лакатда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашни эса КБХТсиз тасаввур қилиш жуда мураккаб. Қишлоқ жойларида КБХТни амалга оширилиш шакллари аграр ва ноаграр йўналишларда амалга оширилади (1.1.2-расмга қarang).

1.1.2-расмга кўра, аграр йўналишдаги КБХТ субъектларига дехқон, фермер хўжаликлари, агрокластерлар, қишлоқ хўжалик кооперативлари кирса, қишлоқ жойларидаги ноаграр йўна-лишдаги КБХТ субъектларига логистика, қосиб ва хунар-мандчилик, умумовқатланиш ва савдо, қурилиш, транспорт ва АКТ, маиший хизматлар, маданий ҳордик ва спорт, туристик хизматлар қиради.


Шунингдек, кичик қайта ишловчи қорхоналар ҳам қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш шаклларига мансуб бўлиб, улар ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва сув, шиша, қоғоз, пластмасса ва бошқа маиший чиқиндиларни қайта ишловчи кичик бизнес ва хусусий тадбирқорлик субъектларига ажралади.

МДХлик иқтисодчилар Е.О.Иванов ва О.В.Михайловалар қишлоқ жойларидаги кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари сифатида фаолнят кўламларининг чекланганлиги, технологик қуролланишнинг пастлиги, инфратузилмавий хизматларнинг тақчишлиги, қайта ихтисослашув имқониятларининг пастлиги, кадрлар малақасининг ва кўникмаларининг пастлиги каби жиҳат-ларига алоҳида эътибор қаратади⁸.

⁷ Муаллиф вариантыдаги таъриф

⁸ file:///C:/Users/Microsoft/Downloads/maloe-predprinimatelstvo-i-ego-osobennosti-v-sefskom-hozyaystve.pdf

Ўтказган тадқиқотларимизга кўра, қишлоқ жойларидаги тадбиркорлик умумий ёки шаҳардаги тадбиркорликка қараганда ўзига хос хусусиятларига ҳам эга.




1.1.2-расм. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асосий шакллари⁹.

Жумладан, буни ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий, ижтимоий-руҳий, бошқарув, географик-ҳудудий нуқтан назарлардан қараб чиқишимиз мумкин. Қишлоқ жойларидаги тадбиркорлик

⁹ Муаллиф ишланмаси

ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, табиатга боғлиқлиги, ишлаб чиқаришнинг чекланганлиги, ихтисослашувнинг пастлиги ва ўзига ҳослиги билан ажралиб турса, бошқарув нуктан назардан мулк эгаллигининг яғоналиги, оилавий иш юритишнинг устувор намоён бўлиши ҳамда малакали кадрларнинг етишмаслиги каби жиҳатлари билан фаркланади (1.1.3-расм).



1.1.3-расм. Қишлоқ жойларида КБХТ фаолият кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари¹⁰

¹⁰ Муаллиф ишланмаси

Молиявий-иқтисодий жиҳатдан ўзига хослиги инфра-тузилманинг паст ривожланганлиги, қишлоқ тадбиркорларининг нисбатан паст даромадлари ва тадбиркорликни бошлашни кам харажатлиги кабилар билан ажралиб туради.

Ижтимоий-руҳий жиҳатдан эса қишлоқ аҳолисининг ўзига хос менталитети, аҳоли таркибининг ўзига хос ёш таркиби бўлса, *географик-худудий жиҳатдан* сотиш бозорларининг узоқлиги ва чекланганлиги, шаҳарлар ривожланишининг қишлоқ жойларига бевосита таъсири каби хусусиятларини айтиш мумкин.

КБХТнинг қишлоқ жойларида фаолият кўрсатиши бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилишига қарамасдан, қишлоқ хўжалигида КБХТнинг фаолиятини молиялаштириш, фаоллаштириш ва тартибга солиш бўйича айрим назарий жиҳатларини аниқлаштиришга зарурат mavжуд.

МДХлик иқтисодчи олим Е.Назарова томонидан ўз илмий ишларида қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг бошқа тармоқлар талабига ижобий таъсир этувчи *мультипликатив*, бандлар сони ва турини доимий оширувчи *стратегик*, янги хизматлар турларига интилувчи *инновацион*, нафакат ўзи жойлашган қишлоққа, балки атроф-муҳитга ҳам моддий-молиявий ресурслар жалб қилувчи *интеграцияловчи*, кишилар руҳиятини кўтарувчи *психологик*, муайян мижозлар учун курашувчи *рақобатдошлик* вазифалари келтирилади¹¹.

МДХлик олим И.И.Журавлева аграр тармоқдаги тадбиркорликка ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг мавсумийлигини, маҳсулотнинг тез бузилишини, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорликка таъсир этувчи иқтисодий омилларни инобатга олишни таъкидлайди¹².

Бошқа бир олим И.В.Украинцева эса қишлоқ тадбиркорлигида ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусият-

¹¹ Е. Назарова. Развитие малого предпринимательства в региональной экономике (на примере Пензенской области). Автореф.к.э.н (региональная экономика). Москва, 2011.

¹² Журавлева И. И. Предпринимательство в сельском хозяйстве: проблемы и перспективы развития. Иркутский государственный университет, г. Иркутск, 2018.

ларини, иқлим жиҳатларини, табиат ходисаларига кўпроқ урғу беради¹³.

Қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини умумлаштириш бўйича тадқиқотларимиз бизга қишлоқ жойларида КБХТ субъектлари фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий, экологик каби учта асосий гуруҳ вазифаларини ажратиш ва асослаш имконини берди (1.1.1-жадвал).

1.1.1-жадвал

Иқтисодиётнинг аграр тармоғида КБХТнинг асосий вазифалари¹⁴

Иқтисодий	Ижтимоий	Экологик
<ul style="list-style-type: none"> - маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш; - камбағал оилаларни “Темир дафтар”дан чиқариш бўйича қўшимча, асосий даромад манбаи; - қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш; - қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хилма-хиллигини таъминлаш, кичик ҳажмларда ўзига ҳос маҳсулот ишлаб чиқариш; - тармоқлар рационал нисбатини таъминлаш; - қишлоқ хўжалик субъектлари билан кооперация ва интеграция қилиш имконияти - қишлоқ жойларида ўсиш нукталари, “драйвер”ларни йўлга қўйиш манбаи 	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ аҳолиси бандлигини ва даромадларини таъминлаш; - қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш; - қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва барқарор ривожланишини таъминлаш; - мамлакат ва минтақаларда қишлоқ турмуш тарзи, урф-одат, анъаналари, маданий қатламни сақлаш; - Ишсиз ёшлар ва аёлларни ни иш билан таъминлаб “Ёшлар, аёллар дафтари” дан чиқариш, уларни меҳнат орқали тарбиялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тажрибани бериш 	<ul style="list-style-type: none"> - табиат генофондини хилма-хиллигини сақлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш; - агроландшафт, флора ва фаунанинг ноёблигини сақлаш ва уларни сақлаб қолинишини таъминлаш; - қишлоқ жойларида экологияни яхшилаш; -экологик соф маҳсулот ишлаб чиқариш

¹³ Украинцева П. В. / Предпринимательская деятельность и ее особенности в сельском хозяйстве [Электронный ресурс] // И. В. Украинцева, А. И. Авдеева // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2017. – 100–103 с. – URL: <http://ekonecept.ru/2017/770442.htm> (Дата обращения: 02.11.2017)

¹⁴ Муаллиф ишланмаси

Ҳақиқатан ҳам кинплоқ жойларида КБХТни ривожлантириш камбағал оилаларга, иписиз ёшлар ва аёлларга муносиб иш ўрни, даромад ва турмуш фаровонлигини ошириш маибаи ҳамда уларни тегишлича “Темир дафтар”, “Ёшлар ва аёллар дафтарлари”дан чиқариш йўли ҳисобланади.

Монографияда биз томонимиздан барқарор ривожлантириш ёки барқарор ривожланишнинг учта жиҳатда қараб чиқилди, хусусан, “кишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши”, “кишлоқ жойларини барқарор ривожланиши” ва “кишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши”.

Юқорида биз кишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига таъриф бериб ўтдик. Шунингдек, монографияда, биз “кишлоқ жойларини барқарор ривожланиши” тушунчасининг моҳиятини қараб чиқдик ва унга кўра мазкур тушунчанинг қонунчилиқда ва турли олимлар томонидан ҳар хил талқин қилиниши аниқланди.

Туровая А.В. ва Яроцкая Е.В. эса кишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш деганда “кишлоқ аҳолисига муносиб турмуш даражасини ва меҳнат шароитларини яратган ҳолда аҳоли ўсишини ва мамлакат учун аграр сектор аҳамияти ошишини таъминлаган аграр жамиятнинг барқарор шаклланишини” тушунишади¹⁵.

Яна бир россиялик тадқиқотчи Полушкин Н.А. кишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришни “кишлоқ жойларини узоқ ва тизимли давом этувчи, келгусида ҳам буни сақлаш имкониятига эга бўлган иқтисодий, экологик ва ижтимоий ҳаётий фаолият соҳаларида мақсадга мувофиқ сифатли ривожланиш жараёни” деб таърифлайди¹⁶.

Греков А.Н. ва Грекова Н.С. ларнинг фикрича, “кишлоқ ҳудудларининг барқарор ривожланиши – кишлоқ ҳамжамиятининг мақсадга йўналтирилган барқарор ривожланиш жараёни бўлиб, унда кишлоқ жойларининг табиий-ресурс, тарихий-маданий, маънавий-маърифий салоҳиятини сақлагани

¹⁵ Туровая А.В. Развитие программ по устойчивому развитию сельских территорий в аграрных регионах / А.В. Туровая, Е.В. Яроцкая // Новая наука: Современное состояние и пути развития. 2016. №3-1. С. 219.

¹⁶ Полушкин Н.А. Государственное регулирование развития сельских территорий / Н.А. Полушкин // Дисс... канд. экон. наук. – Саранск, 2017. – 224 с.

холда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошиши таъминланади¹⁷.

Асосий таъриф Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепциясида келтирилган бўлиб, унга кўра **қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш** “қишлоқ ҳудудларини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, қишлоқ аҳолиси тўлиқ бандлигига эришиш ва унинг турмуш даражасини ошириш, ерлардан рационал фойдаланиш” деб талқин қилинади¹⁸.

МДХлик олим Адукова А.Н. қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш деб “шаклланган анъаналарни бузмасдан, жамият ва табиатга зиён етказмасдан, қишлоқда ижтимоий, иқтисодий, маънавий-рухий ва экологик инкироздан қочган ҳолда қишлоқ ҳудуди асосий аҳолисининг бандлигини таъминланиб, даромадлари ва турмуш даражасининг муайян етарли меъёрига етишишини” таъкидлайди¹⁹.

Юқорида таъкидлаб ўтилган қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш бўйича илмий ёндашувларни умумлаштирган ва тизимлаштирган ҳолда ўзига хос муаллиф ёндашувидаги таърифини келтириб ўтамиз.

Фикримизча, “қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш” тушунчаси ташқи ва ички таъсирлар натижасида ўзининг иқтисодий, экологик, ижтимоий ва бошқа хусусиятларини сақлаш қобилиятига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий тизим бўлса, бошқа томондан қишлоқ жойларининг иқтисодий, экологик, ижтимоий ва бошқа жиҳатларини яхшилаш мақсадидаги усул ва воситалар тўпламидир.

Маълумки, мамлакат ва унинг минтакаларида қишлоқ ҳудудларини, жойларини барқарор ривожлантириш учун қишлоқ

¹⁷ Греков А.Н. Существенные направления и механизм устойчивого развития сельских территорий / А.Н. Греков, Н.С. Грекова // Агротрансформационная политика России. – 2017. – №2(62). – С. 73-76.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони// Манба: www.lex.uz

¹⁹ Адукова А.Н. Местное самоуправление на селе: организационно-экономические аспекты. – М.: ООО «Угренская типография», 2009.

хўжалиги ёки тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тадбирларини ўтказиш билан чекланиб қолинмайди. Албатта, қишлоқ жойларида тизимли ислохотларни амалга ошириш, нафақат аграр йўналишдаги, балки ноаграр йўналишдаги инновацион хизмат ва тадбиркорлик шакллари ривожлантириш, қишлоқда ҳам шаҳардан кам бўлмаган инфратузилмавий, ҳаётий турмуш шароитларини яратиш зарур.

Хоразм вилояти республикамининг шимол-ғарбий минтақасида жойлашган иқтисодиёти нисбатан камроқ ривожланган, кўпроқ аграр йўналишда ривожланаётган ҳудуд саналади. Вилоят иқтисодиётига албатта туризм, текстиль саноати, замонавий автосаноат каби хизмат кўрсатиш ва саноат соҳалари ҳамда юқори кадрлар салоҳияти ҳам таъсир кўрсатади.

Хоразм вилоятининг иқтисодиётини, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини барибир ҳам кўпроқ даражада агросаноат мажмуаси (АСМ) белгилайди, чунки унинг умумий ЯҲМдаги улуши қарийб 31 фоизни ташкил қилади. Хоразм вилоятидаги демографик ҳолат 1.1.2-жадвалда келтирилган.

Оналик ва болаликни муҳофазаси, профилактикаси ҳамда ҳукуматимиз томонидан бирламчи тиббиёт муассасаларига қаратилаётган эътиборнинг юқорилигига қарамаздан, чақалоқлар ўлими 2012 йилдаги 392 нафарни ўрнига 2020 йилга келиб 525 нафарни ёки 133,9 фоизни ташкил қилган.

Бу эса айнан истиқлол йилларида кўпгина ҚВШларнинг тугатилиб, олий маълумотли ва ўрта тиббий ходимлар сонининг қисқарганлиги билан ифодаланади. Чунки, шаҳар жойларида чақалоқлар ўлими 113,0 фоизни ташкил этган бўлса, қишлоқ жойларида эса бу кўрсаткич қарийб 143,0 фоизни ташкил қилган.

Бу эса қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришда бир катор муаммолар борлигидан далолатдир.

Шунингдек, таъки қилинган даврда кўпроқ қишлоқ жойларидан шаҳарларга ёки бошқа вилоятларга кўчиб кетиш тенденциялари кузатилади.

**2012–2020 йилларда Хоразм вилояти айрим демографик
кўрсаткичларининг динамикаси²⁰**

Кўрсаткич	2012 йил	2014 йил	2016 йил	2018 йил	2020 й.л (дастлабки маълумот)	2020 йил 2012 йилга нисбатан, %да
Жами аҳоли сони, минг киши	1653,8	1715,6	1776,7	1835,7	1893,1	114,5
Умумий аҳоли сонига қишлоқ аҳолисининг улу- ши. %	66,8	67,4	67,8	66,8	66,9	-
Тугилганлар сони, киши	34731	40248	39199	40103	41938	120,6
шу жумладан: шахарда	9822	10367	11205	12594	27509	
қишлоқда	24909	29881	27994	27509		
Ўлганлар сони, киши	7675	7780	8158	8198	9672	126,0
шу жумладан: шахарда:	2817	2553	2716	3038		
қишлоқда:	4858	5227	5442	5160		
Чакалоқлар ўлими, киши,	392	566	571	516	525	133,9
шу жумладан:	147	198	204	166		
шахарда:	245	368	367	350		
қишлоқда						
Табийий ўсиш, \pm киши, шу	27056	32468	31041	31905	32266	119,3
жумладан:	7005	7814	8489	9556		
шахарда:	20051	24654	22552	22349		
қишлоқда:						
Қишлоқ аҳолисининг ту- гилгандаги ўртача давомийлиги, йил	72,2	71,8	72,1	73,2	-	-

²⁰ Муаллиф ҳисоб-китоблари



Бундан ташқари, вилоятда айрим қишлоқ жойларининг газ тармоғидан узилганлиги ёки газ босимининг жуда пастлиги сабабли баъзан ўзига тўқ, иқтисодий имконияти мавжуд қишлоқ аҳолисининг қаҳратон қишни нисбатан яхши шароитда ўтказиш учун қилч фаслида кўпроқ ўзи сотиб олиб қўйган, яқин қариндошининг уйи ёки махсус ижара тўлови билан шаҳардаги кўп қаватли уйларга 2-3 ойга кўчиш тенденцияси мавжуд.

Бундан ташқари, шаҳарда мавжуд инфратузилма ва имкониятларнинг нисбатан яхшилиги, ёшларнинг кўпроқ шаҳарга томон интилишига, қишлоқ аҳолисининг эса нисбатан қаришига олиб келмоқда. Шунингдек, қишлоқ аҳолиси таркибининг қариши билан бирга иқтисодий фаол аҳоли сонининг ҳам ошиши кузатишмоқда, чунки туғил жараёни барқарор давом қилмоқда.

2020 йил ҳолатига Хоразм вилояти қишлоқ жойлари таркибида аҳоли сони бўйича яшаш пунктларининг салмоғи куйидагичадир (1.1.3-жадвал).

1.1.3-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳоли сони бўйича гуруҳланиши²¹

Кўрсаткич	2020 йил	
	Аҳоли пунктлари, бирликда (%да, улус)	Аҳоли сони
Қишлоқ аҳоли пунктлари сони, жами	549 (100,0)	1389,0
Аҳоли сони бўйича, киши		
200 кишигача	4 (0,7)	739
201-500	25 (4,3)	9142
501-1000	55 (9,6)	45 912
1001-3000	303 (55,1)	619 790
3001-5000	129 (23,4)	517 865
5001-7000	29 (5,0)	164 221
7001-9000	4 (0,7)	31 414
9001 ва ундан кўп	-	-

²¹ Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Хоразм вилояти ҳудудида 2020 йил ҳолатига аҳолиси йўқ 1 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, 200 нафаргача аҳолиси бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари (ҚАП) 4 тани (0,7%) ва аҳолиси 739 кишини ташкил қилади.

Аҳолиси 201-500 кишигача бўлган ҚАПлар 25 тани (4,3%) ва 9142 кишини тани ташкил этади. Энг кўп салмоққа эга ҚАПлар оралиғи 1001-3000 аҳолига эга ҚАПларни 55,1 фоизни ёки 303 тани, аҳолиси 619,8 минг кишини ташкил қилади.

Кейинги ўришда 3001-5000 аҳолига эга ҚАПлар 23,4 фоизни ёки 129 тани ташкил қилгани ҳолда аҳолиси эса 517,8 минг нафарни ташкил қилди. 200 кишигача аҳолиси бўлган ҚАПлар инфратузилма объектлари ҳам деярли йўқ даражададир. Бундай ҚАПлар хутор хўжалик, посёлкалар бўлиб, асосан ёши катта аҳолига эга, ишчи кучини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш бўйича салоҳияти кам бўлган, собиқ иттифоқ давридаги хўжаликларнинг таркибий бўлимлари, ишчи кучининг яшаш манзиллари бўлган ҚАПлардир.

Шунингдек, аҳолиси 1001-3000 кишигача бўлган ҚАПлар асосан Хоразм вилояти қишлоқ жойларининг асосий негизини, қиёфасини (55.1%) ташкил этади. Чунки, булар асосан туман марказига яқин бўлган, марказ ҳамда кўшни ҚАПлар билан доимий равишда транспорт қатнови, газ, ичимлик суви мавжуд бўлган, аҳолиси асосан шаҳарга катнаб ишлайдиган ёки шаҳарга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиб сотиш билан банд бўлган, кўлинча фермер хўжаликларда ишлайдиган, аҳолисининг ўртача ёши 45 ёш бўлган ҚАПлардир. Албатта бундай ҚАПлари, қишлоқларнинг ҳаётийлиги шу ҳудуддаги салоҳиятли фермер хўжаликлари мавжудлиги ва аҳолининг асосий қисми уларда ишлаши ёки улардан аҳолининг норасмий равишда ижарага ер экиб олиши билан боғлиқ.

Аҳоли сони 3001-5000 кишигача бўлган ҚАПлар ҳам умумий ҚАПларнинг қарийб 1/2 қисмини ташкил қилгани ҳолда бу ерда ўрта умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ онлавий поликлиникаси ёки қишлоқ врачлик пункти каби тиббийёт муассасалари, маданият марказлари ва савдо нуқталари, гузарлар, хизматларнинг асосий турлари, ишлаш учун бандликни ташлаш имкониятлари (*хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаб,*

МТМ, ўғит омбури, дўкон, сартарошхона, стадион ва ҳ.к.) мавжуд.

ҚАПларнинг 501-1000 кишигача аҳоли яшайдиганлари ўртача ҚАПлар бўлиб, улар умумий ҚАПларнинг қарийб 10 фоизини ташкил қилади ва мактаб, МТМ ва ҚВП филиали, кам сонли савдо шохобчаси каби базавий инфратузилмага эга. Бундай ҚАПларда кўчмас мулк арзон бўлганлиги сабабли миграция қилувчилар ҳамда дала томоркага муқобил сифатида олиб кўядиган аҳоли учун жозибали саналади.

Аҳолиси 5001-7000 (5,0%) ва 7001-9000 (0,7%) гача бўлган ҚАПлар жами ҚАПларнинг қарийб 6 фоизинигина ташкил қилади ва уларда деярли 200 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу тоифадаги ҚАПлар вилоятда бор-йўғи 33 тани ташкил қилсада демографик ҳолати ўта барқарор, етарли ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмага эга. Жумладан, бу тоифа ҚАПларда 2-3 тадан мактаб, МТМ, ҚВП, маданият маркази, кўн сонли савдо нуқталари, шаҳар даражасидаги хизматлар, гўзаллик салонлари, ҳаммом, автомобилларга ёкилғи қуйиш шохобчалари, кўп сонли кишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, йирик фермерлар ва агрофирмалар мавжуд. Ушбу ҚАПларда ижтимоий инфратузилма объектларида ҳам кадрлар танқислиги йўқ, чунки кишлоқ ёшларини ОўЮларга кириш ва битириш жараёнлари ҳам барқарордир.

Таъкидлаш керакки, ҚАП қанча катга бўлса, камбағаллик кўрсаткичи шунча паст бўлади. Масалан, аҳолиси 5000 кишидан кўп бўлган ҳудудларда камбағаллик индекси 1,42 га тенг бўлса, аҳолиси 5000 кишидан кам бўлган ҚАП учун камбағаллик индекси 2,53 ни ташкил қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, асосий даромад иш ҳақидан ташкил топади, аммо кишлоқ жойларида аҳолининг кўпчилик қисми кишлоқ хўжалигидаги анъанавий КБХТ субъектлари бўлган фермер хўжаликларида, деҳқон хўжаликларида, аксарият аҳоли эса ўз томорқасида банд бўлади.

Тадқиқ қилинган даврда кишлоқ хўжалигида бандларнинг сони қарийб 25 мингга ёки 110,5 фоизга ошиб, 258,8 минг кишига етди. Бирок, иқтисодиётда бандлар сонидан кишлоқ хўжалигида бандларнинг улуши 35,4 фоиздан 35,1 фоизгача пасайган. Бу эса

иктисодиётда умумий бандлар сонини қишлоқ хўжалигида бандлар сонига нисбатан юқори суръатларда ошганлигини билдиради. Аҳолининг 10 фоизлик децил коэффиценти бўйича табақалашуви ёки камбағаллиги даражаси 2013 йилдаги 7,9 индексдан 2019 йилга келиб 6,0 гача пасайди, даромадлар табақалашувининг чуқурлашуви 24,1 фоизни ташкил қилган. Худди шу даврда аҳоли жон бошига даромадлар 3076,8 сўмдан 10821,1 сўмгача, яъни 3,5 мартага ошди (1.1.4-жадвал).

1.1.4-жадвал

2013–2019 йилларда Хоразм вилояти аҳолисининг турмуш даражаси ва бандлиги²²

Кўрсаткич	2013 йил	2015 йил	2017 йил	2019 йил	2019 йил 2013 йилга нисбатан, %да
Жами иктисодиётда бандларнинг сони, киши	660,4	696,0	729,3	736,5	111,5
Қишлоқ хўжалигида бандларнинг сони	234,0	254,3	258,6	258,8	110,5
Қишлоқ хўжалигида бандларнинг солиштира улуши, % да	35,4	36,5	35,4	35,1	99,1
Корхоналарда ўртача ҳисобланган иш ҳақи миқдори, минг сўмда	506,6	752,8	910,9	1960,8	3,8 м
шу жумладан қишлоқ хўжалигида	201,3	400,7	550,6	710,5	3,5 м
Ҳисобланган ўртача пенсия миқдори, сўм	216,3	416,2	453,3	587,5	2,7м
Аҳолининг 10 фоизлик децил коэффиценти бўйича табақалашуви ёки камбағаллиги даражаси	7,9	7,0	6,2	6,0	75,9
Жон бошига аҳоли даромадлари, минг сўм	3076,8	3667,5	5477,0	10821,1	3,5
Аҳоли реал даромадларининг ўсиши суръатлари	117,3	100,2	116,8	103,9	

²² Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсия ва нафақа олувчиларни янада ижтимоий кўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда республика фуқароларини ижтимоий кўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида 1991–2020 йилларда пенсия ва нафақаларнинг миқдори 64 марта оширилиб, 1991 йилдаги ўртача миқдори 96,5 сўмдан, 2020 йил 1 май ҳолатига 747 480 сўмга етди²³. Шунингдек, Хоразм вилоятида пенсияларнинг ўртача миқдори 2,7 мартага ошган, яъни 2013 йилда 216,3 минг сўмдан 2019 йилга келиб 587,5 минг сўмга кўпайган.

Бундан ташқари, тадқиқ этилган даврда иқтисодиётда корхоналарда ўртача иш ҳақи миқдори, 2019 йилга келиб 3,8 мартага ошган бўлса, қишлоқ хўжалигида иш ҳақи миқдори жуда минимал бўлса-да, 3,5 мартага ошди. Қишлоқ жойларининг ва КБХТнинг барқарор ривожланишига албатта қишлоқларни ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги жиддий таъсир кўрсатади. Чунки, исалган бир фуқаро ёки тадбиркорлик қилмоқчи бўлган шахс аввало ўша жойдаги мавжуд коммуникация, ижтимоий инфратузилма мавжудлигига эътиборини қаратади.

Тадқиқ қилинган 2013-2019 йилларда касалхона муассасаларнинг умумий сони 33 та дан 50 тагача ошиб, 151,5 фоизни ташкил қилган бўлса-да, ҳар 10 минг кишига нисбатан касалхона ўринлари сони 39,8 тадан 37,5 тага камайган.

Худди шунингдек, марказий туман ва шаҳар касалхоналари сони Хоразм вилоятида янги Хива ва Тупрокқалъа туманларининг ташкил қилиниши ҳисобига 10 тадан 12 тага (120,0 %), амбулатор-поликлиникалар сони 311 тадан 335 (107,7%) тагача ошган бўлса-да, 10 000 кишига нисбатан амбулатор-поликлиника муассасалари қуввати 124,7 ўридан 111,7 ўрингача пасайганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз ва бу эса қишлоқ аҳолиси турмуш даражасига маълум даражада салбий таъсир қилмоқда (1.1.5-жадвал).

Айнан шу сабабли ҳам қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини изчил ошириб бориш, қишлоқ жойларида мавжуд

²³ <https://kun.uz/news/2020/06/12/ozbekistonda-ortacha-pensiya-miqdori-qancha>

ижтимоий, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик инфратузилма объектларини замон талаблари асосида модернизациялаш зарур.

Шунингдек, ҳар бир ҚАПда бўлиши лозим бўлган 48 та хизмат турларини қишлоқ жойларида таъкил қилиш, ҳар бир маҳалла даражасида КБХТни ривожлантириш орқали қишлоқ жойларида КБХТни турли аграр ва ноаграр шаклларини ривожлантириш орқали бандликни ошириш, эркаклар ва аёлларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор иқтисодий ўсишга кўмаклашниш ҳам асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

1.1.5-жадвал

2013–2019 йилларда Хоразм вилоятида ижтимоий инфратузилма объектларининг асосий кўрсаткичлари динамикаси²⁴

	2013 й.	2015 й.	2017 й.	2019 й.	2019 йилга нисбатан н фоизда
Касалхона муассасалари жами сони, бирлик	33	37	42	50	151,5
Ҳар 10 000 кишига нисбатан касалхона ўринлари сони	39,8	37,8	37,7	37,5	94,3
Туман (шаҳар) марказий касалхоналари сони	10	10	10	12	120,0
Амбулатор-поликлиника муассасалари сони	311	328	270	335	107,7
10 000 кишига нисбатан амбулатор-поликлиника муассасалари қуввати	124,7	119,1	111,4	111,4	89,4
Ҳар 10 000 кишига нисбатан шифокорлар сони	22,0	24,0	26,6	27,3	124,4
Мактабгача таълим таъкилотлари сони, жами	257	251	253	360	140,1
шу жумладан, қишлоқ жойларида	157	151	146	236	150,3
Мактабгача таълим таъкилотларидаги болалар	20388	22009	33502	55250	271,0

²⁴ Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

сони					
шу жумладан, кишлоқ жойларида	9481	9929	15168	31788	335,3
Ҳар 100 ўринга нисбатан мактабгача таълим ташкилотларидаги болаларнинг сони	55	60	89	107	194,5
Кутубхоналарнинг жами сони	153	166	167	22	14,4
шу жумладан, кишлоқ жойларида	68	71	70	3	4,4
Кутубхона фонди, жами нусха	4893,1	4928,7	4884,0	2890,2	59,1
шу жумладан, кишлоқ жойларида	1268,4	1248,0	1266,9	203,3	16,0
Кундузги умумтаълим мактаблари сони	529	530,0	525	556	105,1

1.2. Ўзбекистонда кишлоқ ҳудудларида КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда юртимизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётган бўлиб, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 59 фоиздан ортиги кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилиб, улар республикамиз меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 78 фоиздан ортигини иш билан таъминламоқда.

Шу билан бирга, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, жумладан, бизнес соҳаси вакиллари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, вилоятлар ва туманларда бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича, шуниқдек, КБХТ субъектларига, аввало, вилоятлар, шаҳар ва туманларда сифатли давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини,

айниқса, КБХТ субъектлари фаолиятини энди бошлаган даврларда кўллаб-қувватлашнинг янги самарали тизимини яратилгани тақозо этади²⁵.

Аграр иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши бевосита аграр ўзгаришлар билан, мулкчиликнинг кўп қиррали шаклларига асосланувчи хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожланиши билан боғлиқ.

Ўтказилаётган ислохотлар натижасида охириги ўн йилликда янги қишлоқ хўжалик корхоналарини ва қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятини шаклланиш жараёни фаол кечмоқда. Улар қаторига қишлоқ тадбиркорлигини амалга оширувчи субъектлар, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари: якка тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлар, хунармандчилик, тикувчилик, маиший хизмат кўрсатиш қабилар ҳам тадбиркорликнинг кичик шакли сифатида киради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг, иқтисодиёт тармоғи сифатида талкин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади.

Бугунги кунда қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантиришда нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер ва дехқон хўжаликлари, аgraфирма, ўрмон ва балиқ хўжаликларини, балки қишлоқ жойларида тадбиркорликни амалга оширувчи якка ва оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, тикувчилик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳам жуда зарур бўлиб бормоқда. Чунки, қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш, уларни даромадларини ошириш, сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5087-сон Фармони, Тошкент ш., 2017 йил 19 июнь.

улушини орттириш орқали, ушбу худудларни янада ривожлантириш мумкин.

Қишлоқ тадбиркорлиги субъектларини қуйидаги таърифлар ва хусусиятлари билан ажратишимиз мумкин:

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир²⁶.

1.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ жойларидаги тадбиркорликнинг таснифланиши²⁷

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар	Қишлоқ тадбиркорлиги	
	Қишлоқ жойларида тадбиркорлик билан шуғулланувчилар	
	Танкилий-ҳуқуқий шакллари	Фаолият турлари бўйича
Фермер хўжаликлари Дехкон хўжаликлари Йирик қишлоқ хўжалик корхоналари, агрокластерлар Агрофирма ва кичик қишлоқ хўжалик корхоналари Турли кооперативлар, бирлашмалар Ўрмон ва балиқ хўжаликлари Томорка ер эгалари Шахсий томорка хўжаликлари	Якка тадбиркор Микрофирма Кичик корхона Онлавий тадбиркор Хунарманд	Тикувчилик Умумовқатланиш Маиший хизмат АКТ хизматлари Кимёвий тозалаш Минерал ўғит сотиш Техника таъмири, таъминоти ва ҳ.к.

Фермер хўжалиги аъзолари жумласига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган, бу хўжаликдаги иш ўзининг асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари, ота-оналари,

²⁶Ўзбекистон республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни // Манба: www.lex.uz

²⁷ Муаллиф томонидан тузилган

бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа шахслар киради. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар фермер хўжалиги аъзоси ҳисобланмайди.

Дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида кишлоқ хўжалиги маҳсулотни етиштиради ва реализация қилади.

Дехқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда дехқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин. Оилали ва кишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда **0,35 гектар**гача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда **0,5 гектар**гача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан **1 гектар**гача ўлчамда берилади²⁸.

Дехқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас. Дехқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда янаётган ва дехқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа мулкларга эгалик қилувчи, дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни амалга оширувчи ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи юридик шахсдир.

Фикримизча, фермер хўжаликларида иш унумининг пастиги асосан ишчи кучининг етишмаслиги ҳамда ишчиларнинг ўз ишига масъулиятсиз ёндаши, ернинг катталиги ва техниканинг етишмаслигидадир.

²⁸Ўзбекистон республикасининг "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни//Манба: www.lex.uz

Бирок, кишлок жойларида тадбиркорликнинг бошқа шакллари ривожлантириш муаммоларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун кишлок жойларида КБХТни фаоллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш, кишлок аҳолисини иш билан таъминлаш, товар ишлаб чиқариш ҳажмининг ва аҳоли даромадини ўсиши каби кўрсаткичларга эътибор қаратиш керак.

Таҳлилларимизга кўра, ишлаб чиқариш кластерлари айнан кишлок жойларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш кластерлари иктисодиётнинг бир хил ёки бир-бирига боғлиқ соҳаларида фаолият юритадиган ва географик жihatдан бир-бирига яқин бўлган корхоналар гуруҳидир. Бу корхоналарнинг технологик жihatдан ўзаро боғлиқ бўлиши жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ушбу корхоналар ягона умумий мақсад рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун бирлашган. Масалан, пахта-тўқимачилик кластерининг технологик занжири пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш, пахта толасидан калава ип ишлаб чиқариш, газлама ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига камраб олади. Шу билан бирга, фермерларни (пахта хом ашёсини етиштирувчиларни), пахта тозалаш заводини, пахтаги қайта ишлаш корхонасини, тўқимачилик фабрикасини ва кийим-кечак ишлаб чиқарувчи корхонани бирлаштиришнинг мақсади – ҳар бир ишлаб чиқарувчининг харажатларини камайтирадиган ва яқуний маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширадиган ягона тузилма яратилди.

“Кластер” тушунчаси илк бор 1990 йилда Майкл Портер томонидан “Давлатларнинг рақобатдош афзаллиги” номли асарида келтирилган. 10 та саноат жihatдан ривожланган давлатларнинг ривожланиш тарихини таҳлил қилгач, Майкл Портер кластерларнинг пайдо бўлиши иктисодий ривожланиш ва саноатлаштириш жараёни таркибининг ажралмас қисмидир деган фикрга келган. Шундай қилиб, кластер – ўзаро боғлиқ корхоналарни бирлаштиришнинг бир шакли бўлиб, бу ҳудуд иктисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш имконини

берувчи, ташкиллаштириш шакли жиҳатидан **вертикал равишда интеграцияланган тузилма** дейиш мумкин.

Ўзбекистонда, хусусан, Хоразм вилоятида ҳам аграр соҳада талбиркорлик шакли сифатида кластер услубини қўллаш, айниқса бир-бири билан боғлиқ бўлган корхоналар мавжуд ҳудудлар учун катта аҳамиятга эга. Кластерлар ҳудудларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди ва бу ёндашув иқтисодий жиҳатдан устувор тармоқлар ва лойиҳаларни аниқлаш имконини беради.

Ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланишида кластерли ёндашувнинг **асосий афзалликларидан бири** – иқтисодий омилларнинг родини кучайтириш ва маъмурий омилларнинг родини камайтиришдан иборат. Ҳудудий маъмурияларнинг роли фақат дастлабки босқичда юқоридир. Масалан, янги кластерларни ташкиллаштиришда, айнан шу ҳудуд манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, истиқболли кластерларни танлашда ҳудуд ҳокимликларнинг роли юқори бўлади. Кейинчалик эса, ҳудудий ҳокимликларнинг роли камайиб боради ва бозор иқтисодиёти қонунилари майдонга чиқади. Ҳудуд ҳокимиятларининг роли энг муҳим ва истиқболли кластерларни қўллаб-қувватлаш ва «ўйин қондалари»ни тартибга солишдан иборат бўлади.

Совет Иттифоқи парчаланиб кетгач, Ўзбекистон пахтачилик соҳасидаги кўплаб ютуқлар билан бир қаторда анча жиддий комплекс муаммоларни ҳам мерос қилиб олди. Уларни ҳал этиш эса кўп вақт ва куч талаб этади. Асосий муаммолар орасида соҳанинг ўта юқори даражада тартибга солингани ва мажбурий меҳнат қабилар алоҳида ажралиб туради. Бир томондан, давлат томонидан соҳанинг юқори даражада тартибга солиниши уни ушбу маҳсулотни етиштиришнинг барча жараёнида имтиёзли кредитлаш, имтиёзли шартларда кишлоқ хўжалиги техникасига ёқилғи етказиб бериш каби кучли қўллаб-қувватлаш имконини беради. Аммо, бошқа томондан, мажбурий меҳнатни мужассам этган “режалантирилган” ёндашув фермерни пахта етиштиришга бўлган рағбатиши сўндиради. Ҳосил йиғим-теримига мажбуран жалб этилган “кўнгилдилар” ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Монографик таҳлилларимизга кўра, давлат имтиёзларини сақлаб қолиш билан бир қаторда, кластер услубини жорий этиш

соҳанинг тартибга солинганлик даражасини, маҳаллий ҳукуматнинг пахта етиштириш жараёнига аралашувини камайтиради, унга фақат «ўйин коида»ларини белгиловчи вазифасини юклайди, ҳолос. Кластер аъзолари якуний натижага жамоавий равишда жавобгар бўладилар. Ҳар бир кластер иштирокчисининг, шу жумладан деҳқоннинг саъй-ҳаракати ушбу кооперативнинг якуний даромадини, демак, ҳар бир иштирокчининг даромадини белгилаб беради.

Хоразм вилоятида ҳам 2020 йил ҳолатига деярли барча туманларда пахтачилик агрокластерлари фаолият юритган бўлиб, улар ташкил қилинди ва уларнинг тузилмасига пахта ва бошқа экинларни етиштириш учун фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда қуйидаги фаолиятлар юритадиган корхоналар қиради:

- пахтани қайта ишлаш;
- ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- тўқимачилик корхоналари;

- сут, гўшт ва тухум маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш (чорва ва паррандачилик хўжаликлари);

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш.

Замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, ушбу кластер эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, махсус транспорт воситалари ва техника, ҳайвонлар ва ўсимликлар, ветеринария препаратлари, хом ашё ва материаллар, қурилиш моллари ва иссиқхона комплекслари 2022 йилнинг 1 январига қадар муддатда божхона тўловларидан озод қилинди.

Президент қарорига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг бўйича харид қилиш, минерал ўғитлар, уруғликлар, ёқилғи мойлаш материаллари, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ҳамда бошқа моддий ресурсларни сўказиб беришда фермер хўжаликлари учун назарда тутилган шартлар ва тартиблар кластерлар учун ҳам сақланиб қолди.

Республикамызда ҳам пахта кластерлари соҳани жадал ривожлантиришнинг “локомотиви” бўлиб, уларга бир қатор бир қанча имтиёзлар берилди, жумладан:

- фермер хўжаликларига пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришининг тегили ташкилотчилари томонидан контрактация шартномасида назарда тутилган миқдорларда ва шартлар асосида аванс берилади;

- пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари пахта хом ашёсини етиштириш ва уларга етказиб беришни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратилади;

- пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига кредитлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан йилига 3% дан ортиқ бўлмаган ставкаси бўйича ажратилади.

2018 йилда дастлаб 44 та кластерлар, 2019 йилда 61 та кластерлар томонидан пахта майдонларининг 51 фоизиди пахта етиштиришди. Янги қувватларни ташкил этиш ва кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш натижасида, 2019 йилда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 78 фоизи мамлакатимизда қайта ишланди. Бу 2017 йилга нисбатан 2 маротаба кўп дегани. 2020 йилга бориб, пахта толасини тўлиқ қайта ишлашга ўтишди ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши 40 фоиздан 60 фоизга етказилди.

Бу қуйидаги ҳолатлар билан аниқланади.

Биринчидан, тадбиркорлик бошқа омиларни самарали ишлатилишини таъминлайди. Шу жумладан, меҳнатни, техника-технологияни, ер ва бошқа табиат ресурсларини, шунингдек капитални ҳам самарали ишлашнинг ва уйғунлашувини, бирлашмасини таъминлайди.

Э.Долан фикрига кўра, тадбиркорликнинг моҳияти истеъмолчилар талабини яхши қондиришни билдирувчи қуйидаги асосий омилар бирлашмасининг сифатли томонини акс эттиради:

а) билимларнинг янги босқичига ўтишда;

б) амалга оширилган фаолиятлар натижаси бўйича иқтисодий мукофот олишда²⁹.

²⁹ Долан Э.Дж., Линдсей Д. Рынок: Микроэкономическая модель. - Сиб., 1992.

Иккинчидан, ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда тадбиркорлик ёндашуви соҳада фойданинг ўсишини таъминлашга қодир, бу жуда муҳим, охиргги йилларда қишлоқ тадбиркорлигининг асосий субъектлари бўлган фермер хўжаликлари деҳқон хўжаликларига қараганда анча суёт фаолият юритаётганини кўришимиз мумкин ва бу уларнинг иш унумида ёққол кўриниб келмоқда.

А.Хоскинингнинг аниқлашича, тадбиркорлар ўз фаолияти орқали албатта фойда олишади, натижада улар аграр соҳани молиявий яхшилашини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқаришни ўстиришга қодир.

Учинчидан, тадбиркорлик, ишлаб чиқаришнинг фойдалилигини опирришга қодирлиги жиҳатидан, инвестицион жараёни фаоллаштириши ҳам мумкин. Лекин, инвестицион фаоллик қишлоқ жойларида анча кам.

Тўртинчидан, тадбиркорлик қишлоқ ва туманларда бозор белгиларини ва бошқарувда стратегик қарорларни таъинлашда уларнинг ҳисобини идрок қилишни, ушбу аснода бошқариш сифатини оширишни таъминлайди.

Бешинчидан, республикамизнинг қишлоқ жойларида тадбиркорлик ривожланишини таъминлашга қодир аҳолининг мос контингенти шаклланмоқда. Ҳозирги вақтгача Хоразм вилояти қишлоқларида иктисодий жиҳатдан етарли малакали товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи кичик тадбиркорлар сони анчагина кам. Шунини таъкидлаш керакки, қишлоқ тадбиркорлигини ташкил қилган деҳқон ва фермер хўжаликлари қишлоқ тадбиркорларини катта қисмини ташкил қилади, лекин қишлоқ тадбиркорлари орасида қишлоқ жойлари тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчиларнинг улуши анча пастдир. Булар масалан, аҳолига хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат дўконлари, чойхона, кафе, гўзаллик салонлари, эркаклар учун саргарошхоналар, авто ювиш жойлари, раунет тўловни амалга оширувчи хизматлар, телефон таъмирлаш хизматлари, мактаблар атрофида канцелярия моллари дўконлари мавжуд эмаслиги, тикувчилик цехларининг камлиги, айрим ҚАПларида эса умуман йўқлиги қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантиришни талаб қилмоқда. Чунки, қишлоқ

жойларида КБХТни ривожлантириш учун имконият келг, жумладан: қишлоқда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун солиқ имтиёзлари мавжуд, истеъмолчи аҳолини сони кўп, рақобатдош тадбиркорлар сони кам, ишчи кучи кўп ва арзон. Умуман қишлоқ жойларида тадбиркорлик тузилмасини қишлоқ ҳаётининг локал маркази сифатида шаклланиши, бозор асосида янгиланувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш алоқаларини таъминловчи ва айни вақтда қишлоқ иқтисодиётининг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш потенциалини ўстирувчи ўзаги сифатида намоён бўлувчи, КБХТ механизминини қишлоқ тадбиркорлигида шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Куйида якка тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, микрофирма ва кичик корхоналарни таъриф ва хусусиятларини кўриб ўтамиз:


Якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши.

Дастлаб, якка тартибдаги тадбиркорлик тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашъвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади.

Шунингдек, 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадалли ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдорида катъий белгиланган солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчинини ёллаш ҳуқуқи берилади³⁰.

Якка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2015 йил 15 май, ПФ-4725-сон.



бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун катъий белгиланган солиқдан озод этилди.

Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини қуйидаги³¹:

– эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;

– оддий ширкат;

– юридик шахс ташкил этмаган ҳолда дсхкон хўжалиги шаклларида амалга оширишлари мумкин.

Эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик яқка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли **оилавий корхонадир**.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади³².

Яқка тартибдаги тадбиркорлик сон жиҳатдан ва ривожланиш жиҳатидан энг кўп ташкил қилинадиган осон ва арзон КБХТ шаклидир.

Микрофирма ва кичик корхоналарга қуйидагича таъриф берилади:

Микрофирма – банд булган ходимларнинг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўртача ҳисобда 20

³¹«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 6-модда, 2000 й 25 май.

³²«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 3-модда, 2012 й 26 апрел.

нафардан, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида 10 нафардан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 нафардан ошмайдиган субъектлардир.

Кичик корхоналар қуйидаги соҳаларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони бўйича:

– енгил, озик-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноатидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 200 киши (2014 йил 1 июнгача – 100 киши);

– металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебелъ саноати-даги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 100 киши;

– машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш саноат соҳасидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 50 киши;

– илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 25 киши бўлган субъектлардир.

Тадбиркорлик шаклланиши жараёнининг замонавий қишлоқ ижтимоий жараёнлар ривожланишига таъсир қилувчи энг муҳим йўналиши унинг, бозор шароитларида амал қилувчи ва ўз кучи билан яримфункционал қишлоқ иқтисодиётини, нафақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларини, балки қайта ишлаш, транспорт ва ижтимоий соҳанинг бошқа корхоналари, муассасалари, администрацияси ишчиларни, шунингдек улар оилаларининг аъзоларини ҳам, яъни барча меҳнатга ярокли аҳолини ўз ичига олувчи янги турдаги қишлоқнинг меҳнат потенциали шаклланишига таъсири ҳисобланади. Чунки **тадбиркорлик иқтисодий феномен сифатида** ғоянинг инновационлиги ва ҳаракатларнинг илдамлиги тури билан таснифланади, бу республикамиз иқтисодиётида бутунлай трансформацияланувчи ўзгаришларнинг мақсадига мос бўлиб, айнан тадбиркорлар ислохотларнинг анча фаол ижтимоий базаси ва сезиларли трансформацион салоҳиятга эга реал генератори ҳисобланади.

КБХТнинг ривожланиши кишлоқ аҳолиси орасида кичик тадбиркорликка нисбатан тўғри муносабат шаклланиши муаммосининг ечимини, кишлоқ ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечимидаги аҳамиятини таъминлайди.

Кейинги беш йилда республикаимиз Президентини томонидан ҳудудларда КБХТни янада ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб келинаётгани алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги йилларда хунармандчилик, ёшлар тадбиркорлиги, оилавий тадбиркорлик, аҳоли бандлиги бўйича бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 2017 йил 17 ноябрдаги *“Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-5242-сонли, 2018 йил 27 июндаги *“Ёшлар келажагимиз”* Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги *“Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ-3680-сонли, 2018 йил 7 июндаги *“Ҳар бир оила тадбиркор”* Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон ва 2018 йил 14 июлдаги *“Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПҚ-3856-сонли қарорлари асосида оилаларнинг хоҳиш ва истаклари, тадбиркорлик субъектлари ва ёшларнинг лойиҳалари, уларни амалга ошириш учун старли шароитлар мавжудлиги чуқур ўрганилиб, ҳар бир оила ва тадбиркорлик субъектларининг тақлиф этаётган лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиб келинмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг *“Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231 сонли Қарорида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, **“Бир маҳалла бир маҳсулот”** тамойили асосида ҳар бир маҳаллани аниқ бир йўналишга ихтисослаштириш, имтиёзли кредитларни мавжуд шароит ва оилаларнинг хоҳиш-истакларини

инобатга олган холда ажратилишига эътибор қаратиш, айниқса қишлоқ жойларида маҳаллаларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бўш турган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида 2 йил муддатда ушбу ер майдонларини ҳақиқий даромад манбаига айлантириш шarti билан доимий ёки узок муддатга ижарага бериш, шaҳар ва туманлар марказларида фойдаланилмасдан турган биноларни КБХТ субъектларига ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш шarti билан доимий ёки узок муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш каби тадбиркорлик субъектларига давлатимиз томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор ва имкониятлар, ушбу соҳани мамлакатимиз ҳудудларида ва асосан қишлоқ жойларида ривожланишига катта замин ярагади.

Фикримизча, республикамызда қишлоқ жойларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”*³³ ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Чунки, муस्ताқилликдан кейинги ўтган қарийб 30 йил мобайнида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узок муддатга мўлжалланган стратегия мавжуд бўлмаганлиги, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юкори даромад олишига, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилиб келди. Айнан шунинг учун ҳам *Стратегияни қабул қилишдан мақсад* - ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносибатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини ва юкори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносибатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, АКТларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини оширишдан иборат.

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги *“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”* ги Фармони// Манба: www.lex.uz

Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган микдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш белгиланди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чоралар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон дунёда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлашга эришди ва босқичма-босқич глобал рейтингларда ўз макенини яхшилаб олди. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси халқаро микёсда эълон қилинган глобал очлик индексида 107 та мамлакат ичида 30-ўринда қайд этилди ва 6,7 кўрсаткич билан “мўътадил” даражага эришди³⁴.

Шунингдек, стратегияда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш, соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозиба-дорликни ошириш механизмларини жорий қилиш, кишлоқ хўжалиги давлат бошқаруви тузилмасини таркибий ўзгартириш ва бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш, кишлоқ хўжалигида илмий тадқиқот, таълим ва ахборот-маслаҳат хизматларининг самарали тизимини ривожлантириш, кишлоқ жойларини мутаносиб ва барқарор ривожлантиришга кўмаклашишни назарда тутувчи ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, замонавий АКТларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни кўзда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш қабилад хам устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кишлоқда КБХТни ривожлантиришнинг инновацион ва самарали шакли сифатида кооперация механизмлари тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли, уларнинг фаолияти тарқоқ бўлгани ҳолда юқори иқтисодий

³⁴ <https://teznews.uz/19-11-2020/ozbekistonning-global-ochlik-indeksi-bojicha-zahondagi-orni-malum-boldi>

кўрсаткичларга эришишга, қўшилган қиймат занжирларига бирлашишга тўсқинлик қилмоқда.

Чунки, ривожланган мамлакатлар (*Европа Иттифоқи, АҚШ, Канада*) бозорларида кооперативларнинг улуши 40 фоиздан ошади, Ўзбекистонда эса бу йўналиш эндигина ривожланмоқда.

Фикримизча, ушбу мақсадга эришиш ва соҳада КБХТни ривожлантириш учун кишлоқ хўжалик тадбиркорлигининг барча анъанавий ва инновацион йўналишлари ходимлари учун қисқа муддатли, шу жумладан, масофавий тренинглар ташкил этиш, ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш лозим.

Шунингдек, республикамизнинг кишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортида оқсаётган ҳудудлари, жумладан, Хоразм вилояти учун янги мақсадли экспорт бозорлари бўйича мақсадли маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, буида чет эллардаги расмий ваколатхоналардан самарали фойдаланиш, маҳаллий ва мақсадли халқаро бозорларда кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги ва ташиш харажатларини камайтириш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини мақсадли экспорт бозорларига чиқариш учун “Made in Uzbekistan” брендидан фойдаланишни бўйича кенг қамровли маслаҳат хизматларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Аграр соҳада КБХТни ривожлантириш ва фаолиятини диверсификация қилишни қўллаб-қувватлаш учун тажриба синов тариқасида инвестициявий дастурларни амалга ошириш, Кичик бизнес ва тадбиркор-ликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва асосан стратегияда келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш шубҳасиз мультипликатив самара бергани ҳолда кишлоқ жойларида нафақат аграр йўналишдаги, балки ноаграр йўналишдаги КБХТ субъектларини ҳам ривожланишига, охиरोқибатда янги иш ўринларини яратилиши ва аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келади.

1.3. Қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг хориж тажрибаси

XX асрнинг кейинги чорагида Европа Иттифоқи мамлакатларида қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиш асосида барқарор ривожланиш концепцияси майдонга чиқа бошлади. Шу вақтдан бутун ривожланган давлатларда аҳоли миграциясини тўхтатиш ва атроф-муҳитни сақлаб қолиш каби янги вазифалар пайдо бўла бошлади.

Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш сиёсатининг негизида *бозорнинг барча иштирокчилари субъектлари учун тенг шароитлар яратиш*, яъни аҳолига шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам бир хил шароитлар яратиш, чекка ва олесда жойлашган *ҳудудлар, қишлоқларнинг марказга боғлиқлигини камайтириш*, яъни маҳаллий тадбиркорлар фаолият кўрсатишлари учун шароитларни яхшилаш каби тамойиллар ётади.

ЕИда иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири қишлоқ жойларини давлат томонидан тартибга солиш саналади.³⁵ Шунинг учун ҳам, қишлоқ хўжалик бозорини тартибга солиш ва бошқа давлатлар билан савдода божхона протекционизми, кафолатли баҳолар ўрнатишни кўзда тутувчи аграр сиёсат қабул қилинди. Бу эса ЕИ давлатларига қисқа бир давр ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари импорттеридан экспорттеригача бўлган йўлни босиб ўтишга имкон берди.

Қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантиришда скандинавия мамлакатларидан Финляндиянинг тажрибаси ҳам эътиборга лойик. Финляндияда қишлоқ хўжалигидаги КБХТ субъектлари бутун мамлакатнинг барча озиқ-овқат турларига бўлган эҳтиёжини қондиради. Шунингдек, Финляндияда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари учун экологик дотациялар, ноқулай иқлим шароитлари ва хўжаликлар бўйича дотациялар

³⁵ Анисимова О. С. Аграрная политика и стратегия развития сельских территорий: опыт стран ЕС // Никоновские чтения. — М.: МСХА им. К. А. Тимирязева, 2011. — № 16. — С. 209

мавжуд³⁶. Бундан ташқари, зарарга ишлаётган фермер хўжаликларини фаолиятини бошқа фаолият турига ўзгартириш, диверсификация қилиш бўйича ҳам субсидия кўринишидаги бюджет рағбатлари амал қилади. Финляндия ва Швецияда ҳам аграр ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида кишлоқ аҳолисининг ўзини ўзи банд қилиши кичик ва ўрта оилавий агробизнесни ривожлантириш тан олинган. Кишлоқ тадбиркорлигини қўллаб-қуватлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида кооперативлар ва агробизнес соҳасида давлат хизматлари ташкил қилинади. Кооперативлар тармоғи орқали кишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилади, фермерлар ишлаб чиқаришига зарур кредитларини олин, сугурталан ва бошқа хўжалик ва ижтимоий муаммоларини счишлари учун кооператив банклар ҳам фаолият кўрсатади³⁷.

Данияда оилавий ферма кишлоқ жойларидаги тадбиркорликнинг асоси саналади. Фермер бўлиш учун махсус кишлоқ хўжалик мактабида 5 йиллик ўқувни ўташ керак. Барча фермерлар кишлоқ хўжалик кооперативларининг аъзолари саналади ва 20 мингдан ортиқ фермерларга 300 дан ортиқ кооперативлар тўғри келади. Кооперативларнинг аҳамияти шундаки, улар фермерларни уруғлик, ўғит, техникалар ва ёнилғи билан таъминлайди ва фермерлар эса ўзи сгиптирган ҳосилни шу кооперативларга топширади. Шундай қилиб, ўртада воситачилар иштирок қила олмайди ва маҳсулот сотиш харажатлари сезиларлича қисқаради. Бу эса Данияни ЕИдаги кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг йирик экспортёрларидан бирига айлантиради³⁸.

Кооператив ҳаракати ривожланган яна бир давлат бу Япония бўлиб, у ерда сотиш, таъминот, кредитлаш каби универсал хизматлар кўрсатувчи кооперативлар фаолият кўрсатади.

³⁶ Фролова О. А. Государственное регулирование сельского хозяйства: зарубежный опыт / О. А. Фролова, С. Ю. Васильева // Вестник НГИЭИ. — Н.: НГИЭИ, 2011. - № 5. - С. 76–83

³⁷ Фролова О. А. Государственное регулирование сельского хозяйства: зарубежный опыт / О. А. Фролова, С. Ю. Васильева // Вестник НГИЭИ. — Н.: НГИЭИ, 2011. - № 5. - С. 79–80

³⁸ Кулькова И. С. Зарубежный опыт интегрирования и кооперирования в сельском хозяйстве / И. С. Кулькова // Вестник НГИЭИ. — Н.: НГИЭИ, 2012. - № 3. - С. 81–93.

Японияда 787 та кооперативлар фаолият кўрсатиб, улар ўзида қарийб 10 млн аъзони бирлаштиради³⁹.

Хитойда қишлоқ жойларини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири шаҳар ва қишлоқ аҳолиси даромадлари ўртасидаги жуда катта фарқни камайтириш ҳисобланади. Хитойда қишлоқ хўжалик солиғини ва махсус маҳсулотларга солиқни бекор қилиниши дехқонларнинг солиқ юқини 70 млрд. юангача энгиллаштирди⁴⁰.

XXРда дехқонларнинг муаммоли масалаларидан бири ҚАПларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳисобланади. Ҳар йили ўртача 30 млн.дан ортиқ аҳоли ичимлик сувига уланади ва фаол равишда қишлоқ йўллари қуриш амалга оширилмоқда ва 2020 йилда 300 минг км. Каттиқ қопламали йўл қурилади. Глобализация жараёнлари сабабли XXРда ёшлар ўртасида собиқ социалистик ва анъанавий идеаллар йўқолиб бормоқда. Бош идеал эса конфуцийчилик бўлиб, XXРда ушбу оқимни ривожлантириш ёшларни баркамол авлод қилиб ўстириш юзасидан давлат махсус таълим дастурларини амалга оширгани боиси, 1990 йилдаги 20 фоиз саводсизлик кискариб, асримиз бошига 5 фоизгача тушди. Ўтган асрда Хитойда қишлоқ хўжалиги интенсив тарзда ривожлантирилиб, оқибатда қишлоқ жойларида экологик ҳолат ёмонлашди. Ердан пестицидларни бериш атроф-муҳитга 10-30 фоиз зиён етказса, ҳаводан сепилганда 50-75 фоизгача зарар беради⁴¹.

Хитойда қишлоқ жойларини ривожлантиришдаги яна бир экологик муаммо бу ген модифицирланган организмлар бўлиб, (ГМО) трансген маҳсулотнинг бозори йилига 44 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Ўз навбатида органик маҳсулотлар бозори 2 марта кам бўлиб, йилига 22 млрд. АҚШ долларини ташкил этади⁴².

Ҳозирда ЕИда органик қишлоқ хўжалигига экинларига 7,4 млн. Га тўғри келади ва йилига 7 фоизга ошиб бормоқда. АҚШга

³⁹ Ўша жойда: қаранг 82-бет.

⁴⁰ Шамин А. Е. Опыт решения аграрных проблем в сельском хозяйстве Китая/ А. Е. Шамин, Н. Г. Вождасва// Вестник НГИЭИ. — Н: НГИЭИ, 2011. -№ 2. -С. 5-19.

⁴¹ Хатуров А. А. Современное российское село: проблемы и перспективы развития/ А. А. Хатуров// Россия информирующая. — М.: ИС РАН, 2009. -№ 08. -С. 243-256.

⁴² Экономика природопользования / Под. ред. К. В. Папенкова. — М.: МГУ, 2006. —С. 810-813.

таққослаганда бундай маҳсулотлар атиги бир неча фоизгина стиштирилади ва экологик соф маҳсулот таннархи жуда юқори бўлади⁴³.

Францияда қишлоқ жойларидаги КБХТ субъектлари бўлган фермерлар 5 йил давомида субсидиялар оладилар ва йил сайин ривожланган давлатларда экологик тоза органик аграр сиёсатга томон ҳаракат кучайиб бормоқда. Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида ҳам органик қишлоқ хўжалигининг роли ортиб бормоқда.

Айнан бизнинг Ўзбекистон Республикаси учун ҳам юқоридаги ривожланган давлатлар тажрибаси билан бирга, қишлоқ жойларидаги тадбиркорликни ривожлантиришда Голландия тажрибаси биз учун жуда қўл келади. Чунки, Голландия қишлоқ хўжалиги экспортга йўналирилган бўлиб, умумий экспорт ҳажмида 2018 йилда 24 фоизни ёки 91,7 млрд. еврони ташкил қилди. Голландия қишлоқ хўжалиги юқори даражада механизациялашган бўлиб, бор-йўғи соҳада 2 фоизгина аҳоли ишлайди. Голландия ўз ер майдони бўйича дунёда 131-ўринда турсада, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти бўйича АҚШдан кейин дунёда 2-ўринда туради. Шунингдек, дунё умумий қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг 7,5 фоизи Голландия улушига тўғри келади. Голландияда қишлоқ хўжалиги КБХТ субъектлари ҳисобига “2 марта кам ресурс сарфлаб - 2 марта кўп овқат” тамойили асосида (GPS ва учувчисиз аппаратлар) ривожланади⁴⁴.

Голландияда ер нисбатан қиммат бўлиб, 1 га ер харидорга 50-70 минг еврога тушади ва шунинг учун ҳам фермерлар ерларни ижарага олиб ишлатишади. Кооператив тадбиркорлик Голландия бозорида 70 фоизни ташкил қилади. Голландияда “ишлаб чиқарувчи-давлат-фан” учбурчаги дунё аренасида катта устунлик беради. Чунки, АСМда интеллектуал мулк экспортдан тушум 2016 йилда 9 млрд. еврони ташкил қилди. Ҳар йили голланд олимлари 1,8 минг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини

⁴³ Черкасов В. А. Зарубежный опыт развития сельского хозяйства как одного из способов обеспечения продовольственной безопасности // В. А. Черкасов // Вестник ТГУ. Т.: ТГУ, 2010. - № 6. - С. 14-18.

⁴⁴ Опыт Нидерландов в сфере развития сельского хозяйства <http://www.isrs.uz/ru/magazinar/opyt-niderlandov-v-sfere-razvitiya-selskogo-hozajstva/>

янги навлари ва гибридларини яратишади. Мисол учун, АҚШдаги барча полиз экинлари навлариниг 70 фоизи голланд генетикасига эга.

Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш бўйича илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш қишлоқ хўжалик самарадорлигини ва унда бизнес субъектлари фаолиятини ривожланишига олиб келади. Барча постсовет мамлакатларида қишлоқ жойларини ривожлантириш бўйича 2 та асосий гуруҳга ажратиш мумкин: асосий хўжалик юритиш шакли фермерчилик бўлган Шарқий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатлар ҳамда қишлоқ хўжалик юригишнинг турли шакллари ривожланаётган Украина, Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва бошқалар.

Шунингдек, фермерчилик харақати АҚШ, Канада ва Ғарбий Европа давлатларида кенг ривожланган. АҚШ қишлоқ хўжалигида асосан *"оилавий фермалар"* ривожланган⁴⁵. АҚШда фермерлар майда ва йирик турларга бўлинади ҳамда 1 фоиз фермерлар 40 фоиз мҳсулотни бергани ҳолда йилдан йилга кичик фермерларни рақобатда сиқиб чиқаради. Шунингдек, қишлоқ жойларида фермерчилик кооперативлари ривожланган ва бу кооперативлар АҚШнинг йирик 500 та корхоналари рўйхатига кирган⁴⁶.

Канадада ҳам фермерчилик харақати ва кооперативлари кенг ривожланган бўлиб, мамлакатда ўз-ўзини банд қилувчи майда фермерлар, иш юритувчилари пенсионерлар бўлган фермерлар, асосий фаолияти фермерлик бўлган йирик оилавий фермерлар, ёлланма бошқарувчилар томонидан бошқариладиган ноилавий корпорация тарзида ташкил қилинган ноилавий фермерлар фаолият кўрсатади. Канадада АСМнинг ташкилий тузилмаси вертикал кўринишида тартибланган бўлиб, миллий тармок кооперативи, минтақавий кооператив, маҳаллий кооператив, фермер ҳисобланади⁴⁷.

⁴⁵ Енина Д.В., Алексеевко Т.С. К вопросу о становлении и развитии крестьянских (фермерских) хозяйств в России и мире // Экономика: экономика и сельское хозяйство. – 2018. – No 1. – с. 4.

⁴⁶ Клымова Н.В. Особенности регулирующего воздействия государства на агробизнес в зарубежных странах // Научный журнал КубГАУ - Scientific Journal of KubSAC. - 2013. - No 90. - с. 713-729.

⁴⁷ Власов С.Д. Зарубежный опыт и проблемы инновационного развития сельского хозяйства России // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. – 2014. – No 2. – с. 124-127.

Қишлоқ хўжалигида кичик бизнесни, айниқса фермерчиликни ривожлантиришнинг тажрибаларидан солиқ социалистик мамлакатлардан *Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Румыния, Болгария, Сербия ва Черногория, Словения, Хорватия, Босния ва Герцеговина*нинг тажрибалари АҚШ ва Канаданикига қараганда нисбатан бизни Ўзбекистон шароитларига тўғри келади. Ушбу мамлакатларда аграр ислохотлар туфайли кўп минг сонли хусусий ер эгалари пайдо бўлди. Хусусийлаштириш туфайли ер эгалари *Чехияда 49 марта, Латвияда 20 марта, Эстонияда 17 марта, Литвада 7 марта, Венгрияда 6 марта, Болгария, Румыния ва Словакияда эса 2 мартадан кўп* ошди. Истисно тариқасида Шарқий Европа мамлакатлар ичида Беларуссияда 80 фоиз ерлар давлат мулкида турибди⁴⁸.

Польшада ўртача фермер хўжалигининг ҳажми 10 га дан ошмайди ва Польша қонунчилиги ҳозиргача ер сотиб олишда чет элликларга чекловлар қўйибди. Фермерлар ҳам ерни сотиб олиши учун у ер олдин 3 йилдан кўп муддат ижарада турган бўлиши ва фермернинг ўзи бевосита ерни парваришlashда шахсан иштирок қилиши керак. Чехияда аграр ислохотлар муваффақиятли бўлиб, мамлакатни тўлиқ асосий маҳсулот турлари билан таъминлади. Катта кооперативлар ўртача 5900 га ерни ёки умумий қишлоқ хўжалик ерларининг 2/3 қисми эгаллаган⁴⁹.

Россияда аграр соҳада хўжалик юритишнинг майда шакллари асосан шахсий томорқа хўжаликлари (ШТХ) ҳисобланади. Бу фуқароларнинг юридик шахс ташкил қилмасдан ўз хусусий ер участкасидаги хўжалик фаолиятидир. Бундан асосий мақсад қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш йўли билан ўз эҳтиёжларини қондириш, органикча маҳсулотни сотиш, ШТХни мулклари билан хизматлар кўрсатишдир⁵⁰.

⁴⁸ Михайлушкин П.В., Баранников А.А. Современные приоритеты аграрной политики развитых стран мира // Научный журнал КубГАУ - Scientific Journal of KubSAU. - 2013. - № 9. - с. 837-857.

⁴⁹ Власов С.Д. Зарубежный опыт и проблемы инновационного развития сельского хозяйства России // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. - 2014. - № 2. - с. 124-127.

⁵⁰ Уварова М.Н. Развитие кооперации личных подсобных хозяйств на современном этапе // Вестник ОрелГАУ. - 2010. - № 6. - с. 39-40.

Юқоридаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қишлоқ жойларида хўжалик юритишнинг мақбуллаштирувчи институтлари ер қонунчилиги, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалик ва иқтисодий таълим институтлари, молия институтлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари: *хизмат кўрсатиши, кредит, қайта ишловчи, ишлаб чиқариши* кабилар ҳисобланади.

Мазкур институтларнинг фаолияти ҳаётий хўжалик юритувчиларни ташкил қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалик таълимини ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш, фермер ва олимлар интеграциясини таъмирлаш, ижтимоий масалаларни ечилиш ва қишлоқ жойларидан аҳолининг чиқиб кетишини тўхтатиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилар учун молиявий, моддий ресурслар қулайлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш учун шароитлар яратиш, туңроқ ва биохилма-хилликни, экологик тизимларни сақланишини назорат қилиш.

Юқоридаги институтлар аграр секторда иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазифаларни амалга оширгани ҳолда “табиат – иқтисодиёт – жамият” тизими барқарорлигини таъминлайди⁵¹.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибага таянадиган бўлсак, айнан аграр йўналишида КБХТ субъектлари, фермерлар, ШТХлар барқарор ривожланиши учун қишлоқ хўжалик кооперацияси ривожланиши керак бўлади, чунки айнан шулар табиий муҳитни сақлаган ҳолда аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга имкон беради. Шунинг учун, давлат ҳам фермерчиликни, ШТХларни ва қишлоқ хўжалик бирлашмалари бўлган кооперативларни қўллаб-қувватлаши керак бўлади.

Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг энг муҳим замона-вий шаклларида бири бу агротуризмни ривожлантириши

⁵¹ Бурмистрова А.А., Родионова Н.К. Состояние и возможности развития сельского хозяйства в России // *Пес.* - 2013. - № 3. - с. 424-425. 22. Кабанский М.Н. Реализация кластерного подхода в стратегии регионального развития на примере ростовской области // *Вестник Северо-Кавказского гуманитарного института.* - 2017. - № 2. - с. 44-51.

хисобланади. COVID-19 пандемиясигача туризм саноати бутун дунёда фаол ривожланиш даврида бўлди. Аммо, 2019 йил охири ва 2020 йилда жаҳон туризмида пандемия сабабли пасайиш кузатилди. Дам олишнинг анъанавий фаол ва оммавий турлари билан бирга эндиликда бутун дунёда “яшил” саёҳатлар **3S тонфаси** (*Sun – Sea – Sand*) – *куёш – денгиз – қум* ўрнига “3 L (*landscape – Lore – Leisure*) – пейзаж – анъаналар – хордик” тонфалари таклиф қилинмоқда. Ҳаётни экологиялаштириш роляларининг кенг қулоч очиб туризм соҳаси ривожига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда⁵².

“Яшил саёҳатлар” дунёга машҳур яшил қишлоқ туризмида (*green rural tourism*) ёки агротуризм (*agrotourism, farm tourism*)да ўзининг ифодасини топмоқда⁵³. Агротуризм тушунчаси хорижий амалиётда турли туман бир бирига зид ёки тўлдирувчи таърифларнинг синтези саналади (1.3.1-жадвал).

Агротуризм географик жиҳатдан муайян худудларга боғлиқ ва шунинг учун уни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари минтақавий шарт-шароитлар ва ижтимоий-иқтисодий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда “агротуризм” концепциясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Шу сабабли, “агротуризм” концепцияси турли мамлакатларда олимларнинг ушбу фаолиятга ёндашувига қараб фарқланиши мумкин (1.3.2-жадвал).

Таҳлилларимизга кўра агротуризмни геодемографик нуқтаи назардан қарашимиз мумкин ва бунда агротуризм – шаҳардан ташқаридаги аҳоли зичлиги паст жойдаги туризм деб тушуниш мумкин. Рекреацион нуқтаи назаридан эса (*турмуҳсулот ишлаб чиқаришини ташиқил қилиши*) агротуризм – қишлоқ уйларида яшашдан тортиб то хордик чиқаришнинг табиатга йўналтирилган турларигача, саргузаштли юришлар ва қишлоқ аҳолиси манғулотларида бевосита ишгирок этишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олувчи туризмдир.

⁵² Баладин Ю. На деревню к ледущке. Осеню сельский туризм переживает пик популярности // Российская Бизнес-газета, 2012. 25 сентябрь. № 865 (36). [Электронный ресурс]. URL: <http://www.naturs.ru/>.

⁵³ Клишунова В. Зеленая альтернатива - сельский туризм. [Электронный ресурс]. URL: http://agroedu.org/by/index.php?option=com_content&task=view&id=152.

Демак, юқоридагилардан ва 1.3.1-жадвалдаги кишлоқ ёки агротуризм тушунчаси таърифи бўйича ўнга яқин чет давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агротуризм кишлоқ, фермерлик, яшил, табиий, натурал туризм каби тушунчалар билан бир хил маъно касб этади⁵⁴.

1.3.1-жадвал

Агротуризмни моҳиятини очиб берувчи асосий тушунчалар⁵⁵

Экологик туризм	Атроф-муҳитга нисбатан масъулиятли саёҳат тури бўлиб, унда нисбатан одам оёғи тегмаган жойларга табиатни муҳофаза қилишга ва маҳаллий аҳолига фойдали бўлиши учун иқтисодий шароитлар яратиш, табиий ва тарихий-маданий хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва роҳатланиш мақсадида қилинадиган сафардир.
Юмшоқ туризм	Бунинг асосий мақсади фойдани максималлаштириш бўлган “қаттиқ туризм”га карама-қарши туризм бўлиб, “юмшоқ туризм”да нафақат муваффақиятли бизнес, балки туристик минтақаларни маданий фаровонлиги ва ресурсларини такрор ишлаб чиқариши, атроф-муҳитга зарарларни минималлаштиришдир.
Кишлоқ туризми (rural tourism)	Бу кишлоқ ҳудудларига йўналтирилган туризм. У туристик йўлақлар, дам олиш жойлари. Кишлоқ хўжалик ва халқ музейлари, йўлбошловчи ва экскурсоводлар билан туристларга хизмат кўрсатиш марказларини риволантиришни кўзда тутади.
Агротуризм (farm tourism)	Бу кишлоқ хўжалигидан фойдаланишни кўзда тутади. Агротуризм турли шаклларда намоён бўлади, аммо доим ижарага олинувчи биноларни ўз ичига олади. Агротуризмни асосан 2 та асосий шакли фарқланади: дала ховли ёки кишлоқ уй хўжалиги доирасида хизмат кўрсатилувчи ижарага олиннадиган биноларни ўз ичига олади ёки дала ховли ичиди ўз-ўзига хизмат кўрсатиб, тунаб қолишни назарда тутади.

⁵⁴ Никитина О. А., Кулигареико Е. П. Уточнение понятийного аппарата в развитии теории и практики регионального сельского туризма // Вестник Чувашского университета. Изд-во ЧГУ им.И. Н. Ульянова, 2010. С. 400–405

⁵⁵ Григорьева В. Экологически безопасный туризм. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.discoverbaikal.ru/node/77>. ва О сельском туризме. Агротуризм, экотуризм и зеленый туризм. [Электронный ресурс]. URL: <http://agrotourizm.ru/selskiy-turizm/selskiy-turizmkak-vid-podsobnoy-deyatelnosti/index.html?page=2>. асосида муаллиф томонидан тузилган

1.3.2-жадвалда агротуризм тушунчаларини умумлаштирган ҳолда республикамиз учун ҳам миллий ўзимизга мос ва хос жиҳатларни инобатга олган ҳолда агро, қишлоқ туризми тушунчасига ўзига хос таъриф бердик.

Агротуризмнинг асосий вазифаси инсоннинг рухий ва жисмоний ҳолатини самарали яхшилашдир. Агротуризмнинг иқтисодий вазифалари ичида қишлоқ жойларининг молнавий манбаларини шакллантиришга хизмат қилувчи, қишлоқ жойларини иқтисодий ўсишини рабатлантирувчи ўзига хос ресурсларини сотиш учун бозор ташкил этишни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1.3.2-жадвал

Хорижий давлатларда ва Ўзбекистонда агротуризм тушунчасининг хусусиятлари⁵⁶

Мамлакат	Агротуризм атамасининг талқини
АҚШ	“Яшил туризм” – бу қишлоқ жойларида тўлақонли дам олиш бўлиб, унда туристлар маълум вақт қишлоқ турмуш тарзида ҳаётда яшаб, маҳаллий маданият, урф-одатлар, халқ хунар-маддчилиги билан танишиб, фермаларда анъанавий қишлоқ меҳнатига қатнашадилар
Буюк Британия	Қишлоқ туризми – бу қишлоқ туманларида (провинция) иқтисод синфи ёки люкс, бизнес синфи бўйича қайта қурилиб жиҳозланган, анъанавий безатилган кўҳна уйлarda ёки анъанавий тарзда махсус қуриладиган минн меҳмонхоналар ёки уйлarda жойлашишдир. Шунингдек, қишлоқ туризмнинг кенг тарқалган тури экологик органик қишлоқ хўжалигида туризмни иш билан уй ушлаштиришдир (WWOOF)
Ҳиндистон	Қишлоқ ҳаёти, санъати, маданияти ва меросини намойиш қилувчи, шу билан бирга маҳаллий ҳамжамияти иқтисодий, ижтимоий наф келтирувчи, туристлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида ўзаро мулоқотни таъминловчи исталган туризм тури ҳисобланади.
Қир	Қишлоқ туризми деганда турмаҳсулот таркибига маҳаллий

⁵⁶ Британская модель организации сельского туризма // Справочно-информационная служба Центр международного туризма». [Электронный ресурс]. URL: <http://worldwidetour.ru/content/16/2/>; Дашков В. В. Мировой опыт организации агротуризма в контексте развития сельских регионов России // Материалы III Международной научно-практической конференции «Эко- и агротуризм: перспективы развития на локальных территориях». 18-19 мая 2011 г. Изд-во РИО БарГУ, 2011. С. 42-45; Переход сельского туризма, ориентированного на внутреннюю Индию // Интернет-журнал Knowledge@Wharton. 03.12.2009. [Электронный ресурс]. URL: <http://knowledge.wharton.upenn.edu/india/article.cfm?articleid=4434>; Сельский туризм в Европе. Испания. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.Ruraltourismintemacional.org/Spain>.

	ландшафт унсурларини, тарих ва архитектура объектларини, хунармандчилик, пазапдачиликни киритган ҳолда маҳаллий маданият билан чамбарчас мулоқотда бўлиш тупунилади.
Швейцария	Қишлоқ туризми – бу фермаларда, қишлоқ уйларида, кичкина қишлоқ меҳмонхоналарида ҳамда барча хизматлар комплексини ўз ичига олган, олий сифтли меҳмонхона сифатида таъмирланган эски қалъаларда дам олиш шаклидир.
Польша	Қишлоқ туризми – туристнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун аграр сектор ресурсларидан имкон қадар кўпроқ фойдаланишидир. Шунингдек, анъанавий жойлаштириш ва овқатланиш воситаларини ўз ичига олган табиат қўйнида дам олишни таъминловчи “экологик қишлоқ”, “ижтимоий йўналтирилган ҳудуд” деб аталувчи агама ишлатилади.
Германия	Қишлоқ (юмшоқ) туризми – туристик бозорнинг сегменти бўлиб, жозибали қишлоқ ҳудудларида табиат қўйнидаги рекреацион фаолият турларидир. Ушбу сегмент илмий туризмдан тортиб, ёввойи табиатни кузагиш ва суратга олиш, баллиқ ови ва ов истеъмоли, спорт ва саргузашт туризмни қамраб олади.
Белоруссия	Қишлоқ туризми – бу барқарор ривожланиш асосида бошқарувнинг муқобил режимига мос қишлоқ аҳолисининг муаммоларини ечишда бевосита хисса қўшишни таъминлаётган экотизимлар ва этномаданият мажмуалари томонидан нисбатан бузилмаган қишлоқ ҳудудларига мақсадли саёҳатдир.
Ўзбекистон	Қишлоқ туризми – бу қишлоқ ҳудудларида ёки “туризм қишлоқ”ларида махсус ташкил қилинган дала ховли, қишлоқ уйлари, кўҳна услубда безатилган кичик меҳмонхоналарга жойлаштириб, баҳаво қадимий дарахтлар экилган ховуз бўйларида, махсус қадимий урф-одатлар билан танишиб, маҳаллий таом тайёрлаш, (<i>балиқчилик, йилқиччилик, туячилик, туяқуш, курка, қуён ва ҳ.к.</i>) фермаларда овлаш, парваришlash ва сайр қилиш жараёнларида, агрокластерлар, фермер хўжаликларида махсус мева, сабзавот ва полиз плантацияларида, гидропоник иссиқхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳосилни териш, ишлов беришда бевосита иштирок қилишни назарда тутувчи туризм шаклидир.
Муаллифлар вариантыдаги таъриф:	

Агротуризм ҳамкорликдаги фаолият бўлиб, агротуристлик фаолиятнинг яқка ўзи туристларнинг қизиқишларини таъминлай олмайди ва шу сабабли ҳам қишлоқ туристларига хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш зарур.

Кишлоқ тапшилотларининг ҳамокрликдаги фаолияти мамлакат кишлоқ худудларини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга боғлиқ бўлиб, айнан туризм соҳасидаги КБХТ субъектларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали бунга эришилади.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқариш, анъанавий маҳсулотларни сотиш, маҳаллий маданият ва табиат бойликлари, турли тадбирларда қатнашиш, кишлоқ хўжалик фаолиятга қўмаклашиш туристлар учун табиатнинг асл ҳолати ва гўзаллигини очиб беради.

Агротуризмнинг ҳар бир тури ўзининг хусусиятлари, аниқ мақсадларига, муайян эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган ва турли ташкилий шаклларга эга (1.3.3-жадвал).

1.3.3-жадвал

Агротуризмнинг турлари, шакллари ва инфратузилмаси⁵⁷

Агротуризм турлари	Инфратузилмаси	Жойлаштириш воситалари
Аралаш. Болалар. Соғломлаштирувчи. Илмий.	Музейлар Бадний ва этно- фольклор жамоалар. Ҳалқ хунармадчилиги ва ишлаб чиқариш марказлари	Ферма ва чорбоғларда жойлаштириш. Туристларни қабул қилиш учун жиҳозланган қишлоқ меҳмонхоналари номерларида жойлаштириш. Уй эгаси билан бир уйда апартаментлар ёки агрохўжалик худудида бинолар мажмуаси. Қишлоқ жойларидаги тарихий биноларда жойлаштириш (кафё, сарой, черков).
Этнографик. таълим. Гастрономик. Диний.	Ҳалқ хунармадчилиги ва ишлаб чиқариш марказлари Ўқув бинолари.	Ётоқхоналарда, черков, қишлоқ уйларида жойлаштириш Ферма ва чорбоғларда жойлаш-

⁵⁷ Балагандин Ю. На деревню к дедушке. Осенью сельский туризм переживает пик популярности // Российская Бизнес-газета. 2012. 25 сентября. № 865 (36). [Электронный ресурс]. URL: <http://www.naturus.ru/>; Кликунова В. Зеленая альтернатива – сельский туризм. [Электронный ресурс]. URL: http://agroedu.of.by/index.php?option=com_content&task=Определение_агротуризма // Сайт Агротуризм Ассоциация. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.agritourism.ru/association/sciencework/105.k=view&id=152>. асосида муаллиф томондан тузилган

	Музейлар Овқатланиш корхоналари. Озиқ-овқат маҳсулотлари нишлаб чиқарувчи фермалар	тириш Оила билан ёки туристлар гурухи билан бир бутун уйни пжарага олиш
Саргузашт. Спорт. Мехнат. Маросим. Экологик	Транспорт ташкilotлари	Спортнинг фаол турларига ихтисослашган спорт объект- ларида кемпингда жой- лаштирил. Хусусий кемпинг ҳудудида палаткали шаҳарчада жой- лаштирил

Агротуризмнинг турли шаклларидаги мавжудлиги турли кизиқли, даромад даражаси ёш, жинс жиҳатдан фарқланувчи кўп сонли истеъмолчиларни жалб қилишга имкон беради.

Бир қатор давлатларда агротуризм туристик тармоқнинг етакчи йўналиш сифатида туризмни ривожлантириш миллий концепцияларида ўз ифодасини топади. Дунё мамлакатларида бугунги кунда қўлланилаётган ўз максадидан, конкрет шароит ва ҳолатлардан келиб чиқиб агротуризмни ривожлантиришнинг бир қанча концепциялари фарқланади. Агротуризмни ривожлантириш концепцияларини урта асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин (1.3.4-жадвал).

1.3.4-жадвал

**Агротуризмни ривожлантиришнинг асосий
концепциялари⁵⁸**

АГРОТУРИЗМ КОНЦЕПЦИЯСИ	ТАВСИФИ	МИСОЛ
Агротуризмни кичик ойлавий меҳмонхона хўжалиги, дала ховлилар доирасида ташқил қилиш	Мавжуд кишлоқ хўжалик уй-жой фонди биноларида микромеҳмонхоналарни ташқил қилиш	Ферма. Поселка. Балиқчилик хўжалиги. Спорт маркази. Кемпинг ва бошқалар

⁵⁸ Кудимова М. Г., Овчаренко О. Ю. Анализ зарубежного и отечественного опыта по развитию агротуризма // Материалы II Международной научно-практической конференции «Алтайское село: история, современное состояние, проблемы и перспективы социально-экономического развития». 2009. Барнаул: Изд-во Азбука. 2009.

Қишлоқ жойларида йирик ва ўрта агротуристтик объектларни куриш	Ихтисосланган хусусий меҳмонхона ва марказлар	Маданий-этнографик марказ. Бездатилган агротуристтик қишлоқ.
Фермер хўжалик-ларида ва қишлоқ хўжалик кооператив-ларида қишлоқ хўжалик паркларини ташкил қилиш	Миллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини намоиш қилиш	Агроўрмон. сув хўжалик парклари

Ушбу масалаларни ечишда асосий роль маҳаллий ҳамжамиятларга бориб тақалади. Кейинги вақтларда туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқишда катор европа давлатларида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, маҳаллий ҳамжамиятларнинг роли юқорилиги қайд қилингани ҳолда улар экотуризмнинг турли йўналишларини ишлаб чиқиб таклиф қилмоқдалар⁵⁹.

Дунё амалиётида қўлланилаётган агротуризмни ривожлантириш концепциялари иқтисодий жихатидан танқари, мафкуравий юкламага ҳам эга бўлади. Қоидага кўра, агротуризмни ривожлантириш бевосита миллий анъаналарни ва этномаданий меросни сақлаш, табиат ва тарихий-маданий муҳит, архитектура-тарихий ижтимоий-маданий вазифаларни ечиш билан ҳам боғлиқ.

Ҳар бир мамлакатда алоҳида олинган жойлаштириш воситаларига урғу берилади. Масалан, Испанияда ферма ва чорбоғларда, қишлоқ меҳмонхоналарида, алоҳида хусусий уйлар ва тарихий биноларда жойлаштириш амалиёти кенг қўлланилади. Италиянинг агрохўжаликларида эса асосан апартаментлар таклиф қилинади, аммо алоҳида уйлар, хоналар ва агрохўжалик ҳудудидаги палатқаларда яшаш ҳам таклиф этилади⁶⁰.

⁵⁹ Чермыгина В. В., Кундигус В. А. Проблемы и перспективы агротуризма в регионе // Журнал теоретических и прикладных исследований. [Электронный ресурс]. URL: <http://izvestia.asu.ru/2011/2-1/econ/06.ru.html>.

⁶⁰ Испания. Сельский туризм. Туристская фирма «Интурлюкс». [Электронный ресурс]. URL: <http://intourlux.ru/spain/rua/>.

Қишлоқ туризмнинг инглиз-америкача модели тарқалиш географияси ва агротуризмнинг устувор турлари қуйидаги 1.3.5-жадвалда келтирилган.

1.3.5-жадвал

Инглиз-америка модели бўйича қишлоқ туризми минтақаларини тарқалиш географияси⁶¹

Мамлакат	Минтақа	Қишлоқ туризми тури
Буюк Британия	Уэльс Шотландия Шимолий Ирландия	Соғломлаштирувчи, меҳнат, илмий, спорт, экологик, болалар ва таълим туризми
АҚШ	Калифорния. Шимолий Каролина Небраска	Соғломлаштирувчи, илмий, болалар, саргузашт, меҳнат, спорт, экологик, маросимлар туризми
Канада	Альберт провинцияси Онтарио, Монитоба Квебек, Нью-Брансвик, Саскачеван	Соғломлаштирувчи, илмий, болалар, саргузашт, меҳнат, спорт, экологик, маросимлар туризми

1.3.5-жадвалга кўра, ушбу модель бўйича энг кўп ривожланган туризм турлари – бу соғломлаштирувчи, меҳнат, илмий, спорт, экологик, болалар, таълим, саргузашт, маросимлар туризми ҳисобланади.

Бугунги кунда ривожланган европа мамлакатларида қишлоқ туризми тобора ривожланиб, пляж туризмидан кейин 2-ўринни эгалламоқда ва жами турсаноат фойдасининг 30 фоизигача даромад келтирмоқда. Қишлоқ туризми турлари ривожланган европа модели мамлакатларида географияси қуйидаги 1.3.6-жадвалда келтирилган.

⁶¹ Британская модель организации сельского туризма // Справочно-информационная служба «Центр международного туризма». [Электронный ресурс]. URL: <http://worldwidetour.ru/content/16/2/>; Кратко о штатах и основных городах США. [Электронный ресурс]. URL: <http://archive.travel.ru/usa/sites/states/>; *Нумайра Н.* Обзор сельского туризма // Официальный сайт министерства сельского хозяйства Альберта. 2010. [Электронный ресурс]. URL: [http://www1.agric.gov.ab.ca/\\$Department/deptdocs.nsf/all/csi13476/\\$FILE/Rural-Tourism.pdf](http://www1.agric.gov.ab.ca/$Department/deptdocs.nsf/all/csi13476/$FILE/Rural-Tourism.pdf); *Черныгина В. В., Кундус В. А.* Проблемы и перспективы агротуризма в регионе // Журнал теоретических и прикладных исследований. [Электронный ресурс]. URL: <http://izvestia.asu.ru/2011/2-1/econ/06.ru.html>. асосида муаллиф томонидан тузилди

Европа модели бўйича қишлоқ туризми минтақаларини тарқалиш географияси⁶²

Мамлакат	Минтақа	Қишлоқ туризми тури
Франция	Француз Альпи худудлари, Вогеза, Юра. Ўрта ер денгизи қирғоқлари	Илмий, гастрономик, болалар, соғломлаштирувчи, меҳнат, спорт, эко, таълим туризми
Италия	Тоскана. Сицилия. Трентино	Гастро, илмий, болалар, меҳнат, тиббий, таълим, экотуризм
Испания	Сиерра де худуди Трамунтана (Майорка) Каталония ва Андалусия	Соғломлаштирувчи, меҳнат, илмий, гастрономик, экологик, спорт, саргузашт туризми
Германия	Шимолий Рейн-Вестфалия. Баден-Вюртемберга худуди Бавария	Саргузашт, соғломлаштирувчи, илмий, диний, спорт, экологик, болалар ва маросимлар туризми
Венгрия	Венгриянинг жануби-ғарбий, Балатона ва Токай минтақаси	Гастро, спорт, болалар, этно, тиббий, илмий, ивент туризми
Польша	Померания. Булокпольяк ва Любуш вилояти	Соғломлаштирувчи, меҳнат, илмий, спорт, экологик туризм
Австрия	Тирол минтақаси, Штирия қалъалари, Каринти қалъалари	Болалар, саргузашт, тиббий, меҳнат, илмий, спорт, гастро, диний, эко туризм
Чехия	Жанубий Моравия. Крко кўриқхонаси, Ғарбий Чехиядаги Пльзения минтақаси	Саргузашт, тиббий, меҳнат, илмий, гастрономик, экологик, болалар, ивент туризми

⁶² Агротуризм // Интернет-проект datscha.booking.com. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.datscha.booking.com/>; Агротуризм в Венгрии. [Электронный ресурс]. URL: <http://ru.poezdka.de/113/east-europe/Hungaria/tural-hungaria.html>; Испания: ТОП-10 курортов для агротуризма на Майорке. [Электронный ресурс]. URL: <http://news.turizm.ru/spain/20702.html>. Мы являемся специалистами по агротуризму в Австрии. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.mlaubaatbauernhof.at>. Экологический туризм в зарубежных странах. Германия. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.iou.net/germaniya.html>. Ассида муаллиф томонидан тузилди

1.3.6-жадвалдан эса, европача модель бўйича энг кўп ривожланаётган туризм турлари – бу гастрономик, соғломлаштирувчи, меҳнат, илмий, спорт, экологик, болалар, таълим, саргузант, маросимлар туризми ҳисобланади.

Қишлоқ туризмини фаол ривожлантираётган хорижий мамлакатларда давлат томонидан фаол равишда қўллаб-қувватлаш амалга оширилади. Агротуризм энди ривожланаётган давлатларда унинг истикболлари дастлаб маҳаллий ҳокимиятлар томонидан баҳоланади ва керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан унинг ривожланиши қўллаб-қувватланади.

Давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қўллаб-қувватлаш билан бирга маслаҳат, маркетинг, ахборот хизматларини тақдим қилиш йўли билан ривожланишга кўмак берувчи қишлоқ туризми ассоциациялари тузилади.

Мазкур ташкилотлар нафақат маҳаллий, балки халқаро даражада ҳам иштирокчиларни бирлаштиради ва қишлоқ туризми фаол ривожланти-ришга европа агротуризм ассоциацияси кўмаклашади (1.3.1-расм).



1.3.1-расм. Қишлоқ туризмнинг халқаро ассоциациялари⁶³.

⁶³ Европейская федерация сельского туризма.[Электронный ресурс]. URL: <http://www.eurogites.org/> Страны – члены ECEAT // Официальный сайт ECEAT – Европейского центра экологического и сельскохозяйственного туризма. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.eceat.org/>. Что такое WWOOF? // Официальный сайт WORLD WIDE OPPORTUNITIES ON ORGANIC FARMS. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.woof.org/>. ассосида муаллиф ишланмаси

Миллий даражада агротуризмнинг ривожланиши қишлоқ туризми миллий ассоциациялари томонидан қўллаб-қувватланади ва улар ўз навбатида муайян минтақанинг ўзига хослигини ииобатга олувчи минтакавий бирлашмалардан ташкил топади.

Дувёнинг кўпгина мамлакатларида агротуризмни ривожлантиришнинг у ёки бу йўналишлари белгилаб олинган. Италия, Испания, Францияга қишлоқ жойларида уй – жойни ижарага олиш, машхур ошхона ва виночилик билан танишишга кизикканлар интилади. Тоскана, Бордо, Андалузия – минтакалари минглаган агротоморка, чорбоғларга эга. Финляндияда агротуризм фаол дам олиш, балиқ ови ва фин кўли бўйлаб велосипедда сайрларга кўпроқ йўналтирилган. Польша, Германия, Словакия, Венгрия ва Болгарияда агротуризм – бу диққатга сазовор жойларга яқин жойларда япаб, маданият ва урф-одатларни билиш имкониятидир.

Агротуризмни ривожлантиришда ижобий тажрибага эга бўлган давлатлар қаторида ушбу фаолият йўналишида маълум ютуқларга эришиб, муваффақият қозонаётган давлатлар жумласига Ҳиндистон, Хитой Грузия, Беларусия, Украина, Литва, Латвия, Эстония, Россия ва бошқа давлатларни киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, албатта, ноаграр йўналишдаги қишлоқ туризмини қишлоқ жойларида ташкил қилиш ва ривожлантириш, яқин истиқболда республикамиз ва унинг минтакаларида, хусусан, Хоразм вилоятида қишлоқ ҳудудларида КБХТни ривожлантириш, ишсиз ва камбағал аҳоли қатламларига, ёшлар ва аёллар дафтарларига кирган фуқароларимизга муносиб иш ўрни яратадиган, уларни доимий даромадларини ва турмуш фаровонлигини оширишнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлади деб ўйлаймиз.

Биринчи боб бўйича хулоса

Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш барча ривожланган давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатининг энг асосий устувор стратегик мақсадларидан бири саналади.

Кишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши – бу аҳоли, атроф муҳит, қуруқлик экотизими, ер ва сув, ўрмон ресурсларини, биохилма-хиллик барқарорлигини сақлаган ҳолда ҳамда кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг даромадлигини оширувчи, кишлоқ хўжалигини юритишнинг инновацион усулларини жорий этиш, кишлоқ инфратузилмасини такомиллаштиришга имкон берувчи ривожланиш йўлидир.

Монографияда биз томонимиздан барқарор ривожлантириш ёки барқарор ривожланишнинг тўртта жиҳатда қараб чиқилди, хусусан, “умумий барқарор ривожланиш”, “кишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши”, “кишлоқ жойларини барқарор ривожланиши” ва “кишлоқ жойларида КБХТнинг барқарор ривожланиши” тушунчалари аниқлаштирилди.

Фикримизча, “*кишлоқ жойларини барқарор ривожланиши*” тушунчаси ташқи ва ички таъсирлар натижасида ўзининг иқтисодий, экологик, ижтимоий ва бошқа хусусиятларини сақлаш қобилиятига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий тизим бўлса, бошқа томондан кишлоқ жойларининг иқтисодий, экологик, ижтимоий ва бошқа жиҳатларини яхшилаш мақсадидаги усул ва воситалар тўпламидир.

Шунингдек, монографияда кишлоқ тадбиркорлиги кишлоқ хўжалик маҳсулот этиштирувчилар ва кишлоқ жойларида тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга кўра таснифланди.

Кишлоқ жойларида КБХТнинг барқарор ривожланиши деганда эса айнан КБХТ фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг барқарор ўсиб бориши тушунилади. Хусусан, КБХТнинг кишлоқ хўжалик ЯИМдаги улуши, кишлоқдаги умумий бандлар сонига КБХТ улуши, кишлоқда очилган КБХТ субъектлари сони, ёшилганлари сони, яшовчанлик даражаси. Албатта бу кўрсаткичлар тизимини монографиямизнинг кейинги бўлимларида кўриб ўтамиз.

Фикримизча, республикамизда кишлоқ жойларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқда КБХТни ривожлантириш кичик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиришнинг кооперация каби самарали механизмлари тўлиқ шаклланишига сабабли, уларнинг фаолияти тарқоқ бўлгани ҳолда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишга, қўшилган қиймат занжирларига бирлашишга тўққинлик қилмоқда.

Фикримизча, улбу мақсадга эришиш ва соҳада КБХТни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалик тадбиркорлигининг барча аъъавий ва инновацион йўналишлари ходимлари учун қисқа муддатли, шу жумладан, масофавий тренинглар ташкил этиш, ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш лозим.

Бундан ташқари, республикамизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортда оқсаётган ҳудудлари, жумладан, Хоразм вилояти учун янги мақсадли экспорт бозорлари бўйича мақсадли маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, бунда чет эллардаги расмий ваколатхоналардан самарали фойдаланиш, маҳаллий ва мақсадли халқаро бозорларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги ва ташиш харажатларини камайтириш кенг камровли маслаҳат хизматларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Ўйлаймизки, юқоридаги мсъерий хужжатлар ва айниқса стратегияда келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш шубҳасиз мультипликатив самара бергани ҳолда қишлоқ жойларида нафақат аграр йўналишдаги, балки поаграр йўналишдаги КБХТ субъектларини ҳам ривожланишига, охиросқибатда янги иш ўринларини яратилиши ва аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИНТАҚАЛАРИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КБХТНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишида КБХТнинг туған ўрни таҳлили

Мамлакатимизда КБХТни ривожлантириш ва уни турли иқтисодий дастаклар билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа ривожини мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли бандлигини ҳамда даромадларини оширишдаги асосий йўналишлардан бири сифатида қаралиб келинмоқда.

Монографияда биз 2011–2019 йилларда республикаимизда КБХТнинг иқтисодиёт асосий тармоқларидаги ва айрим макроиқтисодий кўрсаткичлардаги улушни динамикасини таҳлил қилдик. Унга кўра 2011 йилда саноатда КБХТнинг улуши 28,6 фоизни, қишлоқ хўжалигида 97,2 фоизни, қурилишда 67,6 ва савдода 86,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб саноатда КБХТнинг улуши 6,3 фоизга ошиб, 34,9 фоизни, қишлоқ хўжалигида 1,1 фоизга ошиб, 98,3 фоизни, қурилишда эса 7,8 фоизга ошиб 75,4 фоизни ва савдода эса 2,4 фоизга камайиб, 84,3 фоизни ташкил қилган. Таҳлил қилинган даврда келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, иқтисодиёт тармоқларида КБХТнинг улуши мутаносиб равишда барқарор ўсиб бормоқда.

Шунингдек, республикаимиз ЯИМда КБХТнинг улуши 2011 йилда 54,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 56,5 фоизга етган. Жами бандлар таркибига КБХТда бандларнинг улуши эса 2011 йилда 75,1 фоиздан 2019 йилга келиб 75,6 фоизгача ошган.

Худди шунингдек, ялпи экспорт таркибида КБХТнинг улуши 2011 йилда 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 27,0 фоизгача ўсган. Республикаимиз умумий импорти ҳажмида КБХТнинг улуши 2011 йилда 34,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб эса 61,6 фоизгача ўсган. Юқоридаги рақамлар эса 2011–2019 йилларда КБХТнинг мамлакатимизнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларидаги

улушининг барқарор равишда мутаносиб ошиб бораётганлигидан далолат беради (2.1.1-жадвал)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иктисодиёт тармоқларида ҳам асосий макроиктисодий кўрсаткичларда КБХТнинг улуши муайян нуқтагача ошиб боради ва албатта қайсидир чегарада бу жараён тўхтайдигани маълум бир оралиқда тебраниб туради. Ана шу қолган оралиқдан юқоридаги улуш эса йирик субъектлар улушига тўғри келади ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришлар ҳам ушбу оралиққа маълум даражада таъсир қилади.

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2011–2019 йилларда КБХТнинг иктисодиёт асосий тармоқлари ва айрим макроиктисодий кўрсаткичларидаги улуши динамикаси⁶⁴

Тармоқ	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Саноат	28,6	29,7	33,0	36,8	40,6	45,3	41,2	34,7	34,9
Қишлоқ хўжалиги	97,2	97,2	97,3	97,5	98	98,6	98,5	98,3	98,3
Қурилиш	67,6	70,0	70,6	69,5	66,7	66,9	64,8	73,2	75,4
Савдо	86,7	87,3	86,6	86,3	87,1	89,6	88,4	86,3	84,3
ЯИМ	54,0	54,6	55,8	56,1	62,9	64,9	63,4	60,4	56,5
Бандлик	75,1	75,6	76,7	77,6	77,9	78,2	78,0	76,3	75,8
Экспорт	18,8	14,0	26,2	27,0	27,0	26,0	22,0	27,2	27,0
Импорт	34,3	38,6	42,4	45,4	44,5	46,8	53,6	56,2	61,6

2.1.1-жадвалга кўра, қишлоқ хўжалигида КБХТнинг улуши энг юқори 98,3 фоизни ташкил этгани ҳолда бунга асосий сабаб сифатида қишлоқ хўжалиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни нисбатан кичик кўламларда ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳисобланади. Шунингдек, савдо соҳаси 84,3 фоиз билан кейинги ўринни эгаллагани КБХТ субъектларининг йирик бизнесга нисбатан тенг бўлмаган шароитларда фаолият юритишни устун равишда савдо-харид ва воситачилик фаолиятига ихтисослашувига сабаб бўлади.

Таҳлилларимизга кўра, 2012–2019 йилларда янгидан ташкил қилинган КБХТ субъектлари динамикасида 2018 йилгача бўлган давр барқарор бўлган ва 2019 йилда эса фақат қишлоқ хўжалиги,

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида томонидан тузилган.

саноат, қурилиш ва соғлиқни сақлашдагина КБХТ субъектлари сони ошганлигини кўришимиз мумкин (2.1.2-жадвал).

Демак, бугунги кунда Ўзбекистонда КБХТ субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланишида ёки ихтисослашувида муайян даражада беқарорлик ҳос. Бу эса ўз-ўзидан баъзи тармоқларда юқори самарадорликни таъминлаш учун зарур бўлган КБХТ субъектларининг улуши етарли бўлмасдан, бошқа бир тармоқларда ушбу субъектлар улушининг меъъридан ортиқлиги оқибатида рақобат даражасининг кучайиши ҳамда ўртача фойда меъърининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам, КБХТ субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашишни мақсадга мувофиқ нисбатда бўлишига таъсир кўрсатувчи ташкилий-иқтисодий механизмларни таркиб топтириш муҳим ҳисобланади.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2012–2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари кесимида янги ташкил этилган КБХТ субъектлари сони

(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз, бирлик)⁶⁵

Тармоқлар	2012	2014	2016	2018	2019
Тармоқлар бўйича жами	31242	26334	26896	48922	92874
Саноат	7708	7316	5841	11262	19496
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиғи	3647	2417	2351	5144	7469
Қурилиш	2236	2766	2850	6360	8730
Транспорт ва алоқа	1831	1542	2099	3335	
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	4372	2256	-	-	
Савдо ва умумий овқатланиш	9012	7803	2403	15604	
Маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	663	581	-	-	
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	680	821	486	1154	1269
Таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	580	523	-	-	
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	513	309	3730	5621	

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

КБХТ субъектларининг иктисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашининг бир қанча мезонлари мавжуд: 1) тармоқ ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар сони; 2) муайян тармоқнинг ялпи ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши; 3) тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони; 4) тармоқда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми.

КБХТ субъектларини таснифлаганда улардаги ишловчилар сони муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади:

– биринчи навбатда, КБХТнинг микдорий чегарасини белгилашда ишловчилар сони асосий мезон ҳисобланади;

– КБХТ субъектидаги ишловчиларнинг ўртача йиллик сони муайян тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Масалан, Ўзбекистонда КБХТ субъектларининг микдорий чегараси 2.1.3-жадвалдагидек белгиланган:

2.1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида КБХТ субъектларини тармоқлар бўйича аниқлаш мезонлари⁶⁶

Тармоқлар	09.04.1998 ПФ-1987 Ўртача йиллик ишчилар сони	15.05.2009 ПҚ-1112 + 30 фонзга касаначилар	28.07.2010 ПФ-4232 + 20 фонзга биттирув чилар
Микрофирмалар			
Ишлаб чиқариш тармоқларида	20 киши	+6 киши	+4 киши
Хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда	10 киши	+3 киши	+2 киши
Улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида	5 киши	+2 киши	+1 киши
Кичик корхоналар			
Енгил саноати, озиқ-овқат саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида	200 киши	+60 киши	+40 киши
Металлга ишлов бериш ва	100 киши	+15 киши	+10 киши

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда ялпи тахрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 328-сонли Қонунига мувофиқ тузилган.

асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида			
Машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш	50 киши	+15 киши	+10 киши
Илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (сугурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида	25 киши	+8 киши	+5 киши

Республикамизда иқтисодий фаолият турлари бўйича КБХТ субъектларининг рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртача сони тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 2.1.4-жадвалда келтирилган.

Таъқиқотларимизга кўра, қўп ҳолларда республикамизда иқтисодиёт тармоқларидаги КБХТ субъектларида ўртача ишловчилар сони назарий жиҳатдан N киши бўлса, амалда эса N/5, N/8 ёки N/10 каби ҳолатлар учрайди. Масалан, қурилиш соҳасида 50 кишигача ишловчи банд бўлиши мумкин бўлса, амалда битта КБХТ субъектига ишловчилар ўртача сони 6,3 кишини ташкил этмоқда.

2.1.4-жадвал

2013–2019 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича КБХТ субъектларининг рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртача сони (ташиқи ўриндошларсиз), (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, минг киши)⁶⁷

Тармоқлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Ҳаммаси	762,4	771,7	775,7	825,2	908,0	1075,1	1375,2
шу жумладан:							
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	52,1	46,8	40,4	38,0	39,0	50,9	70,0
Саноат	220,8	241,0	247,8	269,7	307,1	359,6	453,9
Қурилиш	112,8	118,2	123,0	129,1	133,8	176,9	225,2

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Савдо	170,6	163,4	155,5	155,9	158,1	181,3	248,4
Ташиш ва сақлаш	42,5	43,9	46,8	57,8	74,1	85,5	99,6
Янаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	45,3	47,1	46,8	57,8	52,8	64,3	87,1
Ахборот ва алоқа	17,1	15,9	14,9	14,9	15,5	17,6	20,4
Молиявий ва сургурта фаолияти	7,4	6,8	6,8	6,5	5,9	6,0	7,1
Таълим	4,6	4,6	4,3	4,5	5,4	7,4	11,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	12,3	13,6	14,7	16,2	23,4	27,9	33,8
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	2,9	3,1	3,1	3,5	4,0	5,3	6,8
Бошқа турлари	74,0	67,3	71,6	79,6	88,9	92,3	111,0

Агар назарий жиҳатдан қурилишдаги барча корхоналар ишловчилар сонини максимал чегараси доирасида ташкил этилса, у ҳолда корхоналар сони 3634 тани ёки 8 бараварга камни ташкил қилмоқда. У ҳолда амалдаги фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектларининг 87,4 фоизиди ишчилар умуман бўлмайдди. Бунинг асосий сабаблари сифатида эса биз куйидагиларни таъкидлаймиз:

1) маҳаллий ҳокимият, тадбиркорлик ривожланишига мутасаддиларнинг корхоналар сонини сунъий равишда оширишга уринишлари;

2) амалдаги фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектлари раҳбарларининг корхоналарда ходимларни норасмий тарзда ишлатиб, солиқлар ва бошқа тўловлардан қочган ҳолда конвертда иш ҳақи беришни афзал кўришлари;

3) фаолият кўрсатмаётган КБХТ субъектларини тугатиш жараёни ва амалиётининг нисбатан мураккаблиги.

Таҳлиллармизга кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган КБХТ субъектлари сониди савдо ва саноат тармоқлари ўзининг юқори улуши билан ажралиб турибди (20% чегарадан юқори). Қурилиш тармоғи эса 10-11% чегара атрофидаги салмоққа эга. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги,

яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, ташиш ва сақлаш тармоқлари 4-10% чегара атрофидаги сонни ташкил этмоқда.

Қуйидаги 2.1.5-жадвалда 2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектлари улушлари келтирилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектлари ўртасидаги фарқ йиллар сайин камайиш тенденциясига эга бўлмоқда (2.1.5-жадвал).

2.1.5-жадвалдан кўринадики, иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектлари рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 93-98 фоизини ташкил этгани ҳолда, яъни 2-7 фоиз оралиғидаги КБХТ субъектлари фаолият кўрсатмаяпти. Шунини ҳисобга олганда, ўртача 5 фоизгача оралиқдаги фаолият кўрсатмаслик кўрсаткичи қайсидир маънода ижобий кўрсаткич десак бўлади. Чунки, бу оралиқ ҳақли равишда объектив омилларнинг таъсири туфайли муайян кам улушли КБХТ субъектлари фаолият кўрсатмаётганлигидан далолат беради. Энди бевосита асосий фаолияти кишлук хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган кишлук жойларидаги асосий тадбиркорлик субъектлари бўлган фермер, деҳқон хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилиб ўтамиз (4-8-иловаларга қаранг).

2.1.5-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сонни нисбати (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз; йил бошига; фоиз)⁶⁸

Тармоқлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Жами	94,75	95,18	94,59
шу жумладан:			
Кишлук, ўрмон ва балик хўжалиги	93,06	94,25	92,76
Саноат	95,71	95,84	95,03
Қурилиш	94,44	95,55	95,00
Савдо	93,79	94,44	94,59

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ташиш ва сақлаш	95,87	96,22	95,44
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	94,05	94,08	93,46
Ахборот ва алоқа	94,61	94,50	93,41
Молиявий ва сугурга фаолияти	-	-	-
Таълим	-	-	-
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	97,85	97,94	97,65
Санъат, кўнгиш очиш ва дам олиш	-	-	-
Бошқа турлари	96,06	95,88	94,91

5-иловада қишлоқ жойларидаги КБХТ субъектлари томонидан 2000–2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми динамикаси келтирилган. Унга кўра, 2020 йилда республикада энг юқори улушга умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида Самарқанд (12,9%), Андижон (10,1%), Тошкент (10,0%), Қашқадарё (9,8%), Бухоро (9,3%) ва Хоразм (8,7%) вилоятларига тўғри келса, энг кичик улуш эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилояти (3,3%), Павоий вилояти (4,7%) улушига тўғри келади.

6-иловада республикада ҳудудлари кесимида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2000–2020 йиллардаги ўсиш суръатлари келтирилган. Унга кўра, энг юқори ўсиш суръатлари Павоий (105,0%), Сурхондарё (104,7%), Наманган (104,6%) ва Жиззах (104,3%) вилоятларига тўғри келган. Энг кам ўсиш суръати эса пандемия туфайли Самарқанд (100,6%), Қорақалпоғистон Республикаси (101,5%) улушига тўғри келган.


7-иловада Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2000–2020 йиллардаги мутлак ҳажми динамикаси келтирилган. Унга кўра, ушбу йўналишда энг катта улуш Самарқанд (12,9%), Тошкент ва Андижон вилоятлари (10,1%), Хоразм ва Қашқадарё (9,7%), Бухоро (9,2%) вилоятлари улушига тўғри келади.

Албатта бу ерда, 2010-2020 йиллар давомида айрим туманларда ижобий динамика кузатилган. Чунки, 2010 йилда Хоразм вилоятининг улуши мос равишда 6,2 фоиздан 9,7 фоизга, Қашқадарё вилояти улуши 8,8 дан 9,7 фоизга, Андижон вилояти улуши 9,3 фоиздан 10,1 фоизга, Бухоро вилояти улуши эса 7,6 фоиздан 9,2 фоизгача олган. Аксинча ушбу вилоятларда ўсиш кузатилгани ҳисобига айрим ҳудудларнинг улушлари камайиши кузатилган. Жумладан, Тошкент вилояти улуши 11,7 фоиздан 10,1 фоизга, Самарқанд вилоятининг улуши эса 17,0 фоиздан 12,9 фоизгача пасайган.

8-иловада Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2000–2020 йиллардаги ўсиш суръатлари келтирилган. Унга кўра, энг катта ўсиш суръати Навоий (105,0%), Сурхондарё (104,7%), Наманган ва Хоразм вилоятлари (104,4%) улушига тўғри келган. Энг кам ўсиш суръати эса пандемия туфайли Самарқанд (100,6%), Қорақалпоғистон Республикаси (101,5%) улушига тўғри келган. Энг кам ўсиш суръати эса пандемия туфайли Самарқанд (100,7%), Қорақалпоғистон Республикаси (101,7%) улушига тўғри келган.

9-иловада, республикамиз ҳудудлари қишлоқ жойларидаги КБХТ субъектлари кесимида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг таркиби ўсиш суръатлари келтирилган бўлиб, унга кўра, энг катта ўсиш суръатлари қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар (135,6%)га тўғри келса, фермер хўжалиқларида (103,8%), деҳқон хўжалиқлари эса 102,2 фоиз ўсиш суръатига эга бўлган.

Қуйидаги 2.1.6-жадвал ва 2.1.1-расмда эса, Ўзбекистон Республикасида 2000–2020 йилларда қишлоқ тадбиркорлиги билан шуғулланувчи КБХТ субъектларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг таркиби динамикаси келтирилган. Унга кўра, 2000 йилда жами қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермер хўжалиқларининг улуши 5,5 фоизни, 2005 йилда 24,3 фоизни 2010 йилда 36,3 фоизни, 2015 йилда 30, 7 фоизни ва 2020 йилга келиб эса 24,7 фоизни ташкил қилди.



**2.1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2000–2020 йилларда
қишлоқ тадбиркорлиги билан шуғулланувчи КБХТ
субъектларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб
чиқаришнинг таркиби
динамикаси, %⁶⁹**

Худди шунингдек, 2000 йилда деҳқон хўжалиklarининг умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 66,7 фоиздан, 2005 йилда 61,7 фоиз, 2010 йилда 61,6 фоизни, 2015 йилда 66,9 фоизни ва 2020 йилга келиб эса 72,3 фоизни ташкил қилган.

Қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2000 йилда 27,8 фоизни, 2005 йилда 14 фоизни, 2010 йилда 2,1 фоизни, 2015 йилда 2,4 фоизни ва 2020 йилга келиб эса 3,0 фоизни ташкил қилган. Таъкидлаш керакки, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ўтган 20 йил мобайнида ўсиш ва қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларда эса камайиш тенденцияси кузатилган.

⁶⁹ www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси расмий веб саҳифаси)

2.1.7-жадвалда бевосита 2000–2019 йилларда Хоразм вилояти туманлари кесимида кишлоқ жойларидаги асосий КБХТ субъектлари бўлган фермер хўжалиklarининг сони динамикаси келтирилган. Унга кўра, Хоразм вилоятида 2009–2019 йиллар мобайнида фермер хўжалиklари сони турли ҳукукий-меъёрий ҳужжатлардаги, қонучиликдаги ўзгаришлар туфайли оптималлашгани ҳолда 10276 тадан 4696 тагача камайди. Албатта бу фермер хўжалиklarининг ерлари оптималлаштирилиб, йириклаштирилиши туфайли рўй берди.

Энг кўп фермер хўжалиklари улуши Урганч (15,3 ёки 721 та), Хазорасп (13,2 ёки 624 та) ва Шовот (10,6 фоиз ёки 500 та) туманлари улушига тўғри келади. Фермер хўжалиklar сони нисбатан кам ҳудудларга Янгиариқ (7,9фоиз ёки 367 та) ва Янгибозор (7,5 ёки 348 та) туманлари улушига тўри келади.

2.1.8-жадвалга кўра, 2000–2019 йилларда Хоразм вилояти туманлари кесимида фермер хўжалиklарида бандлар сони динамикасида эса бошқача ҳолат кузатилган. Яъни фермер хўжалиklарида бандлар сони бўйича энг катта улуш Гурлан (13,9 %), Хонқа (12,5 %), Шовот (12,7 %), Қўшқўпир (11,6 %) ва Янгибозор (11,0 %) туманлари улушига тўғри келади. Бандларнинг энг кам улуши эса Боғот (5,9 %) ва Янгиариқ (5,8 %) туманлари улушига тўғри келади.

Юкоридаги ҳолатлар бизнинг фикримизча, айнан аҳоли сони ёки кишлоқ хўжалиги меҳнат бозорининг таркибий тузилмасигина эмас, балки кўпчилик фермер хўжалиklарида меҳнат расмийлаштирмасдан норасмий ишчи кучидан фойдаланиш, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавсумийлик хусусияти, бундан ташқари фермер хўжалиklари раҳбарларининг ишчи кучи сонини расмийлаштиришдан моддий жиҳатдан манфаатдор эмаслиги ва кўпроқ солиқ тўлашига тўғри келиши билан боғлиқ. Шу сабабли истиқболда, кишлоқда энг асосий КБХТ субъекти сифатида фермер хўжалиklарида ишчи кучини расмийлаштириш жараёнларини шаффофлаштириш, солиқ юкнини енгиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу эса “Темир дафтар”, “Ёшлар” ва “Аёллар” дафтарларидаги ишсиз аҳолини расмий меҳнатга жалб қилишда катта манба бўлиб хизмат қилади.

**2000-2019 йилларда Хоразм вилояти туманлари кесмида фермер хўжаликларининг сони
динамикаси, дон⁷¹**

Т/р		2009 й.	2011 й.	2013 й.	2015 й.	2017 й.	2019 й.	Жами улushi, %да
1.	Хоразм вилояти Туманлар	10276	4681	4865	6644	8992	4696	100,0
2.	Богол тумани	1225	490	511	653	844	389	8,3
3.	Гурлан тумани	1032	486	479	635	851	476	10,1
4.	Кўшкўпар тумани	891	483	509	725	783	457	9,8
5.	Урганч тумани	847	480	516	696	1046	721	15,3
6.	Хазорасп тумани	1155	557	597	868	1150	624	13,2
7.	Хонка тумани	1200	509	534	656	892	426	9,1
8.	Хива тумани	901	403	414	513	763	387	8,3
9.	Шовот тумани	1143	431	471	706	1023	500	10,6
10.	Янгиерик тумани	1030	393	384	541	703	367	7,8
11.	Янгибозор тумани	851	448	449	651	937	348	7,5

⁷¹ www.uzstat.gov.uz (Хоразм вилояти статистика бошқармаси)

2000–2019 йилларда Хоразм вилояти туманлари кесимида фермер хўжаликларида банд ходимлар сони

динмикаси, киши⁷²

т/р	2009 й.	2011 й.	2013 й.	2015 й.	2017 й.	2019 й.	Жами улуши, %да
1. Хоразм вилояти	120278	96205	70633	72326	34945	28412	100,0
Туманлар							
2. Богот тумани	11989	11784	7326	7065	2433	1693	5,9
3. Гурлан тумани	19487	12924	8732	9148	4767	3962	13,9
4. Қўшқўлр тумани	8120	7208	6280	5467	4552	3298	11,6
5. Урганч тумани	8720	6480	6390	6395	2654	2156	7,6
6. Хазорасп тумани	16700	11900	8430	8657	3316	2662	9,2
7. Хонка тумани	8914	7456	5492	6545	5907	3574	12,5
8. Хива тумани	10291	5980	5521	5387	2333	2678	9,4
9. Шовот тумани	16485	13764	8220	9398	3532	3614	12,7
10. Янгиарик тумани	8340	6997	5920	5873	2201	1647	5,8
11. Янгибозор тумани	11230	11710	8320	8391	3250	3127	11,0

72 www.xorazmstat.uz (Хоразм вилояти статистика бошқармиси)

2.2. Минтақада қишлоқ жойларида КБХТ ривожланиш тенденцияларининг қиёсий-статистик таҳлили

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш ва уни турли иқтисодий дастаклар билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа ривожини мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини оширишдаги асосий йўналишлардан бири сифатида қаралиб келинмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантириш бўйича амалга оширилиб келинаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқилаётган турли хил дастурлар натижасида КБХТ субъектлари сонини ўсиши таъминланмоқда, натижада унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳам миқдор ва сифат жиҳатдан ошиб бормоқда. Бевосита статистик маълумотларга кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 2019 йилда 334767 тани ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 71837 тага ошгани янгидан ташкил қилинган корхоналар ҳамда мавжуд корхоналарни фаоллик даражасини оширилиши эвазига таъминланган.

Хукуматимиз томонидан КБХТни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор имтиёз ва преференцияларни жорий қилиниши янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмалар сонини оширишга хизмат қилмоқда, хусусан 2019 йилда янгидан ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмалар сони 92874 тани ташкил қилиб, олдинги йилдагига нисбатан деярли 90,0 фоизга, яъни 43952 тага ошганини кўриш мумкин. Натижалардан маълум бўлишича фаолият юритаётган КБХТ субъектлари сони янгидан ташкил қилинган субъектларга нисбатан 1,6 баробарга кўнни ташкил қилади. Бундан кўринадики, КБХТ субъектларини яшовчанлик коэффициенти ва фаоллик даражаларини ошириш имкониятлари мавжуд.

Бевосита таҳлил жараёнига ўтишдан олдин мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва макроиқтисодий кўрсаткичларини шакллантиришда КБХТнинг улуши динамикасини қараб чиқамиз (2.2.1-жадвал).

Хисоб-китоблар КБХТ субъектлари сони миқдор жиҳатдан ўсишини таъминланганлигини кўрсатаётган бўлса-да, сифат жиҳатдан ўзгариш масаласи бироз очиклигича колмокда. Яъни, КБХТнинг ЯИМдаги улушини 2019 йилда 56,5 фоизни ташкил этгани ҳолда олдинги йилдагига нисбатан 3,9 фоизга камайганлиги миқдор жиҳатдан ошмиш сифат жиҳатдан камайиш мавжудлигини кўрсатади.

2.2.1-жадвал

КБХТ субъектлари асосий кўрсаткичларини 2018–2019 йиллардаги ўзгариши⁷³

	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	(+)
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	Бирлик	262930	334767	71837
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар ЯИМда КБХТ улуши	Бирлик %	48922 60.4	92874 56.5	43952 -3.9
шу жумладан, иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида КБХТ улуши ўзгариши				
Саноат	%	37.4	34.9	-2.5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	98.3	98.3	0.0
Инвестициялар	%	38.0	47.0	9.0
Қурилиш	%	73.3	75.4	2.2
Савдо	%	86.3	84.3	-2.0
Хизматлар	%	56.0	52.1	-3.9
Юк ташини	%	55.5	54.6	-0.9
Юк айланмаси	%	79.6	77.4	-2.2
Йўловчи ташини	%	89.6	90.7	1.1
Йўловчи айланмаси	%	94.8	94.9	0.1
Экспорт	%	27.2	28.7	1.5
Импорт	%	56.2	54.2	-2.0

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ҳисобланган саноат, савдо ва хизматлар соҳасида ҳам КБХТ

⁷³ www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси расмий веб-саҳифаси)

улушини 2019 йилда олдинги йилга нисбатан камайганлиги фикримиз тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда бошқа барча соҳаларда КБХТ улушининг ижобий ўзгариши таъминланган. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида КБХТ улуши элг катта бўлиб, 98,3 фоизни ташкил қилган, шу билан бирга олдинги йилга нисбатан ўзгаришсиз қолини таъминланган.

Юқоридагиларини эътиборга олган ҳолда КБХТни ривожланишини сифат жиҳатдан таҳлилни амалга ошириш ҳамда салбий натижаларнинг сабабларини қараб чиқамиз. Бунда яшовчанлик коэффициентидан фойдаланилади ва у бизга янгидан ташкил қилинган корхоналарнинг неча фоизи яшаб қолаётганлигини аниқлаш имконини беради. Биз яшовчанлик коэффицентини қуйида келтирилган формула асосида аниқлаб оламиз.

$$Y_{aQ} = \left(1 - \frac{TK}{Y_{aTK}}\right) \cdot 100\% \quad (1)$$


бу ерда: Y_{aQ} – яшовчанлик коэффицентини, TK – тугатилган корхоналар сони, Y_{aTK} – янгидан ташкил қилинган корхоналар сони.

Амалга оширган ҳисоб-китобларимиз натижаларига кўра, 2014 йил 1 январь ҳолатига жами корхоналарнинг яшовчанлик коэффицентини 23,4 фоизни ташкил этиб, КБХТ субъектларнинг мазкур кўрсаткичидан 0,6 фоизга юқори. Бирок, 2014–2017 йилларда КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффицентини жами корхоналарга нисбатан юқори бўлиши таъминланган. 2019 йил 1 январь ҳолатига эса вазиятни яна ўзгарганлигини, яъни жами корхоналарнинг яшовчанлик коэффицентини 69,6 фоизни ташкил қилгани ҳолда КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффицентига нисбатан 1,5 фоизга кўтарилган. Умумий ҳисобда корхоналар яшовчанлик коэффицентини 2016–2017 йилларда кескин пасайиши кузатилган бўлишига қарамадан, охириги икки йилдаги ўсиш мазкур коэффицент 2019 йилда 2014 йилга нисбатан деярли 3 баробарга ошиши таъминланган (2.2.1-чизма).

КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффицентини ўзгаришида ҳам бир хил тенденция кузатилган бўлиб, кейинги

йиллардаги ижобий ўзгаришлар натижасида 2019 йил 2014 йилга nisbatan 3 баробарга ошиши таъминланган.

Умумий корхоналар ҳамда КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффициентлари ўзгаришлари бир хил тенденцияга эга бўлишига қарамасдан, 2014 ҳамда 2019 йилларда КБХТ субъектлари кўрсаткичини сезиларсиз даражада паст бўлганлиги кузатилади. Буни КБХТнинг 2018 йилдаги салбий кўрсаткичларини асосий сабабларидан бири сифатида келтириб ўтиш мумкин.



2.2.1-чизма. Жами корхоналар ҳамда КБХТ субъектлари яшовчанлик коэффициентини ўзгариш динамикаси⁷⁴


КБХТ ривожини таъминлаш, уларнинг маҳсулот этиштиришдаги улушини опииришда яшовчанлик коэффициентидан ташқари фаоллик даражаси ҳам асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Корхоналарнинг фаоллик даражасини аниқлаш учун куйида келтирилган формуладан фойдаланилди.

$$KFD = \frac{FYuK}{RO'K} \cdot 100\% \quad (2)$$

бу ерда: KFD – корхоналарнинг фаоллик даражаси, $FYuK$ – фаолият юритаётган корхоналар сони, $RO'K$ – рўйхатдан ўтган корхоналар сони.

⁷⁴ Муаллиф ишланмаси

Хисоб-китоблар 2015 йилдаги сезиларсиз пасайишни инобатга олмаганда кейинги йилларда корхоналарнинг фаоллик даражаси ижобий тенденцияга эгаллигини кўрсатмоқда. 2014 йилда жами корхоналарнинг фаоллик даражаси 90,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига мазкур кўрсаткични 95,4 фоизга етказилган. Кичик бизнес ва микрофирмаларда фаоллик даражасининг ўзгариши ҳам бир хил тенденция эга бўлган. Бирок кичик корхона ва микрофирмалар фаоллик даражасининг ошиши бироз юқори бўлиши, орадаги салбий фарқни камайтиришга хизмат қилган.



2.2.2-чизма. Умумий корхоналар ҳамда кичик корхона ва микрофирмаларнинг фаоллик даражасининг ўзгариш динамикаси⁷⁵

2014 йил 1 январь ҳолатига кичик корхона ва микрофирмалар фаоллик даражаси жами корхоналар фаоллик даражасига нисбатан 1,6 фоизга кам бўлган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига ушбу фарқни 0,2 фоизгача қисқартиришга эришилган. Умумий ҳисобда кичик корхона ва микрофирмалар фаоллик даражаси таҳлил қилинаётган даврда 88,9 фоиздан 95,2 фоизга оширилган. Бирок кичик корхона ва микрофирмалар яшовчанлик даражасининг жами корхоналар яшовчанлик даражасига нисбатан паст бўлиши унинг сифат кўрсаткичларини пасайишига сабаб бўлмоқда.

⁷⁵ Муаллиф ишланмаси

Натижалар кейинги йилларда КХБТ тараққиётини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самараси анча юқори бўлганлигини, хусусан уларнинг яшовчанлик коэффициенти 22,8 фоиздан 68,1 фоизга, фаоллик даражаси эса 88,9 фоиздан 95,2 фоизга ошириш таъминланганлигини, ўз навбатида сифат кўрсаткичлари ошганлигини кўрсатмоқда.

Таҳлилнинг синтез усулидан фойдаланган ҳолда умумий кўрсаткичларни шакллантирувчи хусусий кўрсаткичларга эътибор қаратмоқчимиз. Яъни юқоридаги кўрсаткичларни тармоқлар кесимидаги ўзгаришига, хусусан қишлоқ жойларида КБХТни ривожини бошқа тармоқларга нисбатан қиссий таҳлилга қаратилади. Таҳлил қилинаётган даврда кўрсаткичлар динамикаси анча беқарор бўлганлигини, айрим йилларда кескин пасайишлар кузатишганлигини инobatга олган ҳолда вариацион кенглик кўрсаткичидан фойдаланилди. Яъни 2019 йил 2014 йилга нисбатан мутлақ ўзгариш билан вариацион кенглик ўргасидаги фарқ пасайишининг қанчалик чуқур эканлигини ифодалашга хизмат қилувчи кўрсаткич сифатида қаралмоқда (2.2.2-жадвалга қarang).

Жадвал маълумотларига кўра дастлабки даврда айрим фаолият турлари: савдо, ахборот ва коммуникация соҳаларида кичик корхона ва микрофирмалар яшовчанлик коэффициенти манфий қийматларга эгаллигини кўриш мумкин. Савдо соҳасида яшовчанлик коэффициенти 2015 йилни инobatга олмаганда ижобий ўзгариш таъминланган бўлса, ахборот ва коммуникация соҳасида ўзгариш анча беқарор бўлиб, 2015–2016 йилларда кескин пасайиши кузатишган.

Тармоқлар кесимида саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида КБХТ субъектлари яшовчанлик коэффициенти бошқа соҳаларга нисбатан юқори ва барқарор экан. Иккала тармоққа мансуб КБХТ субъектлари-нинг яшовчанлик коэффициентида бир хил тенденция мавжуд бўлиб, фақат қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида пасайиш анча чуқурроқ ва умумий тенденцияда, 2014-2016 йилларда пасайиш, 2017-2019 йилларда ўсиш кузатишган.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигидаги кичик корхоналар яшовчанлик коэффициенти пасайиши старли даражада чуқур

бўлиб, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни инобатга олмаганда 2019 йил 2014 йилга нисбатан мутлақ ўзгариши билан вариацион кенглик орасидаги фарқ энг катта, яъни 29,7 фоизни ташкил қилган.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яшовчанлик коэффициенти бошқа соҳаларга юқори бўлишига қарамасдан 2014 йилга нисбатан пасайишни ҳам юқори эканлиги кузатилади. Бу эса соҳада КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффициентини барқарорлаштириш лозимлигини асослайди.

2.2.2-жадвал

2014–2019 йилларда КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффициенти тармоқ ва фаолият турлари бўйича ўзгариш динамикаси⁷⁶

	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2019 йилга 2014 йилга нисба-тан мутлақ	вариацион кенглик
Қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	41,7	26,1	12,5	26,5	56,9	71,4	29,7	58,9
Саноат	48,5	43,1	25,9	28,8	61,8	73,5	25	47,6
Қурилиш	25,9	36,7	24,1	16,7	39,5	73,4	47,5	56,8
Савдо	-15,9	-3,3	-4,2	5,8	8,9	60,7	76,6	76,6
Ташиш ва сақлаш	50	50	30,8	35,3	44,4	66,7	16,7	35,9
Турар жой ва озик-овқат хизматлари	43,5	52,2	37,5	35,7	50	69,2	25,7	33,5
АКТ	-14,3	30	0	- 11,1	30	58,3	72,6	72,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	50	0	60	60	77,8	90,9	40,9	90,9
Бошоқалар	6,1	29,7	13,5	13,2	34,1	60,7	54,6	54,7

⁷⁶ Муаллиф шиланмаси

Бевосита фаоллик даражасига тўхталадиган бўлсак, КБХТ субъект-ларини 2014–2019 йиллар мобайнида фаоллик даражасини соҳалар ва фаолият турлари кесимида анча барқарор ва умумий ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, яшовчанлик коэффицентидан фарқли равишда соҳалар, фаолият турлари бўйича кўрсаткичлар динамикасидаги фарқларни унчалик даражада юқори эмаслигини ҳам кўриш мумкин. Буни инобатга олган ҳолда соҳалар кесимидаги қиёсий таҳлилни амалга оширишда вариацион кенглик, ўртача квадратик четланиш каби кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Ҳисоб-китоблар КБХТ субъектларининг соҳа ва фаолият турлари бўйича фаоллик даражаси яшовчанлик коэффицентидан фарқли равишда деярли барча йўналиш ва соҳаларда олдинги йилга нисбатан ижобий ўзагириши ва анча барқарор бўлганлиги кузатилади. Фаоллик даражасидаги асосий пасайиш 2015 йилга тўғри келиб, қурилиш, савдо, тапиш ва саклаш, саноатдан тапқари барча соҳаларда сезиларсиз даражадаги пасайиш кузатилган (2.2.3-жадвал).

Натижада вариацион кенглиги билан таҳлил қилинаётган даврдаги ўзгариш орасида кичик фарқ сезиларсиз бўлган. Айнан, кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалигида 2014 йил 1 январь ҳолатига КБХТ субъектлари фаоллик даражаси 89,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига 94,5 фоизни ташкил қилиб, 5,3 фоизга ўсиши таъминланган. Бирок, аниқланган вариацион кендик 2015 йилдаги 1,3 фоиз пасайиш эвазига 6,6 фоизни ташкил қилган.

Вариацион кенглик бўйича катта ўзгариши айнан қурилиш, ахборот ва коммуникация ҳамда савдо соҳаларига тўғри келган бўлишига қарамасдан 2019 йилда фаоллик даражаси бўйича соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизматлар, тапиш ва саклаш, саноат соҳалари юқори ўринларга эга бўлмоқда. Ўртача квадратик четланиш бўйича энг паст кўрсаткичлар соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизматлар, турар жой ва озиқ-овқат хизматлари, кишлок ўрмон ва балиқ хўжалигига тўғри келади. Ўртача квадратик четланишнинг паст бўлиши бир томондан кўрсаткичнинг барқарорлиги ва зичлигини ифодаласа иккинчи томондан эса ўртача ўсиш даражасини паст эканлигини кўрсатади.

КБХТ субъектлари фаоллик даражасини тармоқлар ва фаолият турлари бўйича ўзгариш динамикаси (фоизда)⁷⁷

	2014	2015	2016	2017	2018	2019	вариация кoeffициент	ўртача квадратик
Қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	89,2	87,9	90,6	91,8	92,8	94,5	6,6	2,4
Саноат	90,0	90,3	93,0	94,5	95,9	95,7	5,8	2,6
Қурилиш	86,8	87,1	90,9	92,8	94,4	95,7	8,9	3,7
Савдо	86,6	86,8	89,6	92,0	93,7	94,4	7,8	3,4
Ташиниш ва сақлаш	89,7	90,4	93,1	94,6	95,9	96,3	6,7	2,8
Турар жой ва озик-овқат хизматлари	90,8	89,0	91,6	93,3	94,4	94,3	5,4	2,1
Ахборот ва коммуникация	87,7	86,5	90,0	92,5	95,4	94,4	8,9	3,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	96,7	96,6	98,3	97,4	97,8	98,2	1,7	0,7
Бошқалар	91,3	89,9	93,5	95,1	96,1	95,8	6,2	2,5

Таҳлилларимизга кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида КБХТ субъектлари фаоллик даражаси таҳлил қилинаётган даврда ижобий ва бошқа соҳаларга нисбатан анча барқарор бўлганлигини кўрсатмоқда.

Ҳар бир соҳа ва тармоқда КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффициенти ва фаоллик даражалари орасидаги боғлиқликнинг мавжудлиги ҳамда унинг қанчалик кучли эканлигини аниқлаш мақсадида улар орасидаги жуфт корреляция коэффицентлари қараб чиқилди (2.2.3-чизмага қаранг).

⁷⁷ Муаллиф ишланмаси



2.2.3-чизма. КБХТ субъектлари фаоллик даражаси ҳамда яшовчанлик коэффициенти орасидаги жуфт корреляция коэффициентлари⁷⁸.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра савдо ва қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалигида кичик корхона ва микрофирмаларнинг фаоллик даражаси ҳамда яшовчанлик коэффициенти орасидаги корреляция коэффициенти юқори бўлиб, мос равишда 0,76 ва 0,68 га тенг бўлмоқда. Демак, қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалигида КБХТ субъектлари фаоллик даражасини ошириш учун уларнинг яшовчанлик коэффициентини ошириш лозим.

Демак, иккала кўрсаткичдан бирининг ўзгариши иккинчисини ҳам ўзгаришига тўғридан-тўғри кучли таъсир қилади. Бошқа соҳаларда аниқланган жуфт корреляция коэффициентлари анча паст бўлиб, таниш ва сақлаш ҳамда тураётган жой ва озиқ-овқат хизматларида мос равишда 0,11 ва 0,25 ни ташкил қилмоқда. Корреляция коэффициентининг пастлиги кўрсаткичларнинг ўзаро таъсирчанлиги деярли йўқлигини асослайди.

Иқтисодий тармоқлари ривожланиши ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг биргаликдаги тараққиётини таъминлаш талаб этилади. Яъни, қишлоқ хўжалигида кичик бизнесни ривожлантириш учун бошқа соҳаларнинг ҳам тараққиётини таъминлаш талаб этилади. Улар орасидаги боғлиқликни баҳолаш мақсадида қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг фаоллик даражалари орасидаги жуфт

⁷⁸ Муаллиф ишланмаси

корреляция коэффициентлари қараб чиқилди (2.2.4-жадвалга қаранг).

Таҳлиллар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида КБХТ субъектлари фаоллик даражасини соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлардан ташқари барча тармоқларда КБХТ субъектлари фаоллик даражаси билан юқори корреляцион боғлиқликка эга ва корреляция коэффициентлари 0,9 дан катта.

Демак, қишлоқ жойларида ва хўжалигида КБХТни ривожлантириш учун барча соҳалар ва тармоқларда КБХТ субъектлар ривожини таъминлаш талаб этилади. Бу эса КБХТни давлат томонидан турли хил дастаклар билан қўллаб-қувватлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориш лозимлигини кўрсатади.

2.2.4-жадвал

**КБХТ субъектларининг фаоллик даражалари орасидаги
жуфт корреляция коэффициентлари ⁷⁹**

	Қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	Саноат	Қурилиш	Савдо	Ташини ва сақлаш	Турар жой ва озиқ- овқат хизматлари	Ахборот ва коммуникация	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	Бошқалар
Қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	1,00								
Саноат	0,94	1,00							
Қурилиш	0,97	0,99	1,00						
Савдо	0,97	0,99	1,00	1,00					
Ташини ва сақлаш	0,95	1,00	1,00	0,99	1,00				
Турар жой ва озиқ-овқат хизматлари	0,96	0,95	0,94	0,96	0,93	1,00			
АКТ	0,95	0,98	0,97	0,98	0,97	0,98	1,00		
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	0,77	0,78	0,80	0,75	0,79	0,71	0,71	1,00	
Бошқалар	0,95	0,98	0,96	0,97	0,96	0,99	0,98	0,78	1,00

⁷⁹ Муаллиф илланмаси

Хулоса килиб айтганда, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффицентиди 2017–2018 йилларда кескин ўсиб 2018 йилда 2016 йилга нисбатаи 2,7 баробарга ошган ва ушбу йилларда фаоллик даражасини ҳам ошиши кузатилган. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффицентиди билан фаоллик даражаси орасида старли даражада кучли мусбат корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, уни 0,68 га тенг эканлиги аниқланди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва бошқа йўналиш ва соҳалардаги КБХТ субъектларининг фаоллик даражаси орасида кучли корреляцион боғлиқлик аниқланди ва корреляция коэффицентиди 0,9 дан катта миқдорни ташкил қилмоқда.

Монографик тадқиқотларимиз давомида қишлоқ жойларида КБХТнинг ривожланиш даражасини аниқловчи ташкилий-иқтисодий омилларни таснифини ишлаб чиқдик (2.2.5-жадвалга қarang).

2.2.5-жадвал

Қишлоқ жойларида КБХТнинг ривожланиш даражасини аниқловчи ташкилий-иқтисодий омиллар⁸⁰.

Қишлоқда КБХТ ривожланишига тўсиқ бўлувчи омиллар	Қишлоқ жойларида КБХТ ривожланишини рағбатлантирувчи омиллар
1. Бозор инфратузилмасининг ривожланмаганлиги.	1. КБХТ инфратузилмаси, бизнес инкубаторлар ва бошқа институтларнинг ривожланганлиги.
2. Ягона ахборот таъминоти ва статистик ҳисобнинг йўқлиги.	2. КБХТ сектори ривожли учун янги ёндашувлар ва шароитларни яратиш.
3. Маҳаллий ва ОФЙ, МФЙлар кесимида энг қуёи бўғинда қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштиришнинг паст даражаси.	3. КБХТ манфаатларини ҳимоя қилишида Маҳалла, ННТ каби жамоат ташкилотларининг ролини ошиши.
4. КБХТ учун давлат буюртмаларини мувофиқлаштириш тизими йўқлиги.	4. Минтақавий ва ҳудудий даражада КБХТ ҳукукий базасининг такомиллашуви.
5. КБХТ бўйича умумий қонунчиликдаги помукаммалликлар.	5. Ер бозорида талаб ва таклифнинг мавжудлиги.
6. Ер участкалари, бино, иншоот, қурилиш, нотурар жойларни бериш механизмидаги камчилик-	6. КБХТни молиялаштиришнинг муқобил манбаларининг ривожланиши (кооперациялар).

⁸⁰ Муаллиф ишламаси

<p>лар.</p> <p>7. КБХТ ва йирик ўрта субъектлар ўртасида ўзаро таъсир механизмларининг йўқлиги.</p> <p>8. Ижтимоий инфратузилманинг, муҳандислик коммуникацияларининг паст ривожланиш даражаси (<i>йўл, ичимлик суви, газ, электр энергияси</i>).</p> <p>9. Муайян ихтисослашув ёки ўсиш нукталарининг йўқлиги ёки аниқланмаганлиги.</p> <p>10. Аграр йўналишдаги соҳалар бўйича малакали мутахассисларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги.</p> <p>11. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви ва чўллашув жараёнлари.</p>	<p>7. Қишлоқ жойларида КБХТнинг етарлича инвестицион жозибадорлиги.</p> <p>8. Муҳандислик коммуникацияларининг мавжудлиги (<i>йўллар, газ, электр энергияси, сув, юқори тезликдаги интернет</i>).</p> <p>9. КБХТ ривожланиши учун туман, ҳудуд, қишлоқ ўсиш нукталарининг аниқлиги.</p> <p>10. Аграр йўналишдаги малакали мутахассислар ва услубий қўлланмалар мавжудлиги (<i>зоотехник, ветеринар, агроном, чорвадор, базиқчилик, асаларчилик, қуёнчилик, қуркачилик, тупроқшунос, мелиоратор, ирригатор, томчилатиб суғориш, замонавий иссиқхоналар бўйича ҳодимлар, муқобил энергия манбалари</i>).</p>
--	--

2.2.5-жадвалга кўра, қишлоқда КБХТ ривожланишига тўсиқ бўлувчи ва уни рағбатантирувчи омилларни ажратиб кўрсатдик. Жумладан, қишлоқ жойларида КБХТ ривожланишига тўсиқ омилларга бозор инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, ягона ахборот таъминоти ва статистик ҳисобнинг, КБХТ учун давлат бујуртмаларини мувофиқлаштириш тизимининг, КБХТ ва йирик ўрта субъектлар ўртасида ўзаро таъсир механизмларининг йўқлиги, МФЙ, ОФЙлар кесимида энг куйи бўғинда қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштиришнинг паст даражаси, КБХТ бўйича қонунчиликдаги номукаммалликлар, ер участкалари, бино, иншоот, қурилиш, нотураб жойларни бериш механизмидаги камчиликлар, ижтимоий инфратузилманинг, муҳандислик коммуникацияларининг паст ривожланиш даражаси (*йўл, ичимлик суви, газ, электр энергияси*), муайян ихтисослашув ёки ўсиш нукталари, драйверларнинг аниқланмаганлиги, аграр йўналишдаги соҳалар бўйича малакали мутахассисларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви ва чўллашув жараёнлари қиради.

Аксинча, қишлоқ жойларида КБХТни ривожланишини рағбатлантирувчи омилларга эса КБХТ инфратузилмаси, бизнес

инкубаторлар ва бошқа институтларнинг ривожланганлиги, соҳа учун шароитларни яратиш, КБХТ манфаатларини химоя қилишда маҳалла, ШПТ каби жамоат ташкилотларининг ролини ошириш, миштакавий ва ҳудудий даражада КБХТ ҳуқуқий базасининг такомиллашуви, ер бозорида талаб ва таклифнинг мавжудлиги, КБХТни молиялаштиришнинг муқобил манбаларининг ривожланиши, қишлоқ жойларида КБХТнинг етарлича инвестицион жозибадорлиги, муҳандислик коммуникацияларининг, аграр йўналишдаги малакали мутахассислар ва услубий қўлланмалар мавжудлиги, КБХТ ривожланиши учун туман, ҳудуд, қишлоқ ўсиш нуқталарининг аниқлиги кабилар қиради.

Фикримизча, эндиликда КБХТ ривожланишининг умумий даражасини ифодаловчи (*рўйхатга олинган КБХТ субъектлари сони, ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, яъни тушум ва асосий капиталга инвестициялар*) кўрсаткичлардан КБХТ субъектлари инновацион фаоллиги динамикасини, тармоқ тузилмасидаги ижобий ўзгаришларни тавсифловчи индикаторларга ўтиш мақсадга мувофиқ. Бундай индикаторларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– фаолият кўрсатаётган кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган субъектлар сони;

– кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган субъектларнинг ЯҲМдаги улуши;

– кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган субъектларнинг КБХТ тармоқ тузилмасидаги улуши;

– КБХТ субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказилган патентлар ва жорий этилган инновацион маҳсулотлар (хизматлар) сони;

– КБХТ субъектлари маҳсулотлар (хизматлар) умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар (хизматлар) улуши;

– инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган КБХТ субъектларидаги ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони;

– инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган КБХТ субъектларидаги ўртача ойлик иш ҳақи;

– битта КБХТ субъектларига тўғри келувчи инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхонага тўғри келувчи ҳудудий (*муниципал*) мулккий инфратузилма (*бизнес-инкубаторлар, технопарклар, технополислар, миштакавий ва муниципал бизнес-кўчмас мулк*)нинг умумий майдони;

– хуудий бизнес-инкубаторлар, технопарклар ва технополислар резидентлари – инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган КБХТ субъектлари сони;

– хуудий кафолат (венчур) фондлар орқали молиявий кўмак олган инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган КБХТ субъектлари сони;

- минтақавий ва маҳаллий бюджетлар, минтақавий кафолат (венчур) фондлар маблағлари ҳисобига КБХТни инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган молиявий қўллаб-қувватлаш хажми;

- КБХТнинг ишлаб чиқариш ва инновацион субъектлари билан товар-лар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш учун тузилган шартномалар сони;

- ишлаб чиқариш ва инновацион КБХТ субъектлари билан давлат ва маҳаллий эҳтиёжлар учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар қиймати.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз монографияда КБХТни ривожланишини батафсилроқ ифодалашга имкон берувчи бир қатор кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш формулаларини такомиллаштирган ҳамда тизимлаштирган ҳолда тақлиф этдик (2.2.6-жадвал).

Шу билан бирга, кишлоқ жойларида КБХТнинг ривожланишини SWOT таҳлилин амалга оширдик. Унга кўра, кишлоқ жойларида салохияти ўз ечимини қутаётган бир қатор муаммолар мавжудлиги сабабли старлича ўрғанилмаган. Жумладан, амалдаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий база КБХТ субъектларини тармоқ белгиларига кўра аниқ таснифлашга имкон бермайди.

КБХТни йирик бизнес субъектлари билан интеграция жараёнлари старлича рағбатлантирилмайди, олдиндан шаклланган ижтимоий, ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланишда кийинчиликлар мавжуд.

Юқорида таъкидланганидек, республикамиз ва унинг минтақаларида кўпчилик хуудларни кишлоқ жойлари эгаллайди. Бугунги кунда кишлоқ жойлари республикамиз умумий майдонининг 2/3 қисмини эгаллайди ва кишлоқларда қарийб 16,8 млн. киши ёки умумий аҳолининг 49.6 фоизи яшайди. Бу рақамлар эса кишлоқ жойлари ривожланиши умумий ҳисобда минтақалар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, модернизация

жараёнларига тайёргарлик ва барқарорликнинг мақсадли кўрсаткичи эканлигини кўрсатади.

Қишлоқларда, айниқса, чекка ҳудудларда замонавий корхоналар, йўл-транспорт коммуникацияси, савдо-маиший, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, АКТ хизматларини, бозор, тадбиркорлик, инфратузилмаси объектларини шакллантириш ёки мавжудларини модернизациялаш орқали аҳоли учун қулай яшаш шароитлари яратиш устувор вазифалардан саналади.

КБХТ ривожланишини ифодаловчи таклиф қилинётган кўрсаткичлар тизими

№	Кўрсаткичнинг номи	Кўрсаткичнинг ҳисобlash тартиби	Ҳисобlash формуласининг кўриниши
1.	Ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келувчи КБХТ субъектлари сон (N_{1000}^{KBT})	КБХТ субъектлари умумий сонини (N^{KBT}) ҳудуднинг умумий аҳолиси сонига (X^{CAS}) бўлиш орқали топилган	$\frac{N^{KBT}}{X^{CAS}}$
2.	Ҳар 1000 нафар маҳсулота истеҳсолатган аҳолига тўғри келувчи КБХТ субъектлари сон (N_{1000}^{KBT})	КБХТ субъектлари умумий сонини (N^{KBT}) ҳудуднинг маҳсулота истеҳсолатган аҳолиси сонига (X^{MLAS}) бўлиш орқали топилган	$\frac{N^{KBT}}{X^{MLAS}}$
3.	КБХТнинг иқтисодий жетибборлиги (U^{KBT})	КБХТ субъектлари ишчиларининг ўртача иш ҳаки (AW^{KBT}) ни ҳудуддаги ўртача иш ҳакига (AW^R) бўлиш орқали топилган	$\frac{U^{KBT}}{AW^R}$
4.	КБХТда бандаларнинг иқтисодийга жами бандалар сонидан улуши (D^{KBT})	КБХТда жами бандалар сонини (D^{KBT}) ҳудуддаги жами бандалар сонига (D^R) бўлиш орқали топилган	$\frac{D^{KBT}}{D^R}$
5.	Янги яратилган иш ўринлари умумий сонидан КБХТда яратилган иш ўринларининг улуши (D^{KBT})	КБХТ томонидан яратилган иш ўринлари (NL^{KBT}) сонини ҳудуддаги умумий яратилган иш ўринлари (TL^R) сонига бўлиш орқали топилган	$\frac{NL^{KBT}}{TL^R}$
6.	ЯХМда КБХТнинг улуши (DY^{KBT})	КБХТ янги маҳсулотини (Y^{KBT}) ҳудуд янги ҳудудий маҳсулотига (Y^R) бўлиш орқали топилган	$\frac{Y^{KBT}}{Y^R}$
7.	Маҳсулоти божсизла тушумларининг умумий ҳажмидан КБХТ тушумларининг улуши (DT^{KBT})	КБХТ дан тушумларини (T^{KBT}) ҳудуд маҳсулоти божсизла умумий тушумларига (T^R) бўлиш орқали топилган	$\frac{T^{KBT}}{T^R}$
8.	КБХТни қўллаб-қувватлашга божсиз харажатларнинг инебеси (RC^{KBT})	Республика божсизла КБХТни қўллаб-қувватлашга харажатларини (ZBC^{KBT}) маҳсулоти божсизла КБХТни қўллаб-қувватлашга кетган харажатларига (RBC^{KBT}) бўлиш орқали топилган	$\frac{ZBC^{KBT}}{RBC^{KBT}}$
9.	КБХТ субъектлари томонидан қўшимча маблағларни жалб қилиш инекоэффициенти (R^{KBT})	Республика божсизла КБХТни қўллаб-қувватлашга харажатларини (ZBC^{KBT}) шу ресурслар ёрдамида қўшимча жалб этилган мотивлий ресурсларига (R^{QIM}) бўлиш орқали топилган	$\frac{ZBC^{KBT}}{R^{QIM}}$
10.	Янги иш бошлатилган КБХТ субъектларини бизнес-инкубаторларда жойлаштириш инекоэффициенти (BI^{KBT})	КБХТни қўллаб-қувватловчи инфратузилма объектлари сонини (N_{1000}^{KBT}) янги ташкил қилиниб, рессурга қирғиндан КБХТ субъектлари сонига (N_{1000}^{KBT}) бўлиш орқали топилган	$\frac{N_{1000}^{KBT}}{N_{1000}^{KBT}}$

11	КБХТ субъектларининг фойдаланув коэффициенти (I_A^{KBXT})	“Чоъи бастанга” эга бўлмаган КБХТ субъектлари сонинин (N_{ZI}^{KBXT}) раъсий рўйхатдан ўтган КБХТ субъектлари сонига (N_{KBT}) бўлиши оlingan топилади	$I_A^{KBXT} = \frac{N_{ZI}^{KBXT}}{N_{KBT}}$
12	КБХТ субъектларининг яшовчанлик даражаси коэффициенти ¹ (YaD^{KBXT})	Жорий йилда ёпилаган КБХТ субъектларининг сонинин (Yo_{SS}^{KBXT}) фойдалият кўрсаткичига бўлиши оlingan топилади. YaD^{KBXT} коэффициент $0 \leq YaD^{KBXT} \leq 1$ оlingанда ўзи-раши. Алар қанчалик юлга ақиллик, субъектлар яшавчанлик даражаси юкери ва аксинча.	$YaD^{KBXT} = \frac{Yo_{SS}^{KBXT}}{N_{IK}^{KBXT}}$
13	КБХТ субъектларининг сўлувчанлик даражаси коэффициенти ² (SD^{KBXT})	Жорий йилда ёпилаган субъектлар сонинин (Yo_{SS}^{KBXT}) жорий йилда оlingan субъектлари сонига (O_{SS}^{KBXT}) бўлиши оlingan топилади.	$SD^{KBXT} = \frac{Yo_{SS}^{KBXT}}{O_{SS}^{KBXT}}$
14	КБХТ субъектларининг хўш ахборли хўшамданли улуши (D_E^{KBXT})	КБХТ субъектларининг экспортинин (E^{KBXT}) хўшамданли улушининг экспортни (E^B) бўлиши оlingan топилади	$D_E^{KBXT} = \frac{E^{KBXT}}{E^B}$
15	КБХТ субъектларининг импорт хўшамданли улуши (D_I^{KBXT})	КБХТ субъектларининг импорт (E^{KBXT}) хўшамданли улушининг экспортни (E^B) бўлиши оlingan топилади	$D_I^{KBXT} = \frac{E^{KBXT}}{E^B}$
16	КБХТ корхоналарининг кооперациялушу даражаси коэффициенти ³ (KK^{KBXT})	Жорий йилда йirik экинче бизан кооперацияда ишлаётган КБХТ субъектларининг улушининг жорий йилда алоҳида автоном хўшда ишлаётган КБХТ субъектларининг сонига бўлиши оlingan топилади.	$KK^{KBXT} = \frac{K^{KBXT}}{A^{KBXT}} * 100\%$
17	КБХТнинг махаллийлишу, иштиросилушу даражаси коэффициенти ⁴ (KL^{KBXT})	N^{KBXT} – КБХТ субъектларини қозимларининг мамлакат i субъекти хўшамданли жойлаган i фойдалият тури бўлиши сонин. L_i^{KBXT} – мамлакат i субъекти хўшамданли жойлаган КБХТ субъектларини қозимларининг жами сонин; L^{KBXT} – ўзбекистондаги КБХТ да багдорлият жами сонин; N_{iE}^{KBXT} – ўзбекистон бўлиши i фойдалият туридаги барча КБХТ субъектларининг қозимларининг улушининг сонин.	$KL^{KBXT} = \frac{N_i^{KBXT}}{L^{KBXT}} * \frac{L_i^{KBXT}}{N_{iE}^{KBXT}}$

¹ 12-16- формулар Салаев С.К. Кичик бизнес раёқонлаштирилган тенденцияларининг моделлаштирилган ра багдорлиятини. Икт.фил.докт.дисс.авторфр. Т.ТДПУ, 2008 асосида тақомиллаштирилди.

² Пиньковская Ю.С. Анализ отраслевой локализации малого и среднего предпринимательства в регионах // Теория и практика управления. 2016. №2. С.71. асосида муаллиф томонидан тақомиллаштирилди

Бунинг сими сифатида кишлок жойларида КБХТнинг ривожланиши учун кулай шароитларни яратиб бериш, хар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

КБХТ субъектлари кишлок жойларида хўжалик юритишнинг барча жабҳаларини камраб олгани холда анъанавий кишлок хўжалик ишлаб чиқариши билан бирга маҳсулотларни қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, ноаграр йўналишдаги КБХТ фаолияти турларини (*агро туризм, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, таъмирлаш устахона-лари, умумий овқатланиш шохобчалари ва ҳ.к*) ривожлантирган холда кишлок аҳолиси учун шаҳар стандартларини яратиб беришда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, айнан кишлок жойларида ноаграр йўналишдаги КБХТ субъектларини ташкил этиш ва янги кишлок тадбиркорлиги турларини, кишлок жойларини ривожлантириш драйверларидан самарали фойдаланиш истиқболларига монографиянинг учинчи бобида тўхталиб ўтамыз.

2.3. Хоразм вилоятининг кишлок жойларида КБХТнинг тараққиёти муаммоларини социологик сўровномалар асосида баҳолаш

Биз монографик тадқиқотларимиз давомида Хоразм вилоятининг кишлок жойларида КБХТнинг тараққиёти муаммоларини аниқлаш бўйича турли соҳалардаги КБХТ субъектлари раҳбарлари – респондентлар билан социологик анкета-сўровномалари ўтказдик.


Социологик сўровномаларда жами 430 дан ортик респондентлар қатнашди. Социологик тадқиқотда қарийб вилоятининг 11 та кишлок худудларидан (*Урганч ва Хива шаҳарларидан ташқари*) 25 гадан 54 тагача бўлган респондентлари иштирок килди ва энг кўп респондентлар 54 та Урганч туманидан ва энг ками 25 та Шовот туманидан қатнашди.

Сўровномада қатнашганларнинг 43 фоизи (*185 таси*) якка тадбиркорлар, 25 фоизи (*109 таси*) фермер хўжаликлари, 8 фоизи (*36 таси*) кичик корхоналар, 4 фоиздан микрофирма ва МЧЖлар

(16 тадан) ва қолган 16 фоизи ёки 104 таси бошқа ташкилий-эркукий шакллардаги субъектлардир.

Шунингдек, респондентларнинг 288 нафари ёки 66,3 фоизи эркактар, 146 нафари ёки 33,7 фоизи аёллардир. Сўровномада катнашганлар тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва ходимларининг 260 нафари қарийб 60 фоизи ўрта маълумотли 22.5 фоизи олий маълумотли ва 76 нафари ёки 17,5 фоизи ўрта махсус маълумотлилардир.


Қишлоқдаги КБХТ субъектлари раҳбарлари – респондентларнинг “*Фикрингизча ҳозирги шароитда тадбиркорликнинг қайси тури энг даромадли деб ўйлайсиз*” деган саволга 149 нафари ёки 29 фоизи савдо фаолияти деб, 124 нафари ёки 24 фоизи деҳқончилик деб, 75 нафари ёки 15 фоизи чорвачилик деб, 64 нафари ёки 12 фоизи хизмат кўрсатиш деб, 44 нафари ёки 9 фоизи кластер фаолияти деб, 6 фоизи ишлаб чиқариш фаолияти ва 9 нафари ёки 2 фоизи қурилиш, 3 фоизи асаларичилик деб жавоб беришган (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. Қишлоқ жойларида респондентлар даромадли деб ҳисоблаган фаолият турлари ва соҳалари⁸³.

⁸³ Социологик анкета-сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси

“Сизнинг ҳудудингизда қайси тадбиркорлик тури яхши ривожланган” деган саволга респондентлар қуйидаги 2.3.2-расмдагидек жавоб беришган:




2.3.2-расм. Қайси тадбиркорлик тури ривожланганлиги бўйича респондентларнинг жавоблари тақсимоти⁸⁴.

“Қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?” деган саволга респондентларнинг 125 нафари ёки 28 фоизи “харидорнинг камлиги”, 102 нафари ёки 21 фоизи “инфратузилма билан боғлиқ муаммолар”, 76 нафари ёки 15 фоизи “молиявий муаммолар”, 69 нафари ёки 14 нафари “Ер, сув ресурслари масалалари”, 65 нафари ёки 13 фоизи “Марказдан узоқдалиги”, 28 нафари ёки 6 фоизи бюрократик тўсиқлар деб жавоб беришган.

Респондентлар “Қишлоқ жойларида қайси йўналишдаги фаолиятларни истиқболли деб ҳисоблайсиз?” деган саволга 2.3.3-расмдагидек жавоб беришган.

⁸⁴ Социологик анкета-сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси



2.3.3-расм. Қишлоқ жойларида истиқболли деб ҳисобланган фаолият йўналишларини респондентлар томонидан баҳоланиши⁸⁵.

“Қишлоқ жойларида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қўшимча имкониятларни яратилиши асослари нималарда намоён бўлади?” деган саволга респондентларнинг 34 фоизи “ишчи кучининг арзонлиги”, 22 фоизи “рақобат курашининг пастлиги”, 11 фоизи “бозорнинг яқинлиги”, 15 фоизи “якка тадбиркорлар учун солиқ миқдорларининг нисбатан пастлиги”, 12 фоизи “ҳукумат томонидан қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастурларини амалга оширилаётганилиги”, 6 фоизи “ресурсларнинг арзонлиги”, деб баҳоланган. Шунингдек, 54 фоиз тадбиркорлар “Қишлоқ жойларида тадбиркорликни экологияга таъсири борми?” деган саволга “йўқ” деб, 46 фоизи эса “ха” деб жавоб беришган

⁸⁵ Социологик анкета-сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси

“Сизнингча қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши керакми?” деган саволга респондентлар 2.3.1-жадвалдагидек нисбатларда жавоб беришган.

2.3.1-жадвал

Давлат томонидан қишлоқ жойларида КБХТни қўллаб-қувватлашга эътибор бериш керак бўлган асосий йўналишлар⁸⁶


Давлат томонидан бериладиган ёрдам йўналишлари ва турлари	Респондентлар сони
Имтиёзли кредитлар бериш	250
Хуқуқий асосни такомиллаштириш	396
Тадбиркорлар учун ўқув-тренинглар ташкил қилиш	373
Хорижий давлатлар билан малака алмашишни ташкил қилиш	390
Маркетинг хизматларида ёрдам бериш	358
Солиқлардан имтиёзлар бериш механизмини такомиллаштириш	359
Уруғчилик, наслчилик ва генетика, агрокимё, ўсимликларни ва чорвани ҳимоя қилиш масалаларида ҳар томонлама қўллаш	386
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ва божхона имтиёзларини кенгайтириш	409
Хорижий инвестицияларни киритиш ҳамда замонавий техника ва технологияларни кенг жалб қилиш	307
Қишлоқ жойларида ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш	299
Қишлоқ жойларида кооперацион тадбиркорликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш	369
Бошқалар	211

“Қишлоқ жойларида КБХТлар фаолиятида нодавлат ва нотижорат ташкилотлар аҳамияти мавжудми?” деган саволга аксарият респондентлар “ха” деб жавоб беришган ва асосий эътиборни 32 фоиз респондентлар “Имтиёзли кредит олишга ёрдам беришда”, 15 фоизи “Тадбиркор ёшлар ва аёллар учун ўқув семинар тернинглари ташкил қилишда”, 14 фоизи “Солиқ ўзгаришларидан хабардор бўлиш ва имтиёзлардан

⁸⁶ Социологик анкета-сўровнома натижалари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

фойдаланишда”, 10 фоизи “Хорижий инвестицияларни киритиш ҳамда замонавий техника ва технологияларни кенг жалб қилишда”, 7,0 фоизи “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун экспорт ва божхона имтиёзларини кенгайтиришда” ва қолган 22 фоиз респондентлар эса “Тадбиркорлар учун онлайн маслаҳатлар, халқаро кўргазмаларда қатнашишга ёрдам беришда, қишлоқ жойларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда, аҳолини тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда” намоён бўлади деб ҳисоблашган.

“Қишлоқ жойларида бугунги кунда қишлоқ жойларида КБХТ ривожланиш ҳолатини қандай баҳолайсиз?” деган саволга респондентларнинг 29 фоизи “қониқарли”, 36 фоизи “билмайман”, 8 фоизи “аъло”, 9 фоизи “яхши”, 18 фоизи эса “қониқарсиз” деб баҳо беришган (2.3.4-расм).



2.3.4-расм. Қишлоқ жойларида КБХТни ривожланиш даражасини тадбиркорлар томонидан баҳолашиши⁸⁷.

“Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришда асосий муаммолар нималар деб ўйлайсиз?” деган саволга респондентларнинг 23 фоизи “қишлоқ жойларида инфратузилманинг ривожланмаганлиги” ва 23 фоизи “маблағ етишмаслиги”, 19,0 фоизи “малакали кадрларнинг етишмаслиги”, 13 фоизи “ер, сув, экология билан боғлиқ муаммолар”, 8 фоизи

⁸⁷ Социологик анкета-сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси

“табiiй монополиялар билан боғлиқ муаммолар” ва 14 фоизи бошқа муаммолар деб баҳолашган.

“Агар сизда қўшимча бизнес билан шуғулланиш имконияти бўлганида қандай бизнес тури билан шуғулланган бўлар эдингиз?” деган саволга респондентларнинг 26 фоизи “хизмат кўрсатиш”, 25 фоизи “қайта ишлаш ва савдо фаолияти”, 14 фоизи “экспорт”, 5 фоизи “ташиш”, 4 фоизи “сақлаш” каби фаолият билан шуғулланаман дейишган.

“Қишлоқ жойларида КБХТнинг ривожланишига унинг инфратузилмаси таъсирини қандай баҳолайсиз?” деган саволга респондентларнинг 49 фоизи “ўртача”, 25 фоизи “юқори”, 15 фоизи “яхши” ва 11 фоизи “паст” даражада деб баҳолашган.

Худди шунингдек, “Қишлоқ жойларида КБХТ субъектлари ҳуқуқий ҳимоясини ташиқил қилиш ҳолатини қандай баҳолайсиз?” деган саволга 47 фоиз тадбиркорларимиз “ўртача” деб баҳолашган ва 8 фоиз тадбиркорлар эса “паст” деб баҳолашган.

Респондентлар “Қишлоқ жойларида КБХТ етарли даражада ривожланган деб ўйлайсизми?” деган саволга 35,0 фоизи “ха”, 65,0 фоизи эса “йўқ” деб жавоб беришган.

“Сизнингча қишлоқ жойларида кичик бизнесни янада ривожлантириш учун нима қилиш лозим?” деган саволга респондентлар 2.3.2-жадвалдагидек нисбатларда жавоб беришган.

“Қишлоқ жойларида инновацион хизматлар аҳамиятини қандай баҳолайсиз?” деган саволга респондентларнинг 52, 0 фоизи “ўртача”, 26 фоизи “яхши”, 8 фоизи “юқори” ва 14 фоизи “паст” деб баҳолашган.

“Қишлоқ жойларида логистиканинг ҳолати КБХТ ривожига таъсири қандай?” деган саволга респондентларнинг 52, 0 фоизи “ўртача”, 29 фоизи “яхши”, 9 фоизи “юқори” ва 10 фоизи “паст” деб баҳолашган.

“Қишлоқ жойларида КБХТ ривожига реклама ва ахборот хизматлари таъсири қандай?” деган саволга эса тадбиркор-респондентларимизнинг 40,0 фоизи “ўртача”, 13 фоизи “яхши”, 34 фоизи “юқори” ва 13 фоизи “паст” деб баҳолашган.

Қишлоқ жойларида КБХТни янада ривожлантириш учун қилиниши зарур бўлган ишларни респондентлар томонидан баҳолалиши⁸⁸

Жавоблар мазмуни	Улуши, %да
1. Инновациялар, илғор техника-технологиялар бўйича ўқув-маслаҳат марказларини кенг ташкил қилиш	118 / 20,5
2. Тадбиркорлик маҳсулотларини экспорт қилиш жамғар-масининг фаолиятини яхшилаш	52 / 9,0
3. Кооперация ишларини фаоллаштириш	24 / 4,2
4. Аҳолини тадбиркорлик бўйича билим ва кўникмаларини ошириш	120 / 20,9
5. Мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар бериш	82 / 14,3
6. Хорижий ва маҳаллий тажрибали тадбиркорлик субъект-ларини таклиф қилган ҳолда тренинглар ташкил қилиб бориш	47 / 8,2
7. Тадбиркорлик субъектларини ўзини ривожлантириш даражасига асосланган ҳолда поғонали равишда имтиёзли кредитлар ажратиш	95 / 16,5
8. Агар берилган кредитдан белгиланган мақсадларда фойдаланмаса имтиёзларни бекор қилиш бўйича тизим ишлаб чиқиш	37 / 6,4


“Қишлоқ жойларида КБХТ ривожини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортига, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасига таъсир қиладими?” мазмунидаги саволга респондентларнинг 67 фоизи “**ха, албатта**” деб, 33 фоизи эса “**йўқ**” деб жавоб беришган.

“Қишлоқ жойларида яшил иқтисодий шакллантириш истиқболларини қандай баҳолайсиз?” деган саволга сўровномада иштирок қилганларнинг 48 фоизи “ўртача”, 32 фоизи “ўрта”, 12 фоизи “паст” ва 8 фоизи “юкори” баҳолашган.

“Қишлоқ хўжалигида КБХТ субъектларига берилган имтиёзлар бўйича охириги чиққан фармон ва қарорлар хусусида нималарни биласиз?” деган саволга анкета-сўровномаларида қатнашганларнинг 182 нафари ёки 35 фоизи “**имтиёзли кредитларнинг берилиши**”, 125 нафари ёки 24 фоизи “**Темир дафтар**”,

⁸⁸ Социологик анкета-сўровнома натижалари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

“Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” га кирганларга ер ажратилишини, 95 нафари ёки 19 фоизи “Ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилинишини”, 73 нафари ёки 14 фоизи “COVID-19 пандемияси туфайди кредитларни тўлаш муддатлари узайтирилганлигини”, 41 нафари ёки 8 фоизи “Тадбиркорликка ва касб-хунарга ўрганишга истаги бўлганларни ўқитилишини” билдиришган (2.3.5-расм).




2.3.5-расм⁸⁹. Қишлоқ ҳўжалигида КБХТ субъектларига берилган имтиёзлар бўйича охириги чиққан Фармон ва Қарорлар хусусида нималарни биласиз.

“Қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириши бўйича амалга оширилаётган давлат дастурларини самардорлигини қандай баҳолайсиз?” деган саволга респондентларнинг 44 фоизи “ўртача”, 35 фоизи “яхши”, 12 фоизи “юқори” ва 9 фоизи “паст” деб баҳолашган.

“Қишлоқда КБХТни ривожлантириши бўйича давлат дастурлари доирасидаги имкониятлардан шахсан фойдаланганмисиз?” деган саволга 55 фоиз тадбиркорлар “ха” ва 45 фоиз тадбиркорларимиз “йўқ” деб жавоб беришган. Шунингдек, фойдаланганларнинг 195 нафари ёки 44,7 фоизи “имтиёзли кредит олиш”, 5,2 фоизи “Ер ресурсларини олишда”, 3,2 фоизи “Ноль қийматда мулкка эга бўлиш”, 2,3 фоизи “Турли илғор хизматлардан фойдаланиш”, 0,2 фоизи “Экспорт-импорт

⁸⁹ Социологик анкета-сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси

операцияларидан фойдаланиш” деб жавоб беришган (2.3.6-расм).



2.3.6-расм⁹⁰. Давлат дастурлари доирасидаги имкониятлардан шахсан қайси йўналишда фойдалангансиз?

“Қишлоқ жойларда амалга оширилаётган дастурлардан фойдаланган шахсларни танийсизми ва қанча?” деган саволга респондентларнинг 53 фоизи “**ха**” ва 47 фоизи эса “**йўқ**” деб жавоб беришган.

“Қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириши бўйича давлат дастурларини амалга оширишда адолатлик таъминланганми?” деган саволга респондентларнинг 41 фоизи “**йўқ**” деб жавоб беришган бўлса, 59 фоизи эса “**ха**” деб баҳолашган.

“Қишлоқ туризмини ривожлантириши имкониятлари мавжудми?” деган саволга 49 фоиз респондентлар “**ха**”, 51 фоизи эса “**йўқ**” деб жавоб беришган. Шунингдек, “Қишлоқ жойларида туризм шаклларини ривожлантириши истиқболларини қандай баҳолайсиз?” деган саволга эса 47 фоиз респондентлар “**ўрта**”, 27 фоизи “**паст**”, 23 фоизи “**яхши**” ва 3 фоизи эса “**юқори**” деб баҳолашган.

“Қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириши бўйича тавсия ва таклифлар” деган саволга аксарият респондентлар кўпроқ аграр йўналишда деҳқончилик, чорвачилик, илғор

⁹⁰ Социологик анкета-сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси

технологиялар, лазерли нивелирлаш, томчилашиб сугориш, пакана интенсив боғлар барпо қилиш ва ҳ.к. деб жавоб беришган.

Социологик анкета-сўровнома натижаларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қишлоқ жойларида аҳолининг, айниқса тадбиркорларнинг хануз даромадли соҳа сифатида хизмат кўрсатиш тармоқларини, АКТ ва рақамли технологияларни, қайта ишлаш ва логистикани эмас, балки анъанавий тарзда деҳқончилик ва чорвачиликни даромадли деб ҳисоблашмоқда. Шунингдек, қишлоқ жойларида ҳалигача тўлақонли инфратузилма, айниқса, тадбиркорлик инфратузилмаси, йўл-коммуникациялар старлича шаклланимаганлиги ачинарли ҳолдир.

Шунингдек, таҳлилларимизга кўра қишлоқ жойларида амалга оширилаётган давлат дастурлари доирасида ҳам барча тадбиркорлар катлами қамраб олингани йўқ. Қишлоқда ҳалигача ер ва сув ресурслари, бюрократик тўсиқлар каби муаммолар мавжуд. Бундан ташқари, тадбиркорлар томонидан КБХТ ривожланишининг жорий ҳолати ҳам салбий баҳоланган ҳамда мавжуд имтиёزلардан фақатгина имтиёзли кредитдан фойдаланилган ҳолос. Шунингдек, бугунги кунда ҳукуватимиз томонидан ёшларга ва аёлларга тадбиркорлик асослари, касб-ҳунар ўргатиш бўйича, “*Ҳар бир ёшга 1 га ер*”, “*Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор*” лойиҳалари доирасидаги имтиёزلарни қишлоқ аҳолиси ўртасида кенг тарғиб қилиш лозим.

Таъкидлаш керакки, қишлоқ жойларида аҳолининг тадбиркорлик ўқув малака ва кўникмаларини ошириш, ахборот консалтинг хизматларини ривожлантириш, қишлоқда поаграр йўналишдаги КБХТ субъектларини ривожлантириш, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш турларининг минимал таснифдаги аҳоли сонига қараб меъёрий ташкил қилинадиган шаклларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, айниқса қишлоқ жойларида истиқболли бўлган қишлоқ туризмини ривожлантириш, экологик, агротуризм, этнотуризм, сафари туризми, ов туризми, спорт туризми, тиббий туризм, рекреацион туризм каби истиқболли соҳаларни ривожлантириш учун Хоразм вилояти туманларининг ўзига хос туристик ресурслари ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризм маҳалласи, туризм қишлоқларини ташкил қилиш лозим.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Бугунги кунда Ўзбекистонда КБХТ субъектларининг иктисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланишида ёки ихтисослашувида муайян даражада беқарорлик хос. Шу сабабли айрим тармоқларда юқори самарадорликни таъминлаш учун зарур бўлган КБХТ субъектларининг улуши етарли бўлмасдан, бошқа бир тармоқларда ушбу субъектлар улушининг меъёридан ортиси оқибатида рақобат даражасининг кучайиши ҳамда ўртача фойда меъёрининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Кишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг умумий кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улушида 2000–2020 йилларда камайиш, фермер, деҳқон хўжаликларидан эса ўсиш тенденцияси кузатилган.

Фикримизча, кишлоқ жойларидаги КБХТнинг асосий шакли сифатида кўпчилик фермер хўжаликларидан меҳнат расмийлаштирилмасдан норасмий меҳнатдан фойдаланиш, соҳанинг мавсумийлик хусусияти, фермерларнинг ишчи кучи сонини расмийлаштиришдан манфаатдор эмаслиги, яъни кўп солиқ тўлаши билан боғлиқ. Шу сабабли истикболда, кишлоқда энг асосий КБХТ субъекти сифатида фермер хўжаликларидан ишчи кучини расмийлаштириш жараёнларини шаффофлаштириш, солиқ юқини енгиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу эса “Темир дафтар”, “Ёшлар” ва “Аёллар” дафтарларидаги ишсиз аҳолини расмий меҳнатга жалб қилишда катта маъна бўлиб хизмат қилади.

Ҳисоб-китоблар КБХТ субъектлари сони миқдор жиҳатдан ўсишини таъминланганлигини кўрсатаётган бўлса-да, сифат жиҳатдан ўзгариш масаласи бироз очиклигича қолмоқда. 2000 йилда савдо, АКТ соҳаларида КБХТ субъектларининг яшовчанлик коэффициентини манфий кийматларга эга бўлган. 2015 йилга келиб эса савдода яшовчанлик коэффициенти ижобий ўзгаришга эришган бўлса, АКТ соҳасида ўзгариш анча беқарор бўлиб 2015–2016 йилларда кескин пасайиши кузатилган. Бевосита фаоллик даражасига тўхталадиган бўлсак, КБХТ субъектларини 2014–2019 йиллар мобайнида фаоллик даражасини соҳалар ва фаолият турлари кесимида анча барқарор ва умумий ўсиш

тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, яшовчанлик коэффициентида фаркли равишда соҳалар бўйича кўрсаткичлар динамикасидаги фаркларни унчалик даражада юкори эмаслигини ҳам кўриш мумкин.

Ҳисоб-китоблар КБХТ субъектларининг соҳа ва фаолият турлари бўйича фаоллик даражаси яшовчанлик коэффициентида фаркли равишда деярли барча йўналиш ва соҳаларда олдинги йилга нисбатан ижобий ўзагириши ва анча барқарор бўлганлиги кузатилади. Фаоллик даражасидаги асосий пасайини 2015 йилга тўғри келиб, қурилиш, савдо, ташиш ва сақлаш, саноатдан ташқари барча соҳаларда кичик даражадаги пасайини кузатишган.

Демак, кишлоқ жойларида ва хўжалигида КБХТни ривожлантириш учун барча соҳалар ва тармоқларда КБХТ субъектлар ривожини таъминлаш талаб этилади. Бу эса КБХТни давлат томонидан турли хил дастаклар билан қўллаб-қувватлаш тизимини доимий равишда такомиллантириб бориш лозимлигини кўрсатади.

Фикримизча, кишлоқларда, айниқса, чекка худудларда замонавий корхоналар, йўл-транспорт коммуникацияси, савдо-маиший, маданий-маърифий, спорт-соғломлантириш, АКТ хизматларини, бозор, тадбиркорлик, инфратузилмаси объектларини шакллантириш ёки мавжудларини модернизациялаш орқали аҳоли учун қулай яшаш шароитлари яратиш устувор вазифалардан саналади.

Хулоса қилиб айтганда, КБХТ субъектлари кишлоқ жойларида хўжалик юритишининг барча жабҳаларини қамраб олишни ҳолда анъанавий кишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқариши билан бирга маҳсулотларни қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, ноаграр йўналишдаги КБХТ фаолияти турларини (*агро туризм, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиши, таъмирлаш устaxonалари, умумий овқатланиш шохобчалари ва ҳ.к*) ривожлантирган ҳолда кишлоқ аҳолиси учун шаҳар стандартларини яратиб беришда муҳим роль ўйнайди.

III БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КБХТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ


3.1. Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида кооперация механизми асосида КБХТни барқарор ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш

Бугунги кунда жаҳонда глобаллашув, кескин рақобат жараёнлари кечаётган бир шароитда ҳамда бутун дунёни ларзага солаётган, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини издан чиқараётган COVID-19 тождор вирусининг пандемияга айланиши оқибатида жаҳон бўйлаб 2020 йилда кам таъминланганлар, камбағаллар ва ишсизлар сони кўпаймоқда, аҳоли даромадлари камаймоқда. Шу сабабли, КБХТ ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда. Чунки, бундай таҳдид ва чекловлар шароитда масофавий, ностандарт янги иш ўринларини манбаи бўлган кичик бизнес, оилавий ва кооператив тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни режалаштирилиши, амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Дарҳақиқат, “ЕИда барча компанияларнинг 99 фоизи ва иш ўринларининг 85 фоизи КБХТ улушига тўғри келади. Шунингдек, “Чехияда ҳар 100 кишига ўртача 9,4, Португалияда 7,7, Швецияда 6,7, Италияда 6,1, Испанияда 5,3, Францияда 4,4, Германияда 2,9, Россияда 2,0, АҚШда 1,3 КБХТ субъектлари тўғри келади”⁹¹

Монографик тадқиқотларимизга кўра, қишлоқ жойларидаги тадбиркорлик кўпроқ табиий иқлимий омилларга боғлиқ бўлиб, КБХТнинг ривожланиши муайян шарт-шароитлар, қишлоқ тадбиркорлиги муҳити, жумладан давлатнинг иқтисодий сиёсати, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий, техник ва технологик, сиёсий муҳитлар, демография ва урбанизацияга эътибор беришни ҳамда қишлоқ жойлари иқтисодиёти, меҳнат бозори ҳолати, қишлоқнинг

⁹¹ <https://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf>.

бозор конъюнктураси ва тадбиркорлик инфратузилмаси, худуднинг табиий шароитлари, экологик ҳолати, қишлоқнинг географик жойлашуви ва қишлоқ тадбиркори мақомига алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади ва бу қишлоқ тадбиркорлиги муҳити ҳам ўз ифодасини топади (3.1.1-расм ва 11-иловага қаранг).



3.1.1-расм. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик муҳити ва унга таъсир қилувчи омиллар⁹²

Шунингдек, республикамызда ҳам КБХТни ривожлантириш, айниқса қишлоқ жойларида тадбиркорликнинг турли аграр ва ноаграр шакллари ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги кооперативларини фаолиятини ташкил этиш ва бошқарувининг турли жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш, қишлоқ жойларида КБХТ субъектлари ўртасида янги инновацион йўналишдаги кооперация

⁹² Муаллиф ишланмаси

алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ҳозирги кунда республикамызда қишлоқ жойларида кооператив тадбиркорликни таснифлаш, ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва баҳолаш, қишлоқ хўжалиги кооперативларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш ва устувор йўналишларини аниқлаш, ривожланган давлатларда кооператив тадбиркорликни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини тадқиқ қилиш, кооперативларни ташкил қилиш ва бошқаришда самарали қўлланилаётган усул ва моделлар ёрдамида республикамызда қишлоқ жойларида кооперативларнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши таъминлаш, мониторинг қилиб бориш, уларнинг “хаётий циклини” узайтириш, кооператив тадбиркорликни ривожланиш тенденцияларини аниқлаш бўйича илмий-амалий муаммоларни ҳал қилиш ва амалий татбиқ этишга ҳақиқий зарурат туғилмоқда.

Бугунги кунда КБХТ янги иш ўринларини яратишга, асосан қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари (*кооперативлари*) тадбиркорлигини ривожлантириш билан аҳолини ўз-ўзини банд қилиш ва шу орқали камбағалликни қискартиришга, аҳоли даромадларини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги Қарорлари ва 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”да КБХТни қишлоқ жойларида кенг ривожланишига ниҳоятда катта замин яратиб келмоқда. Шу жумладан ушбу қарорда⁹³ фермер, деҳқон

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953, 02.03.2020// Манба: www.lex.uz

хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир туманда дехқончилик билан шугулланиш истагиши билдирган аҳоли рўйхатини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабгорларга тақсимлаб бериш ва кооперацияларга бириктириш асосий мақсад килиб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнесни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда бизнесга ҳамда гадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқаролар ва ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганларга сервис кўрсатувчи интерактив мобиль иловалар яратиш учун танловлар эълон қилиниб, энг яхши лойиҳаларга грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қишлоқ хўжалиги кооперацияси амалиёти Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларида кенг тарқалган эди. Бироқ иқтисодиёт трансформацияланиши ва бозор механизмларига ўтилганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги кооперативлари норентабел бўлиб қолди. Уларнинг ерлари босқичма-босқич фермер хўжалиқларига берилиб, кооперативларнинг ўзи эса қайта ташкил этила бошлади. Бошқа томондан, вақт ўтиши билан норматив база (*«Кооперация тўғрисида»*, *«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (шаркат хўжалиги) тўғрисида»*ги қонулар ва бошқалар) эскирди. Бундай ҳолат давлатнинг ушбу иқтисодий фаолият шаклини “жонлантириш” бўйича аниқ чоралар кўришига замин ярагди.

Янги қишлоқ хўжалиги бирлашмаларига ихтиёрий ва пай асосида иштирок этиш тамойилларида мустақил ва ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер, дехқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари қиради ва асосий мақсадларидан бири қишлоқ жойларида кам таъминланган оилаларни иш билан қилиндир.

Кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган кооперативлар устав фондида улуш

сифатида киритиш учун субсидия ажратиш тартиби белгиланган (31.03.2020 йилда 3163-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан аниқ мақсадларга субсидия ва грантлар ажратиш тартиби жорий этилган (31.04.2019 йилда 3163-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Айни пайтда амал қилаётган ҳужжатда қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизми тартибга солинган.

Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари (кооперативлар) — аъзолари фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари, шунингдек мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни тайёрлаш, ташини, сақлаш ва соғити бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боровчи жисмоний ва юридик шахсларни ўз ичига олган юридик шахс⁹⁴.

Кооператив тадбиркорликда бандликни таъминлаш механизми куйидагича бўлади (3.1.2-расмга қarang).

3.1.2-расмга кўра, бир нечта оила иштирокида қишлоқ хўжалиги бирлашмасини ташкил этмоқчи бўлган муассис ҳудудий Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига (АБКМ) ҳар бир оиллага субсидия олиш учун ёзма ариза беради. Аризага куйидагилар илова қилинади:

- оила бошлиқларининг Ф.И.О. кўрсатилган рўйхат;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун муассис ва оилалар ўртасида тузилган пудрат шартномаларининг кўчирма нусхалари.

АБКМнинг масъул ходими берилган аризани 5 иш куни ичида кўриб чиқади. Бунда оиланинг кам таъминланганлиги далили албатта ҳисобга олинади. Масъул ходим аризани ўрганиш натижалари бўйича АБКМ раҳбарига ўз таклифини йўллайди, у 2 кун ичида субсидия ажратиш тўғрисида буйруқ чиқариб, уни почта орқали муассисга юборади. Буйруқда субсидия олувчилар ва унинг суммаси кўрсатилади.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 110, кк-5, 68-сонли Қарорига илова Низоми/Манба: www.lex.uz

Туман ҳокимлиги ишсизлар сони кўпроқ бўлган қишлоқлар (аҳоли пунктга яқин 7 жойдан заҳирадаги, оборотдан чиққан, лалмиҳор ерлардан *ўртача 15 гектар*) ажратади.

Ҳар қиллиги бўлиб 11 қилли (10 қилли) номзадлар асосида 20 оиладан 9 111 оила 15 гектар ерларга 1000 000 сомондан қарз олинади. Шунингдек, қиллининг сони кўпроқ бўлган қишлоқларда, заҳирададан тақдир қилинган ерлардан аҳоли пунктга яқин 7 жойдан заҳирада ажратилади.

Кооперативга - ишсиз, камбағал оиланинг аъзолари, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар (*ўртача 50 киши*) бирлаштиради. Номзадлар сектори раҳбари, меҳнат органи ва маҳалла тавсияномаси бўйича танлаб олинади.

Кооператив ерлари аҳоли пунктларидан яқинда камбағал оилаларнинг 4 оила қиллининг қисмига ажратилган ерларга ажратилади. Шаҳномага оид бошқа қилли, хўжалиқ, меҳнат қилли ва ерларни ва ушбу белгиланган қиллиларда қиллининг қилли қиллининг қилли.

Кооператив ушбу фонди ушбу эҳсон қиллининг ва бошқа аъзолари маблағлари ҳисобга қилинади. Кооперативнинг 50 гектар эҳсондан ушбу бағаллиқ эҳсоннинг давлат қиллидан эҳсоннинг субсидия ҳисобига (ҳар бир оила ушбу 10 баравари 2,2 миллион, яъни 111,5 млн сомон қилли қилли).

Кооперативга фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорка ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан (*йиллик 15%*) тижорат банкларига йўналтирилган ресурстан кредит маблағлари ажратилади.

3.1.2-расм. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг кооперация механизми⁹⁵

Буйруқни олган муассис қишлоқ хўжалиги бирлашмасини ташкил этиб, сўнг АБКМга бирлашма устави ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаларини тақдим этади. АБКМ устав фондига улуш сифатида киритиш учун 2 иш кун ичида бирлашма ҳисоб рақамига 10 БХМ (базавий иш ҳақи миқдори) ўтказиб, бу ҳақда бирлашма раисини (муассисни) ёзма равишда хабардор қилади. Субсидия бир марталик бўлиб, битта оиллага фақат бир марта ажратилади.

⁹⁵ Муаллиф ишланмаси

2019–2020 йилларда тажриба-синов тариқасида мева-сабзавот махсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Зомин туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Ургут туманларида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Кува туманларида, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Паркент туманларида ана шундай бирлашмалар ташкил этилади⁹⁶.

Тажриба-синов якунларига кўра, 2020 йил 1 декабрга қадар ушбу кооперативлар институтини республиканинг бошқа ҳудудларида оммалаш-тиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритилган бўлиб, барча вилоятларда, шу жумладан Хоразм вилоятида ҳам қарор ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш ва уларнинг аъзоларига субсидия ажратиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2020 йилда Хоразм вилоятида 12 та туманлар кесимида Дастур доирасида 36 та кооперативлар ташкил этилиши ва 4014 млн. сўм субсидия, 540 га ер майдонлари ажратилиб, 1800 та бирлашма аъзолари, ишсиз камбағал ёшларни, оилаларни бандлиги таъминланди (3.1.1-3.1.2-жадвалларга қarang).

3.1.1-жадвал

Хоразм вилояти бўйича дастур бўйича ташкил этилиши кўзда тутилган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг айрим кўрсаткичлари⁹⁷

№	Туман (шаҳар) номи	2020 йилда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги бирлашма (кооператив)лари			
		Кооператив сони	Ажратиладиган ер майдони, (га)	Аъзолар (оила) сони	Субсидия миқдори (млн.сўм)
1	Урганч ш.	-	-	-	-
2	Хива ш.	-	-	-	-
3	Боғот	4	60,0	200	446,0
4	Гурлан	4	60,0	200	446,0

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4239 сонли Қарори. 14 март, 2019 йил//Манба: www.lex.uz

⁹⁷ Хоразм вилояти статистика ва меҳнат бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

5	Кўшкўли Р.	4	60,0	200	446,0
6	Урганч т.	2	30,0	100	223,0
7	Хива т.	4	60,0	200	446,0
8	Хазорасп	4	60,0	200	446,0
9	Хонқа	2	30,0	100	223,0
10	Шовот	4	60,0	200	446,0
11	Янгиариқ	4	60,0	200	446,0
12	Янгибозор	4	60,0	200	446,0
	ЖАМИ:	36	540,0	1800	4014

3.1.2-жадвал

**Хоразм вилояти бўйича амалда ташкил этилган кишлоқ
хўжалиги бирлашма (кооператив)ларида бандлар
динамикаси⁹⁸**

№	Туман (шаҳар) номи	2020 йилда кишлоқ хўжалиги бирлашма (кооператив)ларини ташкил этиш				
		Коопера- тив сони	Аъзолар (онла) сони	Шундан, бандлиги таъмин- ланган ёшлар сони, (<i>мифр</i>)	Ажра- тилган ер май- дони, (<i>га</i>)	Шундан, ёшларга ажратил- ган ер майdonи, (<i>га</i>)
1	Урганч ш.	-	-	-	-	-
2	Хива ш.	-	-	-	-	-
3	Богот	4	200	328	60,0	60,0
4	Гурлан	4	112	151	22,4	48,4
5	Кўшкўлир	4	185	137	63,4	47,6
6	Урганч т.	2	50	150	33,4	33,4
7	Хива т.	4	199	187	68,3	60,5
8	Хазорасп	4	76	209	104,0	84,0
9	Хонқа	2	100	93	70,5	70,5
10	Шовот	4	170	155	148,5	122,4
11	Янгиариқ	4	59	127	14,6	34,3
12	Янгибозор	4	286	173	57,2	34,6
	ЖАМИ:	36	1437	1710	642,3	595,7

3.1.2-жадвалдан кўринадики, Хоразм вилояти бўйича кишлоқ хўжалиги бирлашма (кооператив)ларини ташкил этиш ва уларнинг аъзоларига субсидия ажратиш бўйича дастур ижросида

⁹⁸ Хоразм вилояти статистика ва меҳнат божкармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

ташкил этилиши режалаштирилган кооперативлар 36 тани ташкил қилиб, режа тўлиқ бажарилган.

Аъзолар сони эса режада 1800 та оила, амалда 1437 та оилани ташкил қилган. Аммо иш билан таъминланган ёшлар сони 1710 тани ташкил қилган бўлиб, ҳозирги кунгача ушбу дастур бўйича 3434,1 млн.сўм миқдоридан субсидиялар ажратилган.

Хоразм вилоятида 2020 йил июнь ойигача қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш бўйича жами амалга оширилган ишларни қуйидаги 3.1.3-жадвалда кўриб ўтишимиз мумкин.

3.1.3-жадвал

Хоразм вилояти бўйича қишлоқ хўжалиги бирлашма (кооператив)ларини ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар⁹⁹

№	Туман (шаҳар) номи	2020 йил 6 ойда				
		Жами ташкил этилган кооператив сони	Жами аъзолар (оила) сони	Шундан, жами бандлиги таъминланган ёшлар сони, (нафар)	Жами ажратилган ер майдони, (га)	Шундан, жами ёшларга ажратилган ер майдони, (га)
1	Урганч ш.	-	-	-	-	-
2	Хива ш.	-	-	-	-	-
3	Богот	4	328	328	454,0	251,1
4	Гурлан	5	288	151	157,3	48,4
5	Кўшкўпир	4	185	137	63,4	47,6
6	Урганч т.	3	50	150	51,0	51,0
7	Хива т.	4	199	187	68,3	60,5
8	Хазорасп	6	156	241	291,1	87,3
9	Хонка	2	100	93	70,5	70,5
10	Шоноғ	4	170	155	148,5	122,4
11	Янгиерик	4	186	127	83,9	34,3
12	Янгибозор	6	286	173	93,4	34,6
	ЖАМИ:	42	1948	1742	1481,4	807,7

3.1.3-жадвалдан Хоразм вилояти бўйича қишлоқ хўжалиги бирлашма (кооператив)ларини ташкил этиш бўйича жами 1948 нафар аъзолардан 1742 нафар ёшлар иш билан таъминланган

⁹⁹ Хоразм вилояти статистика ва меҳнат бозорлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

хамда 1481,4 га ер майдони ажратилиб, жами 42 та кооперативлар ташкил этилганини кўриш мумкин.

Янгидан ташкил этилаётган кооперативларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз тамонидан ниҳоятда катта енгилликлар, имтиёзлар ва имкониятлар берилмоқда. Ихтисосланган кишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари кишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва уларни кейинчалик алмаштириш тўғрисидаги қарорни мустақил равишда қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кўчат ва сертификатланган уруғлар, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоииз харажатлари қисман қопланади.

Ушбу механизм мева-сабзавотчилик соҳасида қўшимча қиймат занжирини яратиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Нидерландия, Норвегия, Дания, Швеция, Финляндия ва Япония каби бир қатор ривожланган давлатларда ушбу тизим кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни тўлиқ бирлаштирган. Франция ва Германияда 86 фоииз, Хитойда 2 миллионга яқин бирлашма рўйхатга олинган ва фермерларнинг 47 фоиизи ушбу бирлашмаларга аъзо бўлган. Қозоғистонда 2,8 мингта ва Қирғизистонда 442 та кишлоқ хўжалиги бирлашмаси мавжуд.

Бу соҳада хорижий ва қўшни мамлакатларни тажрибаси ўрганиш ва мамлакатимизда кишлоқ хўжалиги кооперативларни ривожлантириш учун қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун кишлоқ хўжалиги кооперативларини бошқа давлатларда ўрни, алоҳида хусусиятлари ҳамда таърифларини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳимдир.

Японияда кишлоқ хўжалиги кластерлари ўз алоҳида хусусияти ва тизими билан бошқа давлатлардан фарқ қилади.

Кишлоқ хўжалиги кооперацияси – кўп функцияли иқтисодий ва ижтимоий институтдир. У кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сотиш нуктаи назаридан бирлашади ва фақат кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб

чиқарувчиларга эмас, балки бошқа маҳаллий аҳолига ҳам зарур хизматлар кўрсатади.

Японияда замонавий қишлоқ хўжалиги кооперацияси 1947 йилда яратилган бўлиб, бир неча ўн йиллар давомида фермерлар томонида яратилган маҳсулотлар сотиш соҳасида, фермерлар учун керакли бўлган ишлаб чиқариш воситаларини сўказиб бериш соҳасида мутлак монопол бўлиб, давлат агенти сифатида фаолият олиб борган.

Деярли барча деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги кооперативларининг бирламчи аъзолари ҳисобланганлар. Бундай кооперативлар комплекс кооперативлари (**сого ноқё**) деб номланиб, бошқа давлатлардаги аналог ташкилотлардан фаркли равишда, кўп функцияли ҳисобланадилар яъни савдони таъминлаш, ссудалар бериш, суғурта операцияларини амалга ошириш, энг сўнги замонавий техника ва технологиялардан жамоавий фойдаланишни ташкиллаштириш, ўз аъзоларига учун шартнома ишларини амалга ошириш, фермерлар билан қайта ишловчи корхоналар ўртасида шартномалар тузиш, ўз аъзоларининг ишончли вакили сифатида улар номидан иш кўриш, ўз аъзоларига консултациялар бериб бориш, маданий-маиший ва медицина хизматларини кўрсатишни ўз ичига олган.

Россияда қишлоқ хўжалиги кооперативлари алоҳида хусусияларга ва механизмга эгадир. Россия Федерациясининг 1995 йил декабр ойида қишлоқ хўжалигининг кооператив фаолиятини тартибга солувчи ФҚ-193 сонли "Қишлоқ хўжалиги кооперацияси тўғрисида"ги Федерал қонунини қабул қилиниши Аграсаноат мажмуасида кооператив ҳаракатнинг янги босқичини бошлаб берди¹⁰⁰.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативлари – бу ўз аъзоларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ижтимоий ва меҳнат фаолияти юритиш шаклидир. Бунда қишлоқ аҳолисининг катта қисми иш билан банд бўлади. Кооперативлар қишлоқ жойларидаги ижтимоий объектларни сақлаб тургани

¹⁰⁰ Минаков, П.А. Пути развития сельских территорий [Текст] /П.А. Минаков //Достижения науки и техники АПК -2008.-№ 2. С. 22-24.

ҳолда ўз аъзоларини ва ёрдамчи хўжаликларни транспорт, ёкилиги, озука ва бошқа зарур ресурслар билан таъминлайдилар ¹⁰¹.

Монографик таҳлилларимизга кўра, дунё бўйича кооперативларнинг фаолияти бир қатор фундаментал тамойилларга асосланади, хусусан:

- ихтиёрийлик ва очик аъзолик, демократик назорат;
- кооператив аъзоларининг иктисодий иштироки;
- автономия ва мустақиллик;
- таълим, ўқитиш ва маълумотлар билан таъминлаш;
- кооперативлар ўртасида кооперация ва жамият учун

гамхўрлик.

Ўзбекистонда кооператив тадбиркорликнинг бир кўриниши сифатида қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган ¹⁰² :

– мева-сабзавот маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларини маркетинг таҳлил қилиш;

– қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари билан контрактация шартномаларини тузиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан турлари ва навлари бўйича ишлаб чиқариш юзасидан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, шу жумладан маҳсулот сақлаш омборларини биргаликда ижарага олиш ва қайтариб бериш асосида хом ашёни қайта ишлаш йўли билан биргаликда фойдаланишни ташкил этиш;

– шартнома асосида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёкилиги-мойлаш материаллари, ўғит, уруғлар, кўчат ва экинлар, шунингдек, кимёвий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

¹⁰¹ Ушбу жойда қаранг.

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ИК-4239 сонли Қарори. 14 март, 2019 йил//Манба: www.lex.uz

– контракция ёки воситачилик шартномалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотини ташкиллаштириш;

– жаҳон стандартларига мос мева-сабзавот маҳсулотларининг кафолатланган бозорини таъминлаш мақсадида кишлоқ хўжалиги бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш учун экспортёрларни жалб этиш;

– кишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларига агротехника, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари шуки, кишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий деҳқон хўжаликлари сақланиб қолмоқда ва фермер хўжалиги кооперативлари тизимини қамраб олган ҳолда, унинг улуши барча кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 30-85 %гача ташкил қилиб келмоқда.

Ривожланган мамлакатларда кооперативларнинг сони фермерлар сонидан анча кўп. Чунки, одатда фермер бир вақтнинг ўзида 2-3 та, баъзи ҳолларда эса 4-5 та кооперативларга аъзо бўлади. АҚШ кишлоқ хўжалиги департаментининг маълумотларига кўра, ҳар 5 та товар фирмасининг эгасидан 4 таси фермерлар кооперативлари хизматидан фойдаланади¹⁰³.

АҚШдаги "Heartland" кооперативининг тажрибаси диққатга сазовор. Мазкур кооператив фермерларни минерал ўғит, захарли кимёвий воситалар, уруғлик билан таъминлайди. Кооперативнинг захарли кимёвий воситаларни тўғридан-тўғри олиш бўйича Европадаги кимё заводлар билан шартномаси мавжуд. Шунингдек, кооператив фермерлар буюртмасига кўра, ўсимликларига кимёвий ишлов бериш хизматини ҳам кўрсатади. Кооператив фермернинг буюртмасига биноан минерал ўғитларни соф ёки аралаштирилган ҳолда фермернинг даласига етказиб беради¹⁰⁴.

¹⁰³ Маматқулов Б., Бонбасқов Б. Бирни кўриб фикр қил. //Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. - Тошкент, 2006, №3 8-бет.

¹⁰⁴ Ўша жойда: қаранг

Германияда барча кишлок хўжалик кооперативлари мамлакатдаги энг йирик кооператив бирлашма "Немис Райффайзен иттифоки" таркибига киради. Фермер хўжаликларини кредитлаш, уларни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, турли хил хизматлар кўрсатиш, махсу-лотларни тайёрлаш, сотиш ва қайта ишлашда кооперативлар муҳим роль ўйнайди. Кооперативларни тузиш ва уларни ривожлантиришни давлат қўллаб-қувватлайди¹⁰⁵.

Германия кооперативлари немис ўрта корхоналарининг аграр сектордаги табиий периклари бўлиб, биргаликдаги кооператив корхона юритиш орқали ўз аъзолари хўжаликлари ва иктисодий фаолиятига кўмаклашиш мақсадини кўзлайди. Кооперативнинг асосий вазифаси тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу соҳасида хўжалик ютуқларига эришиш, кооператив аъзолари ривожланишига кўмаклашиш, шунингдек ўз хўжаликлари манфаатларини аъзоларга ёрдам кўрсата олиш имкониятини узок вақтга сақлаб қолиш мақсадида ҳимоялашдир¹⁰⁶.

Аргентина иктисодиётида айниқса сут йўналишидаги чорвачилик кооператив хўжаликлари катта аҳамият касб этади. Улар ичида I ва II поғона кооперативлари фарқланади. Қўллаб майда ва ўрта хўжаликларни бирлаштирувчи I поғона кооперативлари сут махсулоти етиштириш билан шуғулланади. Провинциялар доирасида кооперативлар уюшмасини ўзида намоён этувчи II поғона кооперативлари I поғона кооперативлари етиштирган махсулотни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланади¹⁰⁷.

МДХлик олим О.Абрамовичнинг фикрича, кишлок хўжалик кооперативи – бу кишлок хўжалигининг ривожланиши ва самарали ишлашига ёрдам берадиган асосий элементлардан бири бўлиб, бутун дунё бўйлаб ишлаб чиқарувчиларга ўзгарувчан иктисодий шароитларга муваффақиятли мослашиш имконини

¹⁰⁵ Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация. Учеб.пособие. издательско-торговая корпорация«Дашков и Ко». Москва-2005, стр.-273-279.

¹⁰⁶ Ўша жойда: каранг

¹⁰⁷ Органшходжаева Ш.Ж. Кишлоқ жойларида кооперацияни ташкил қилишнинг маркетинг стратегияси. – Тошкент. «Фан» нашриёти, 2006.30-31 б.

берадиган ишлаб чиқаришнинг ташкилий шаклларида биридир¹⁰⁸.

Юкоридаги ўтказган монографик тадқиқотларимиздан келиб чиққан ҳолда фикримизча, қишлоқ хўжалиги кооперативларига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: **Қишлоқ хўжалиги кооперативлари ёки кооператив тадбиркорлик** – бу қишлоқ жойларидаги камбағал оилаларни ва ёшларни ўзига аъзо сифатида бирлаштирувчи, уларни даромадларини ва бандлигини таъминлашга йўналтирилган давлат томонидан субсидия ажратиладиган, ўз мулки, техника ва технологиялари, айланма маблағларига эга мулкдор раҳбарлигида ташкил қилинадиган ишлаб чиқаришнинг ташкилий шаклларида биридир.

Қишлоқ жойларида кооператив тадбиркорликни, яъни қишлоқ хўжалик (бирлашмалари) кооперативларини илмий асосда шакллантириш тизими замон талабига жавоб бера оладиган хўжалик юритишнинг янгича шаклларига ўтишни, балки комплекс агрохизмат кўрсатишни таъминлаш имконини беради.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигида кооперативлар тизимини шакллантиришга бундай ёндашув қуйидаги вазифаларни ҳал этишни кўзда тутади:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кооператив тадбиркорликни асослашни;
- кооператив тадбиркорлик шакллари ташкил этиш ва амалга ошириш тамойилларини ишлаб чиқишни;
- кооперативлар тузишга талаб катта бўлган жойларда кооперативлар ва хизмат кўрсатиш доираларини ташкил этиш йўналишларини белгилашни;
- ҳудудий кооператив хўжалик ва бопқаларнинг ўзаро муносабатлари тузилмасини ишлаб чиқишни.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги кооперативларини шакллантиришда хориж тажрибасининг ўрни бекиёсдир. Хусусан, АКШдаги "Heartland" кооперативининг фермерлар ва инфратузилма шохобчалари ўртасидаги ўрнатилган алоқалари

¹⁰⁸ Абрамович Олга Валентиновна "Использование зарубежного опыта сельскохозяйственной кооперации с целью повышения эффективности аграрного сектора России" Автореферат, Москва 2007 г.

аҳамиятлидир. Бундан ташқари Европа мамлакатларида ривожланган кооператив тадбиркорлик муносабатларини тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имконияти юқори бўлиб, келажакда қишлоқ жойларида кооператив тадбиркорлик самарали ташкил қилишда аҳамияти каттадир.

3.2. Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида ноаграр йўналишдаги тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари ва механизмлари

Бугунги кунда қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантиришда нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирма, ўрмон ва балиқ хўжаликларини, балки қишлоқ жойларида тадбиркорликни амалга оширувчи яққа ва оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, тикувчилик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳам жуда зарур бўлиб бормоқда. Чунки, қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш, уларни даромадларини ошириш, сифатли хизмат кўрсатиш, қишлоққа кичик саноатни олиб кириб КБХТни улушини орттириш орқали ушбу ҳудудларни янада ривожлантириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуратимиз томонидан ҳудудларда КБХТни янада ривожлантириш мақсадида қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилиниб, ушбу соҳани кенг ривожланишига имкониятлар яратилиб келинаётгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги *“Хунармандчиликни янада ривожлантириши ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-5242-сонли, 2018 йил 27 июндаги *“Ёшлар келажакимиз”* Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон Фармошлари, 2018 йил 26 апрелдаги *“Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ-3680-сонли, 2018 йил 7 июндаги *“Ҳар бир оила – тадбиркор”* Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон ва 2018 йил 14 июлдаги *“Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириши*

ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сонли қарорлари асосида оилаларнинг ҳоҳиш ва истаклари, тадбиркорлик субъектлари ва ёшларнинг лойиҳалари, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун старли шароитлари мавжудлиги чуқур ўрганилиб, ҳар бир оила ва тадбиркорлик субъектларининг таклиф этаётган лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиб келинмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231 сонли Қарорида худудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, **“бир маҳалла – бир маҳсулот”** тамойили асосида ҳар бир маҳаллани аниқ бир йўналишга ихтисослантириш, имтиёзли кредитларни мавжуд шароит ва оилаларнинг ҳоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда ажратилишига эътибор қарагини ҳамда кишлоқ ва маҳаллаларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бўлиб турган ер майдонларини кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида 2 йил муддатда ушбу ер майдонларини ҳақиқий даромад манбаига айлантириш шарти билан донмий ёки узок муддатга ижарага бериш, шаҳар ва туманлар марказларида фойдаланилмасдан турган биноларни КБХТ субъектларига уларла ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш шарти билан донмий ёки узок муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш вазифалари юклатилган бўлиб, КБХТ субъектларига давлатимиз томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мамлакатимиз худудларида, айниқса, кишлоқ жойларида ривожланишига катта замин яратади.

Монографик тадқиқотларимиз давомида Хоразм вилоятининг 519 та маҳалла фуқаролар йиғин (МФЙ)ларида ўрганишлар, сўровлар, интервьүүлار ўтказилиб, шаҳар ва туманлариши жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича **“ўсиш нуқталари”** ёки драйверлари аниқланди (3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвалга кўра, Урганч шаҳрида *тўқимачилик ва туризм*, Хива шаҳрида *туризм ва қуришни материаллари ишлаб чиқариш*, Богот ва Гурлан туманларида *тўқимачилик ва иссиқхона*

хўжалиги, Тупроққалъа туманида *электротехника, машинасозлик ва иссиқхона хўжалиги*, Урганч туманида *қурилиш материаллари ва сутни қайта ишлаш*, Хазораспда *тўқимачилик ва паррандачилик*, Хива туманида *қурилиш материаллари ва балиқчилик*, Хонқада *ун-ёғ маҳсулотлари ва ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариши*, Кўшкўпирда *қурилиш материаллари, тўқимачилик ва паррандачилик*, Янгиариқда *тўқимачилик, туризм ва иссиқхона хўжалиги*, Янгибозорда *мева-сабзавотни қайта ишлаш ва иссиқхона хўжалиги*, Шовотда *тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги “ўсиш нуқталари”* ҳисобланади.

3.2.1-жадвал

Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлаштириш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича “ўсиш нуқталари” (драйверлари) ¹⁰⁹

	Худуд номи	Туман (шаҳар)ларнинг “ўсиш нуқталари”
1.	Урганч ш.	<i>Тўқимачилик ва туризм</i>
2.	Хива ш.	<i>Туризм ва қурилиш материаллари</i>
3.	Богот	<i>Иссиқхона хўжалиги ва тўқимачилик</i>
4.	Гурлан	<i>Тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги</i>
5.	Тупроққалъа	<i>Машинасозлик, электротехника ва иссиқхона хўжалиги</i>
6.	Урганч т.	<i>Қурилиш материаллари ва сутни қайта ишлаш</i>
7.	Хазорасп	<i>Тўқимачилик ва паррандачилик</i>
8.	Хива т.	<i>Қурилиш материаллари ва балиқчилик</i>
9.	Хонқа	<i>Ун-ёғ маҳсулотлари ва қурилиш материаллари</i>
10.	Кўшкўпир	<i>Қурилиш материаллари, тўқимачилик ва паррандачилик</i>
11.	Янгиариқ	<i>Тўқимачилик, туризм ва иссиқхона хўжалиги</i>
12.	Янгибозор	<i>Мева-сабзавотни қайта ишлаш ва иссиқхона хўжалиги</i>
13.	Шовот	<i>Тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги</i>

Шунингдек, вилоятнинг деярли кўпчилики худудларига хос бўлган умумий драйверлар **тўқимачилик 6 та туман ва шаҳарда** (*Урганч ш., Богот, Гурлан, Хазорасп, Кўшкўпир, Янгиариқ,*

¹⁰⁹ Муаллиф илланмаси

Шовот туманлари), **иссиқхона хўжалиги 6 та туманда** (*Шовот, Янгибозор, Тупроққалъа, Богот Гурлан, Янгиариқ*), **қурилиш материаллари 4 та ҳудудда** (*Хива ш., Урганч, Хива, Қўшқўпир туманлари*), **паррандачилик 2та ҳудудда** (*Хазорасп ва Қўшқўпир туманлари*), **озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш 3 та ҳудудда** (*Урганч, Хонқа ва Янгибозор туманлари*) ижтимоий-иқтисодий ривожланишва аҳолини камбағалликдан чиқариш драйверлари ҳисобланади. Юқоридаги келтирилган “ўсиш нуқталари”ни вилоятимизнинг туман ва шаҳарларининг МФЙлари кесимида асосан 11 та устувор драйверларга ажратилди (3.2.2-жадвалга қarang).

3.2.2-жадвалга кўра, Хоразм вилоятида 246 та МФЙнинг “ўсиш нуқталари” қорамолчилик, 221 та МФЙники паррандачилик, 71 та МФЙда томорқада маҳсулот етиштирили, яъни томорқачилик, 61 тасида кичик ишлаб чиқаришларни ташиқил қилиш 56 тасида ихчам иссиқхоналарни ривожлантириши, 55 тасида ҳунармандчиликни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, 32 тасида асаларичилик, 27 тасида қуёнчилик ва 11 тасида айнан, туризмни, шу жумладан, тарихий-маданий, экологик, археологик, сафари, этнографик, ов, спорт, тиббий, агро, қишлоқ туризми каби турларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

3.2.2-жадвал

Хоразм вилоятидаги маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари, драйверлари”

Т/р	Маҳаллалар ўсиш нуқталари	МФЙлар сопи	Туман ва шаҳарлар
1.	Қорамолчиликни ривожлантириш	246 та	<i>Барча туманлар</i>
2.	Паррандачиликни ривожлантириш	221 та	<i>Барча туманлар</i>
3.	Асаларичиликни ривожлантириш	32 та	<i>Богот, Янгибозор, Хазорасп туманлари</i>
4.	Қуёнчиликни ривожлантириш	27 та	<i>Хазорасп, Гурлан, Урганч туманлари</i>
5.	Томорқачилик	71 та	<i>Барча туман ва шаҳарлар</i>

6.	Богдорчиликни ривожлантириш	40 та	<i>Янгибозор, Богот, Хива, Урганч туманлари</i>
7.	Ихчам иссиқхоналарни ривожлантириш	56 та	<i>Богот, Урганч, Шовот, Хива туманлари</i>
8.	Хунармандчиликни ривожлантириш	55 та	<i>Хива ш., Хива, Хонқа, Янгиариқ, Хазорасп туманлари</i>
9.	Кичик ишлаб чиқаришни ташкил этиш	63 та	<i>Урганч ш., Хива ш., Урганч, Хазорасп, Богот туманлари</i>
10.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш	55 та	<i>Барча туман ва шаҳарлар</i>
11.	Туризм хизматларини ривожлантириш	11 та	<i>Хива ш., Хива, Богот, Шовот, Янгиариқ туманлари</i>

Биз ўтказган тадқиқотларимиз давомида Хоразм вилоятининг туман ва шаҳарларида, айниқса, Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида МФЙлари қисмида аҳоли турмуш фаровонлигини ва меҳнатда бандлигини ошириш, аҳолини камбағалликдан чиқариш учун даромад манбаларини топиш ва асослаб бериш мақсадида ноаграр йўналишдаги КБХТ субъектларини ташкил қилиш учун маҳаллабай қисмда хатловларни ўтказиб, қуйидаги натижаларга эга бўлдик (3.2.3-жадвалга қarang).

3.2.3-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ жойларида МФЙлари қисмида ноаграр йўналишдаги КБХТ субъектларини ташкил қилиш учун маҳаллабай қисмда ўтказилган хатловнинг умумий йиғма натижалари¹¹⁰

	Хизмат тури номи	Меъёр	Вилоят бўйича аҳолиси 01.01.2020 йил 1 866 729 киши		
			Талаб	Мавжуд	Фарқи (+),(-)
1	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари				
1.1	Пайнет ва интернет хизмати	5000	373	531	158
1.2	Реклама хизмати	15000	124	31	-93

¹¹⁰ Муаллиф таълими

2	Молиявий ва ҳуқуқий хизматлар				
2.1	Нотариус хизмати	15000	124	43	-81
2.2	Сугурта ва банк хизмати	20000	93	107	14
2.3	Бухгалтерия хизмати	10000	187	44	-142
2.4	Лизинг хизматлари	35000	53	6	-47
2.5	Аудиторлик хизматлари	20000	93	7	-86
3	Транспорт хизмати				
3.1	Транспорт хизмати	6000	311	256	-55
3.2	Автотураргоҳ	10000	187	41	-145
3.3	Туманлараро ва вилоятлараро жамоат транспорти хизмати	15000	124	57	-68
4	Яшаш ва овқатланиш хизматлари				
4.1	Меҳмонхона хизмати	30000	62	109	47
4.2	Туризм хизмати	30000	62	22	-40
4.3	Буюртмалар асосида хизмат кўрсатиш (маҳсулотларни етказиб бериш, чипта буюртириш, меҳмонхона банд қилиш, транспорт чақиртириш ва ҳ.к.)	25000	75	220	145
5	Савдо хизмати				
5.1	Озиқ-овқат ва поозик-овқат дўкони	1000	1867	4217	2350
5.2	Дорихона	1500	1244	559	-686
5.3	Қурилиш материаллари сотиш дўкони	5000	373	405	32
5.4	Минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материалларини сотиш шохобчаси	10000	187	193	7
5.5	Савдо ва умумий овқатланиш хизмати	5000	373	717	344
5.6	Супермаркет	150000	12	38	26
6	Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган ва меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар				
6.1	Кўчар ва кўчмас мулкларни баҳолаш хизмати	40000	47	20	-27
6.2	Қурилиш хизматлари кўрсатадиган сервис компаниялари	10000	187	81	-105
7	Таълим ва маданият соҳасидаги хизматлар				

7.1	Таълим ва мусика мактаблари	15000	124	361	237
7.2	Болалар боғчаси хизмати	3000	622	463	-159
7.3	Ёшлар учун турли хил замонавий ва маънавий билимларни берип марказлари	10000	187	47	-140
7.4	Хорижий тил ўргатиш маркази	8000	233	76	-157
7.5	Маданий ҳордик чиқариш жойлари (театр, концерт заллари ва парклар)	20000	93	57	-36
7.6	Ҳайвонот боғи	150000	12	1	-11
8	Соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги хизматлар				
8.1	Соғлиқни сақлаш хизмати	7000	267	243	-24
8.2	Спорт ва соғломлаштириш маркази	15000	124	77	-47
8.3	Санатория хизмати	80000	23	5	-19
8.4	Сунъий қопламали футбол ва бошқа спорт майдончалари	5000	373	157	-216
8.5	Ветеринария хизмати	3000	622	114	-508
9	Ижара ва прокат хизматлари				
9.1	Тўй ва ҳашамларга буюмларни ижарага бериш хизматлари, тўйхоналар	10000	187	268	81
9.2	Келинлик либосларини ижарага бериш хизмати	5000	373	270	-103
9.3	Автомобиль, велосипедларни ижарага бериш	5000	373	450	77
10	Маиший ва компьютер хизматлари				
10.1	Телевизор ва радиоларни тузатиш устaxonаси	3000	622	169	-453
10.2	Мебелларни таъмирлаш хизмати	10000	187	227	41
10.3	Маиший техникаларни (совутич, компьютер, электр жиҳозлари ва ҳ.к.) таъмирлаш хизмати	5000	373	199	-174
10.4	Нусха кўчирини (ксерокопия) хизмати	1000	1867	733	-1133
10.5	Соатсозлик устaxonаси	10000	187	61	-125
10.6	Коммунал хизматлар (электр,	5000	373	63	-310

	газ ва ичимлик суви билан тامينлаш)				
10.7	Тикувчилик ательеси	3000	622	663	41
10.8	Сартарошхона	2000	933	665	-268
10.9	Расмга гушириш ва ишлаш хизмати	4000	467	189	-278
10.10	Пойабзал таъмирлаш устахонаси	2000	933	292	-642
10.11	Ҳаммом	3000	622	59	-563
10.12	Кимёвий тозалаш хизмати	8000	233	27	-206
10.13	Пуллик жамоат ҳожатхонаси	5000	373	31	-342
10.14	Автомобилларни ва кишлок хўжалиги техникасини таъмирлаш хизмати	1500	1244	648	-597
10.15	Диний маросим хизматлари	3000	622	742	120
	ЖАМИ: 50	X	19436	15067	-4566

3.2.3-жадвалга кўра, биз ҳар бир МФЙ, кишлок жойларида аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган минимал меъёрлар бўйича бўлиши керак бўлган ноаграр йўналишдаги хизматларни ташкил қилиш бўйича 50 та йўналишда фаолият турлари, ҳудудда бўлиши керак бўлган назарий жиҳатдан меъёр бўйича хизмат тури объекти ҳамда амалда мавжуд хизмат кўрсатувчи объектлар сони ҳамда ташкил қилиниши зарур бўлган хизмат кўрсатувчи объектлар сони ҳисобланди.

3.2.3-жадвалдан кўринадики, Хоразм вилояти кишлок жойларида бугунги кунда **686** та дорихона, **310** та коммунал хизмат кўрсатиш шохобчаси, **268** та сартарошхона, **278** та фотостудия, **642** та пойабзал устахонаси, **125** та соатсозлик, **43** та телерадиоускуналар устахонаси, **1133** та нусха кўчириш шохобчалари, **24** та соғлиқни сақлаш хизмати, **55** та транспорт хизмати кўрсатувчи корхона, **206** та кимёвий тозалаш хизмати, **508** та ветеринария, **563** та ҳаммом, **103** та келин либослари ижараси шохобчаси, **342** та жамоат ҳожатхоналари, **157** та тил ўргатиш марказлари, **216** та сунъий қопламали минифутбол майдончалари, **105** та қурилиш сервис корхоналари, **597** та автомобиль ва кишлок хўжалик техникаси таъмирлаш устахоналари, **81** та нотариус хизмати, **47** та спорт соғломлаштириш марказлари, **145** та автотураргоҳлар, **36** та маданий ҳордик

чиқариш жойлари, 27 та кўчар ва кўчмас мулкни баҳолаш хизмати, 142 та бухгалтерлик хизмати шохобчалари, 93 та реклама, 159 та МТМлар, 19 та санатория хизматлари, 40 та турагентликлар, 174 та маиший техникаларни таъмирлаш устахоналари, 140 та ёшлар учун маънавийат масканлари, 47 та лизинг хизматлари, 86 та аудиторлик хизматлари кўрсатини корхоналари ва вилоят МФЙлари бўйича жами 4566 та субъектлар етишмайди.

Агар биз ана шу 4566 та етишмаётган хизмат турларини кишлоқ жойларида йўлга қўйиб тапқил этадиган бўлсак, ҳар бир корхонада ўртача 1 кишидан бўлса **4566 нафар**, 3 нафардан бўлса қарийб **14 минг нафар**, 5 кишидан банд бўлганда эса **23 мингта** яқин аҳолини банд қилишимиз мумкин бўлади. Шунингдек, ушбу **4566 та** субъектни ишга тушириш учун қанчадан-қанча аҳоли куриши, ташиш ва бошқа тапқилий ишларда банд бўлади. Ушбу ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларининг тапқил қилинишининг акселерация самараси қарийб 10 баробар юқори бўлиб, 50 мингтача кишини, айниқса, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатда банд бўлишига, аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади.

Бошқа томондан аҳоли сонини ошиб бориши юқорида келтирилган 50 турдаги хизматларга бўлган талабни янада ошишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида келтирилган хизмат турлари бўйича КБХТ субъектлари сонини янада ошириш лозимлигини асослайди. Биз аҳоли сонини 2025 йилгача прогноз кўрсаткичларини аниқлаган ҳолда 50 турдаги хизмат кўрсатиш субъектлари сонини 2025 йилга қадар яна қанча миқдорга ошириш лозимлиги ҳисоблаб чиқдик. Вилоятда мавжуд аҳоли сонини оддий тренд усулидан фойдаланган ҳолда прогноз қийматларини ишлаб чиқдик. Регрессион таҳлил натижаларига кўра қуйидаги тенгламага эга бўлинди.

Келтирилган 3.2.4-жадвал маълумотларига кўра аниқланган барча коэффициентлар Стьюденг мезони бўйича адекват эканлигини кўришимиз мумкин, бундан ташқари детерминация коэффициенти ҳам етарли даражада юқори қийматга эга бўлмоқда.

Регрессион таҳлил натижалари¹¹¹

Модел	Стьюденг тест	P-қиймат	R ²
$P_{\text{вил}} = 1774.03 + 27.54 \cdot t$	$b_1=226.29$ $b_2=61.42$	$b_1=0.0000$ $b_1=0.0000$	0.99
$P_{\text{шах}} = 253.21 + 18.76 \cdot t$	$b_1=11.46$ $b_2=10.66$	$b_1=0.0000$ $b_1=0.0000$	0.86
$P_{\text{қил}} = 1020.87 + 8.78 \cdot t$	$b_1=46.27$ $b_2=4.99$	$b_1=0.0000$ $b_1=0.0000$	0.57

бу ерда: $P_{\text{вил}}$ – вилоятда мавжуд жами аҳоли сони минг киши; $P_{\text{шах}}$ – шаҳар аҳолиси сони минг киши; $P_{\text{қил}}$ – қишлоқ аҳолиси сони минг киши; t – тренд 2000 йилдан бирдан бошланади.

Буларни ишобатга олган биз келтирилган моделлар асосида вилоятда вилоятдаги жами аҳоли сони ҳамда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонини 2025 йилга қадар ўрта муддатли прогноз қийматларини ишлаб чиқдик (3.2.5-жадвал).

Прогноз кўрсаткичларига кўра, 2025 йилга келиб вилоят аҳолиси сони 1990.2 минг кишига етади, яъни 2021 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 6.6 фоизга ошиши кузатилади.

Аҳоли сонини прогноз қийматлари¹¹²

Йиллар	Жами аҳоли сони	Шаҳар аҳолиси сони	Қишлоқ аҳолиси сони
2021	1880,0	666,0	1214,0
2022	1907,5	684,8	1222,7
2023	1935,1	703,5	1231,5
2024	1962,6	722,3	1240,3
2025	1990,2	741,1	1249,1

Демак, аҳоли сони прогноз кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда талабни ҳисоблайдиган бўлсак, вилоятда МФЙ лар кесимида тапқил қилиниши керак бўлган ноаграр йўналишдаги

¹¹¹ Муаллиф ишланмаси

¹¹² Муаллиф ишланмаси

КБХТ субъектлари сони 2025 йилга бориб, 1283 тагача ошади (3.2.6-жадвал).

3.2.6-жадвал

**Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида МФЙлари кесимида
ноаграр йўналишидаги КБХТ субъектларини ташкил қилиш
бўйича 2020-2025 йилларга прогнози¹¹³**

№	Хизмат тури номи	Меъёр	Вилоят бўйича аҳоли сони 2020 йил 1 866 729	Вилоят бўйича аҳоли сони 2025 йил 1 990 200	2020-2025 йиллар Фарқи (+), (-)
			Талаб	Талаб	
1	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари				
1.1	Пайнет ва интернет хизмати	5000	373	398	25
1.2	Реклама хизмати	15000	124	133	9
2	Молвий ва ҳуқуқий хизматлар				
2.1	Нотариус хизмати	15000	124	133	9
2.2	Сугурта ва банк хизмати	20000	93	99	6
2.3	Бухгалтерия хизмати	10000	187	199	12
2.4	Лизинг хизматлари	35000	53	57	4
2.5	Аудиторлик хизматлари	20000	93	99	6
3	Транспорт хизмати				
3.1	Транспорт хизмати	6000	311	332	21
3.2	Автотураргоҳ	10000	187	199	12
3.3	Туманлараро ва вилоятлараро жамоат транспорти хизмати	15000	124	133	9
4	Яшаш ва овқатланиш хизматлари				
4.1	Меҳмонхона хизмати	30000	62	66	4
4.2	Туризм хизмати	30000	62	66	4


¹¹³ Муаллиф ишланмаси

4.3	Буюртмалар асосида хизмат кўрсатиш (маҳсулотларни етказиб бериш, чипта буюртириш, меҳмонхонани банд қилиш, транспорт чақиртириш ва х.к.)	25000	75	80	5
5	Савдо хизмати				
5.1	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат дўкони	1000	1867	1990	123
5.2	Дорихона	1500	1244	1327	83
5.3	Қурилиш материаллари сотиш дўкони	5000	373	398	25
5.4	Минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материалларини сотиш шохобчаси	10000	187	199	12
5.5	Савдо ва умумий овқатланиш хизмати	5000	373	398	25
5.6	Супермаркет	150000	12	13	1
6	Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган ва меъморчилик, муҳандислик излашлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар				
6.1	Кўчар ва кўчмас мулкларни баҳолаш хизмати	40000	47	50	3
6.2	Қурилиш хизматлари кўрсатадиган сервис компаниялари	10000	187	199	12
7	Таълим ва маданият соҳасидаги хизматлар				
7.1	Таълим ва мусика мактаблари	15000	124	133	9
7.2	Болалар боғчаси хизмати	3000	622	663	41
7.3	Ёшлар учун турли хил замонавий ва маънавий билимларни бериш марказлари	10000	187	199	12

7.4	Хорижий тил ўргатиш маркази	8000	233	249	16
7.5	Мадааний ҳордиқ чиқариш жойлари (театр, концерт заллари ва парклар)	20000	93	99	6
7.6	Ҳайвонот боғи	150000	12	13	1
8	Соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги хизматлар				
8.1	Соғлиқни сақлаш хизмати	7000	267	284	17
8.2	Спорт ва соғломлаштириш маркази	15000	124	133	9
8.3	Санатория хизмати	80000	23	25	2
8.4	Сунъий қопламали футбол ва бошқа спорт майдончалари	5000	373	398	25
8.5	Ветеринария хизмати	3000	622	663	41
9	Ижара ва прокат хизматлари				
9.1	Тўй ва ҳашамларга буюмларни ижарага бериш хизматлари, тўйхоналар	10000	187	199	12
9.2	Келинлик либосларини ижарага бериш хизмати	5000	373	398	25
9.3	Автомобиль, велосипедларни ижарага бериш	5000	373	398	25
10	Маиший ва компьютер хизматлари				
10.1	Телевизор ва радиоларни тузатиш устахонаси	3000	622	663	41
10.2	Мебелларни таъмирлаш хизмати	10000	187	199	12
10.3	Маиший техникаларни (совутгич, компьютер, электр жихозлари ва ҳ.к.)	5000	373	398	25

	таъмирлаш хизмати				
10.4	Нусха кўчириш (ксерокопия) хизмати	1000	1867	1990	123
10.5	Соатсозлик устахонаси	10000	187	199	12
10.6	Коммунал хизматлар (электр, газ ва ичимлик суви билан таъминлаш)	5000	373	398	25
10.7	Тикувчилик ательеси	3000	622	663	41
10.8	Саргарошхопа	2000	933	995	62
10.9	Расмга тушириш ва ншлаш хизмати	4000	467	497	30
10.10	Пойабзал таъмирлаш устахонаси	2000	933	995	62
10.11	Хаммом	3000	622	663	41
10.12	Кимёвий тозалаш хизмати	8000	233	249	16
10.13	Пуллик жамоат хожатхонаси	5000	373	398	25
10.14	Автомобилларни ва кишлок хўжалиги техникасини таъмирлаш хизмати	1500	1244	1327	83
10.15	Диний маросим хизматлари	3000	622	663	41
	ЖАМИ: 50	X	19436	20719	1283

Биз монографияда кишлок жойларида КБХТни ресурс таъминоти, таркибий мутаносиблиги, умумий мақсадга йўналтирилганлигига қаратилган қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини таклиф этдик (3.2.1-расм).



3.2.1-расм. Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизми¹¹⁴

¹¹⁴ Ph.D. Б.Талқиев ишланмаси

3.2.1-расмдан кўринадики, ушбу ташкилий-иқтисодий механизм 3 та босқичдан иборат бўлиб, биринчи тахлилий босқичда қишлоқ жойларида КБХТни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг жорий ҳолатини тахлил қилинади. Унда амалдаги КБХТ субъектлари, фан-техника тараққиёти, ходимлар салоҳияти ва уни ошириш йўналишлари, қишлоқ жойларида мавжуд инфратузилма объектлари, юқоридагидек ҳатлов қилиниб, жорий ҳолати баҳоланади ва зарур ташкил қиладиган объектлар аниқланади.

Кейининг дастурий-мақсадли босқичда қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш стратегияси, самарадорлик мезонлари асосида КБХТ ва йирик корхоналарнинг кооперация, интеграция ёки кластерларининг шибатан оптимал шакллари танлаб олинади. Шунингдек, ушбу босқичда КБХТ субъектларининг сони, уларнинг кооперация ва интеграциялардаги улуши, КБХТ субъектларининг ихтисослашув даражаси, улардаги ишлаб чиқариш ҳажмлари аниқланади ҳамда турли хил бирлашма иштирокчиларининг ягона стратегияси шакллантирилади.


Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмнинг учинчи амалга ошириш босқичида эса Қишлоқ жойларида КБХТни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва вазифаларини шакллантирилади.

Албатта, бунда КБХТ фаолиятни тартибга солувчи назорат органлари, давлатнинг ички сиёсатини инобатга олган ҳолда ҳамда тегишли мезъорий ҳужжатларга асосланган ҳолда КБХТни қишлоқ жойларида рағбатлантириш сиёсатини амалга оширишда ва самарадорлигини баҳолашади.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш учун албатта давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан айнан қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш зарур (3.2.2-расм).

Бунинг учун албатта дастурий муҳит бўлиши керак, яъни қишлоқ ҳўжалиги ёки айнан қишлоқ жойларида саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг тармоқ дастурларида, умумий дастурларини ишлаб чиқишда албатта КБХТни ривожлантиришни кўзда тутиш зарур. Шунингдек, КБХТ инфра-

тузилмасини яратиш орқали бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тадбиркорлигини тузилмаларини ривожлантириш мумкин бўлади.



3.2.2-расм. Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш дастурлари¹¹⁵

Фикримизча, қишлоқ жойларида айлан қишлоқ тадбиркорлигига муқобил равишда ноаграр тадбиркорликни, КБХТни ривожлантириш стратегик муқобилларини шакллантириш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамият касб этади (3.2.3-расм).

Ушбу механизмга кўра, дастлаб КБХТ фаолияти учун асос бўлган қишлоқ жойларини соҳани ривожлантиришнинг рақобат устувиқларини аниқлаб олиш ва шу асосда қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг стратегик муқобиллари портфелини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Бунда қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг ноаграр, истикболли ва инновацион йўналишларидан бири сифатида агротуризмни, қишлоқ туризмни ривожлантириш

¹¹⁵ Муаллиф ишланмаси

стратегияси, айнан қишлоқ жойларида қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш мажмуасини ривожлантириш стратегияси, юқорида санаб ўтилган камида 50 та турдаги хизматларни, хусусан, чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, Қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш, фермер хўжалигини ривожлантириш, агротехно паркларни ривожлантириш каби соҳавий ва йўналишлар стратегияларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Шундан кейин эса, қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг стратегик муқобилларини амалга ошириш шарт-шароитлари, жумладан, кадрлар, ҳуқуқий, молиявий, ташкилий ва моддий таъминотлар таҳлил этилади ҳамда қишлоқ жойларида КБХТ тузилмаларининг ташқи муҳит билан ўзаро таъсири стратегик муқобиллари портфелини шакллантирилади.

Ушбу портфелдан эса, ташқи муҳит имкониятларидан фойдаланиш, ташқи муҳит хатарларини бартараф қилиш, КБХТ тузилмалари кучли томонларини сақлаш ундан фойдаланиш, КБХТ тузилмаси заиф томонларини бартараф қилиш каби стратегиялар ўрин олади ҳамда кейин қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш стратегик муқобилларининг сифат таҳлили амалга оширилади.

Демак, қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, стратегик муқобилларини шакллантириш ва ривожланти-ришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидаги тадбирларни изчил амалга ошириш шубҳасиз ҳудудларда қишлоқ жойларида КБХТнинг аграр ва ноаграр турлари ҳамда шаклларини ривожланишига ҳамда аҳоли бандлиги, турмуш фаровонлигининг ошишида етакчи роль ўйнайди.



3.2.3-расм. Қишлоқ жойларида КБХТни стратегик муқобилларини шакллантириш ва ривожлантириш механизми¹¹⁶

¹¹⁶ Муаллиф ишланмаси

Хоразм вилоятида КБХТ ривожланишини рўйхатга олинган КБХТ субъектлари сони бўйича прогноз қийматлари ишлаб чиқилди. Ушбу прогнозни ишлаб чиқиш учун 2003–2020 йиллар маълумотлардан фойдаланилди. Вақтли қаторларни моделлаштириш учун аввало маълумотни стационарликка текшириш талаб этилади. Стационарликка текшириш бўйича EViews дастури ёрдамида амалга оширилган unit root тест натижаларига кўра вилоятда рўйхатга олинган КБХТ субъектларининг 2-даражали фарқи стационар эканлиги аниқланди. Gretl дастури асосида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра ARIMA (1 2 1) модел тузилди ва у қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

$$\Delta^2 Y_t = -0.58 * \Delta^2 Y_{t-1} + \varepsilon_{t-1} \quad se = (0.27) \quad (0.21)$$

$$t = (-2.17) \quad (4.84) \quad R^2 = 95$$

Юқорида келтирилган натижаларга кўра аниқланган барча коэффицентлар Студент мезони бўйича адекват, корреляция коэффицентлари ҳам деярли бирга тенг. Моделнинг адекватлигини текшириш бўйича бошқа тест ва мезонлар ҳам ижобий натижага эга бўлмақда. Бундан ташқари модель асосида аниқланган қиймат ва ҳақиқий қийматлар орасидаги фарқнинг камлиги ҳам моделнинг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ушбу келтирилган натижаларни инобатга олган ҳолда келтирилган модель асосида вилоятда рўйхатга олинган кичик корхоналар сонини 2025 йилгача прогноз қийматлари ишлаб чиқилди (3.2.7-жадвал).

3.2.7-жадвал

Хоразм вилоятида рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сонини прогноз кўрестакичлари¹¹⁷

For 95% confidence intervals, $z(0.025) = 1.96$

Years	Prediction	std. error	95% interval
2021	23526	728.126	(22098.5, 24952.7)
2022	27191	1907.26	(23452.4, 30928.7)
2023	30672	3240.67	(24320.8, 37024.0)
2024	34260	4828.85	(24795.9, 43724.6)
2025	37787	6587.23	(24876.0, 50697.4)

¹¹⁷ Муаллиф ишланмаси

Прогноз қийматларига кўра 2025 йилга бориб вилоятда рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 37787 тани ташкил қилгани ҳолда 2020 йилга нисбатан 1.87 баробарга ошиши кузатилади. Натижада кейинги беш йилдаги ўртача йиллик ўсиш суръати 13 фоизни ташкил қилади.


Чунки тахлилларга кўра, мамлакатимизда КБХТни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда юқори ўсиш суръатлари таъминланган. Хусусан 2020 йилда вилоятда рўйхатга олинган КБХТ субъектлари сони олдинги йилга нисбатан 24 фоизга ошган бўлса, 2019 йилда 29 фоизни ташкил қилган. Фикримизча КБХТни қўллаб-қувватлаш бўйича амалий чора-тадбирларни давом эттирилиши соҳа ривожини ва субъектлар сони барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

3.3. Қишлоқ жойларида агротуризмни ривожлантириш асосида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари

Тадқиқотларимиз натижасида қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг ўзига хос ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган (3.3.1-расм).

Механизмнинг ташкилий йўналишлари сифатида қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, КБХТни стратегик ривожлантириш муқобил йўналишларини белгилаш, ҳудудларда, қишлоқ жойларида аграр ва ноаграр йўналишларда кооператив тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида ноаграр йўналишдаги КБХТ ривожлантириш, қишлоқ жойларида агротуризм ва рекреация йўналишидаги КБХТ субъектларини яратиш, иқтисодий йўналиш сифатида қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришга йўналтирилган миллий ва маҳаллий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришда давлат хусусий шерикчилик механизми ва тамойилларини қўллаш,

Қишлоқ жойларида миллий ва хорижий инвестицияларни, микролизинг ва микрокредитларни имтиёзли жалб қилиш механизми, қишлоқ жойларида КБХТ субъектлари учун субсидия, кредит, солиқ, суғурта, аукционсиз ер участкалари ажратиш ва бошқа имтиёзлар яратиш, аграр ва ноаграр соҳадаги КБХТ субъектлари учун экспорт имкониятларини кенгайтириш, агракластерлар атрофида субъектларини шакллантириш каби омиллар белгиланган.



3.3.1-расм. Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми¹¹⁸

¹¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Туризм тармоғи, бутун дунёдаги каби, Ўзбекистонда, хусусан, Хоразм вилоятида ҳам жадал ривожланаётган, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим “драйвери”, локомотиви ҳисобланади ва қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, 2017–2020 йиллар давомида бевосита Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш бўйича 2 та Президент Фармони¹¹⁹, 4 та Президент Қарори¹²⁰, 4 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори¹²¹ ва 3 та Президентимизнинг вилоятга ташрифи Баёнлари¹²² қабул қилинди.

2013 йилда вилоятда атиги 27 та жойлаштириш воситаси бўлган меҳмонхона фаолият кўрсатиб, улардаги ўринлар сони 960 тани ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб жойлаштириш воситаларининг сони 69 тага (*64 меҳмонхона, 5 та меҳмон уйи*) ва улардаги ўринлар сони 2646 тани, 2020 йилда эса жойлаштириш воситалари сони 215 тага (*101 та меҳмонхона ва 114 та меҳмон уйи*) улардаги ўринлар сони эса 4935 тани ташкил қилди. Худди шунингдек, туристик хизматлар кўрсатувчи сайёҳлик ташкилотлари 2018 йилда 33 тани ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 110 тага етди. Гид-экскурсия етакчиларининг сони 2018 йилда 89 нафардан 2020 йилда 170 нафарга етди. Туристик ва йўл бўйи инфратузилмаси объектлари сони 2018 йилда 86 тани (*С/Ш, йўл кўрсаткичлари, маълумот бюрolari ва ҳ.к.*) ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб эса, 342 тани ташкил этди. Бундан ташқари, 2018 йилда туристларга транспорт хизматлари кўрсатувчи фирмалардаги автобуслар 9 тани, микроавтобуслар 19 тани ва электромобиллар сони 4 тани, жами 32 тани ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони мос равишда 31 та, 84 та ва 6 тага ошиб, жами транспорт воситалари сони 121 тага

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611 сонли ва 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781 сонли Фармониари.

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПК-2953 сонли, 2018 йил 7 февралдаги ПК-3514 сонли, 2019 йил 5 январдаги ПК4095 сонли ва 2019 йил 6 мартдаги ПК-2229 сонли Қарорлари.

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 ноябрдаги ВМК-964 сонли, 2019 йил 13 февралдаги ВМК-119 сонли, 2019 йил 15 июндаги ВМК-673 сонли, 2019 йил 21 сентябрдаги ВМК-793 сонли Қарорлари.

¹²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятига ташрифлари бўйича 2017 йил 20 октябрдаги №13347 сонли, 2017 йил 2 февралдаги ЭДО-21-24-3 сонли, 2018 йил 6 декабрдаги №22531 сонли Баённомалар.

етди ҳамда 2021 йил охиригача 210 тага етиши режалаштирилган. Шуниингдек, ПФ-5326 сонли Фармонга асосан жами киймати 17,4 млрд сўмлик 50 та транспорт воситаси божхона тўловлаини тўлашдан, божхона расмийлаштирувлари учун йиғимлардан ҳам озод этилди.¹²³

Кўпгина хорижий давлатларда агротуризм маълум шаклланиш ва ривожланиш боскичларидан ўтган, старлича ривожланган туристик йўналиш бўлиб айнан бизнинг Ўзбекистон ва унинг минтақлари учун ҳам жуда истиқболли соҳа саналади.

Биз монографияда республикамизда, хусусан, Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли соҳаларидан бири сифатида айнан қишлоқ туризмни тавсия қилдик ва буни илмий жиҳатдан асосладик.

Айнан Хоразм вилояти мисолида агротуризмни ривожлантиришни 3.3.2-расмдагидек таснифда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Хоразм вилояти шароитида *агротуризм қишлоқлари, туризм маҳаллалари* ташкил қилиш ва унда асосан жойлаштириш воситалари сифатида махсус туризм талабларига мос ҳолда эски анъанавийликни сақлаган ҳолда таъмирланган ёки маҳаллий услубда безатиб, жиҳозланган *қишлоқ оилавий меҳмон уйлари, дала ҳовлилар*, намунавий лойиҳа асосида қурилган коттеж-уйларни олиш мумкин.

Худди шу агротуризмни ривожлантириш йўналишида *агротуризм фермер хўжалиқларини* ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, от, туя, миниш, туяқуш, қурка фермалари, турли балик ҳовузларида овлаш, сайр қилиш машғулоти айнан туристлар учун жозибали саналади.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг яна бир истиқболли йўналиши бу *муҳофаза қилинадиган махсус ҳудудларда, давлат миллий боғлари ва парклари*да ташкил қилинадиган туризм ҳисобланади. Шуниингдек, Хоразм вилоятида қишлоқ туризмнинг истиқболли йўналишлари сифатида аюр, анжир, шафтоли, олма, узум қовун, тарвуз план-тациялари, асаларичилик

¹²³ Хоразм вилояти туризмни ривожлантириш департаменти статистки маълумотлари

субъектларида дегустация, парваришлаш йиғим-терим, логистика жараёнларида иштирок этишни тавсия этиш мумкин.



3.3.2-расм. Хоразм вилоятида қишлоқ туризмнинг таснифи¹²⁴

Тадқиқотларимизга кўра, исталган бир ҳудудда агротуризмни ривожлантириш учун даставвал ўша ҳудудда туристик салоҳиятни, мавжуд ресурсларни баҳолаш, ушбу ҳудудда агротуризмни ривожлантириш учун туристик субъект ташкил қилувчи ташаббускорларни миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада қўллаб-қувватлаш зарур (3.3.3-расм).

Шуни таъкидлаш керакки, исталган бир ҳудудда ёки минтақада агротуризмни ривожлантириш учун ўша жойни туристик инфратузилмасини, кўрсатиладиган хизматлар ассортиментини ошириш, мавжуд туристик ресурсларни, агромаҳсулот

¹²⁴ Муаллиф ишланмаси

ишлаб чиқарувчиларни туризм йўналишлари ва турлари бўйича хатловдан ўтказиш ва баҳолаш, уларни турфирма ва турагентлар билан боғлаш, яқин 2-3 йил ичида нафақат умумий туризм, балки агротуризм субъектлари бирлашмаси (ассоциацияси)ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.



3.3.3-расм. Барқарор иқтисодий шаклланиши шароитида аграр секторда туристик хизматларнинг ривожлантириш модели¹²⁵

Бундан ташқари, Хоразм вилояти қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим институционал тузилмаларидан бири бу маҳаллий агротуристтик кластерининг ташкилий-иқтисодий тузилмасидир.

Чунки айнан, ушбу агротуристтик кластерни ташкил қилиш орқали қишлоқ туризми ривожланишидаши муаммолар аниқ-

¹²⁵ Муаллиф ишланмаси

ланади, шарт-шароитлар таҳлил қилинади ҳамда шу асосда агротуризм ривожланишига фаол таъсир кўрсатилади (3.3.4-расм).



3.3.4-расм. Хоразм вилояти маҳаллий агротуристтик кластерининг ташкилий-иқтисодий тузилмаси¹²⁶

¹²⁶ Муаллиф ишланмаси

Бунда албатта, туристлар, давлат ва туристик субъектлар нима килиши кераклиги кўрсатилган. Шунингдек, айнан қишлоқда туризмни ривожлантириш вилоят туманларига, қишлоқ жойларига туристлар оқими-нинг кўпайишига, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражаси ошишига олиб келади.

Бундан ташқари, барча даражадаги бюджетлар солиқ тушумларининг ошишига, қишлоқ жойларида ёшларнинг муқим ўрнашиб, яшаб қолишига, соғлом турмуш тарзини нафақат қишлоқ, балки шаҳар аҳолиси ўртасида фаоллаштиришга олиб келади.

Биз монографик тадқиқотларимиз давомида Хоразм вилояти қишлоқ ҳудудларининг турресурсларини баҳолаб, агротуризм шакллари, турларини ташкил қилиш орқали КБХТни ривожлантириш салоҳиятини баҳоладик (3.3.1-жадвал).

3.3.1-жадвалга кўра, Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида ташкил қилинадиган асосий агротуризм шакллари сифатида аксарият туманларда агротуризм, гастротуризм, этнотуризм, экотуризм, болалар, фолклор, ов туризми каби турларини ривожлантириш орқали жойларда туризм қишлоқ-лари ва маҳаллаларини, агротуристик объектларни ривожлантириш зарур.

3.3.1-жадвал

Қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш учун тавсия қилинаётган агротуризмнинг истиқболли йўналишлари¹²⁷

Туман Номи	Тавсия қилинаётган Худуд ва маҳалла номи	Маҳалла Аҳолиси	Маҳалла хонадонлар	Жойлаштириш воситалари	Қишлоқ жойларида шакллантириш мумкин бўлган туризм турлари	Мавжуд туристик ресурслар ва туристик маҳсулотлар
Хива тумани	Шомохулум қишлоғи,	110 0	230	9	Маданий- тарихий, зиёрат,	Гиламдўзлик устахона- лари, тарихий-маданий обидалар, Говук кўл рек-

¹²⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган

	Говуқ маҳалласи				этно, агро, гастро, туризми	реакцион зонаси, анор етиштиришга ихтисослашган боғлар, миллий урф-одатлар билан таништириш имкониятига эга бўлган этник туб аҳоли
Янгп-арик тумани	Каттабоғ кишлоғи, Каттабоғ маҳалласи	450 0	860	2	Агро-, этно-, гастро-, этно-тарихий, эко-туризм	Боғдорчиликка ихтисослашган уй хўжаликлари, миллий кулодчилик мактаби, балик-чилик кўллари, миллий урф-одатлар билан таништириш имкониятига эга бўлган этник туб аҳоли, тарихий қадамжолар, ов қилиш имкониятини берадиган қум зоналари
Урганч тумани	Юқори дўрман кишлоғи, Анжирчи маҳалласи	370 0	608	9	Агро-, гастро-, эко-, этно-туризм	Анжир етиштиришга ихти-сослашган боғлар, асалари-чилик хўжаликлари, миллий урф-одатлар билан таниш-тириш имкониятига эга бўлган этник туб аҳоли
Богол тумани	Хўжалик кишлоғи, Қальажик қалъа маҳалласи	470 0	858	2	Агро-, рекрецион, гастро-, этно-, ов, туризми	Узум етиштиришга ихтисос-лашган боғлар, Қальажик қалъа мажмуаси, миллий урф-одатлар билан таниш-тириш имкониятига эга бўлган этник туб аҳоли, ов қилиш имкониятини бера-диган қум зоналари

Тадқиқотларимиз давомида биз айнан 3.3.1-жадвалда туманларнинг умумий агротуристтик салоҳиятини олган бўлсак, қуйида Хоразм вилоятининг 4 та туманида бевосита кишлок туризмни ривожлантириш йўналишлари ва йўл харитасини ишлаб чиқдик.

Биз томонимиздан монографияда тақлиф қилинаётган концепцияга кўра, Хоразм вилоятининг 4 та туманида туризм кишлоғи ташкил этиш орқали ташриф буюрадиган сайёҳларнинг

миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз билан яқиндан танишиш имконияти яратилади. Ушбу 4 та тумандаги маҳаллаларда 12 та умумий овқатланиш масканлари, 4 та хостел, 22 та оилавий меҳмон уйи, 30 нафар хунармандлар, 23 та туризм намоёиш объекти яратилади ва 170 га яқин иш ўринлари яратилиши натижасида, сайёҳларнинг ҳудудда қолиш муддатлари 3 кундан 4 кунга, улар томонидан сарфланган маблағлар эса ўртача 500 АҚШ долларидан 700 АҚШ долларига ошмишига олиб келади.

Хива тумани Шомохудум қишлоғида Говук маҳалласида хонадан сонни 230 та, шунда аҳоли сонни 1100 нафарни ташкил қилади.

Ушбу маҳаллада ташкил қилиниши режалаштирилган хизматлар, оилавий меҳмон уйлари сонни 9 тани, миллий хунармандчилик маҳсулотлари савдоси, фаол дам олиш объектлари, овқатланиш масканлари сонни 2 тани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан турли хил шарбатлар тайёрлаш, асаларичилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёни ва дегустацияси, миллий урф-одатлар келиш салом, лачак тўй, суннат, никоҳ ва бешлик тўйлари билан таништириш орқали агро ва этнотуризмни ривожлантириш мумкин бўлади.

Хива туманида “Туризм маҳалласи” мақомига таклиф этилаётган Говук маҳалласининг инфратузилмасини яқинлаш ва у ерда “туризм маҳалласи”ни яратиб бўйича Хоразм вилоят ҳокимлиги томонидан 2020 йил 8 апрелдаги 15-1639-сонли “Йўл харита”си тасдиқланган бўлиб, ушбу йўл харитага асосан бир катор амалий ишлар олиб борилди. Жумладан, маҳалла ҳудудида қўшимча ўрғаниш ишлари олиб борилиб, оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш истагидаги ташаббускорлар сонни жами 21 тага етказилиб, уларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилди. Ушбу ташаббускорларнинг 6 нафари тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, ташаббускорларнинг лойиҳаларини амалга ошириш бўйича узоқ муддатли имтиёзли кредитларни расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

“Хива Бек” ОК тегишли тартибда ягона реестрга киритилиб, 3 та хона 10 та ўринга мўлжаллаган оилавий меҳмон уйи ўз фаолиятини бошлади.

Ушбу лойиҳалар амалга ошириш натижасида 200 янги янги меҳмон ўринлари яратилиб, 53 та янги иш ўринлари ташкил қилинади. Шунингдек мазкур оилавий меҳмон уйларида кўплаб кўшимча туризм хизматлари ташкил қилинади.

Бундан ташқари, 2021 йилда Хива туманида “Хива Қорақўл” фермер хўжалиги томонидан пляж зонасини амалга оширилишини назарда тутувчи қиймати 0,5 млн. АҚШ доллари бўлган лойиҳа ишга туширилиши орқали 10 та янги иш ўрни, 2022 йилда “Идеал фойз шифо” универсал корхонасининг 1 млн. АҚШ долларлик экстремал ва сафари туризми лойиҳаси ишга туширилиши натижасида 50 та иш ўринлари яратилиши кутилади.

Шунингдек, Хива шаҳрида экологик тоза, ишак ва табиий жун гиламлар тайёрлайдиган, ўқитиш ва ўргатиш, маҳорат дарсларини бевосита намоён қиладиган миллий гиламчилик марказини ташкил этиш, Урганч шаҳрида ўзбек маҳсулотлари бозори лойиҳаси, туманларда, айниқса, Урганч шаҳри ва туманида, Хонқа ва Гурлан, Хазорасп туманларида миллий нонвойхоналар ташкил қилиш ҳамда Янгибозор туманида миллий экотуристлик мажмуа ташкил қилиш лойиҳалари жуда истиқболлари саналади.

Худудда “туризм маҳалласи” доирасида оилавий меҳмон уйлари, хунармармандчилик маҳсуотларини тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ва савдо шохобчалари, агротуризм (томорқа хизматлари кўрсатиш, анор парвариш қилиш), асаларичилик, пиллачилик, “Хоразм анори” агротуризм комплекси хизматлари, этнотуризм (фольклор гуруҳлар чиқишлари, лапарлар айтиши), кўчқор уруш ва хўроз уруштириш ўйинлари, миллий мусиқа асбоблари тайёрлаш маркази, балиқчилик, балиқ овлаш, гастрономик туризм (миллий таомлар тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари), сизир ва эчки соғиш, от ва эшак аравада сайр қилиш каби турхизматлар таклиф қилинади.

Янгиариқ тумани Каттабoғ қишлоғи Каттабoғ маҳалласида эса хонадан сони 860 та, аҳоли сони 4500 нафарни ташкил қиладди. Ушбу маҳаллада ташкил қилиниши режалантирилган хизматлар, оилавий меҳмон уйлари сони 2 тани, миллий хунармандчилик маҳсулотлари савдоси, фаол дам олиш

объектлари, овқатланиш масканлари сони 4 та, зангори кулолчилик бўйича маҳорат дарслари, асаларичилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёни ва дегустацияси, миллий урф-одатлардан келин салом, бешик, лачак, суннат тўйи билан таништириш каби этно ва агротуризмни ривожлантириш мумкин.

Монографик тадқиқотларимиз давомида “*туризм маҳалласи*”ни ташкил қилиш орқали 3 та оилавий меҳмон уйини ташкил қилиш натижасида 50 янги меҳмон ва 15 та янги иш ўринлари ташкил қилинади. Шунингдек мазкур оилавий меҳмон уйларида кўплаб қўшимча турхизматлар ташкил қилинади.

Худудда “*туризм маҳалласи*” доирасида юқоридаги хизматларга қўшимча кулолчилик ва зангори кулолчилик, миллий тандир ва таомлар тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари, гастротуризм, агротуризм (томорқа хизматлари кўрсатиши), асаларичилик, пиллачилик, этнотуризм (фольклор, лапарлар айтиши), қўчқор ва хўроз уриштириши ўйинлари, балиқчилик, балиқ овлаш қабиларни ташкил қилиш мумкин.

Урганч тумани Юқори дўрман қишлоғи Анжирчи маҳалласида хонадонлар сони 608 та, аҳоли сони 3700 нафарни ташкил қилади. Ушбу маҳаллада ташкил этилиши режалаштирилган хизматлар, оилавий меҳмон уйлари 9 та, миллий хунармандчилик маҳсулотлари савдоси, фаол дам олиш объектлари, овқатланиш масканлари сони 2 та, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан турли хил шарбатлар тайёрлаш, асаларичилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёни ва дегустацияси, миллий урф-одатлар келин салом, лачак тўй, суннат тўйи билан таништириш (Этно туризм) режалаштирилган.

Ўрганишлар жараёнида “*туризм маҳалласи*”ни ташкил қилиш доирасида худудда ҳозирги кунгача 11 та ташаббускорлар аниқланиб, 2 та меҳмонхона (20 ўринли меҳмонхона ва 30 ўринли меҳмонхона ва ресторан), 9 та оилавий меҳмон уйи ва шу 3 та хонадонда асаларичилик ташкил қилиш истагидаги ташаббускорлар мавжуд бўлиб, ушбу лойиҳалар амалга оширилиш натижасида 140 та янги меҳмон ўринлари яратилиб, 69 та янги иш ўринлари ташкил қилинади. Шунингдек мазкур оилавий меҳмон уйларида кўплаб қўшимча туризм хизматлари ташкил қилинади.

Боғот тумани *Хўжалик қишлоғи Қалажик қалъа маҳалласида* хонадонлар сони 858 та, аҳоли сони 4700 нафарни, оилавий меҳмон уйлари 2 тани, миллий хунармандчилик маҳсулотлари савдоси, фаол дам олиш объектлари, овқатланиш масканлари сони 4 та, табиий туз кўлида чўмилиш ва қумда даволаниш, туя ва квадроциклда саёҳат қилиш, миллий урф-одатлар келин салом, лачак, суннат, никоҳ тўйи билан таништириш каби агро ва этно, эко туризмни ташкил этиши мумкин. Таҳлилларимизга кўра “туризм маҳалласи”ни ташкил қилиш кутилаётган ҳудудда 4 та ташаббускорлар аниқланди. Уларнинг 1 нафари меҳмонхона (*20 ўришли меҳмонхона ва ресторан*), 3 нафари оилавий меҳмон уйини ташкил этиш истагидаги ташаббускорлар бўлиб, ушбу лойиҳалар амалга ошириш натижасида 50 янги меҳмон ва 15 та янги иш ўринлари ташкил қилинади. Шунингдек, ушбу оилавий меҳмон уйларида кўплаб қўшимча турхизматлар ташкил этилади.

Шунингдек, туристик ресурслар ва салоҳият етарли бўлганлигини инобатга олган ҳолда Боғотда “Қалъажик қалъа” тархий ёдгорлиги олдида пляж зона, гастрономик туризм ва рекреацион туризм зоналарини ташкил қилиш, Гурлан туманида кема кўринишидаги ресторан ташкил қилиб “тематик хиёбон” ташкил қилиш, Янгиариқ тумани немис меннонитлари яшаган ҳудудда туризм қишлоғи ва масканини (*меҳмонхона, музей, черков, қабристон, боғ*) ташкил қилиш, Янгибозор ва Хива туманларида экотуризм, Урганч туманида этно туризм, Хонқа туманида тиббий туризм, Хазорасп туманида эса Арт туризмни ривожлантириш мақсадга мувофиқ (5-илова).

Биз ўтказган монографик тадқиқотларимизга таянган ҳолда “Khorezm EcoRing” экотуризм халқасини ривожлантириш лойиҳасини ишлаб чиқдик (10-илова).

Унга кўра Амударё соҳилларида Миллий табиат боғи негизида сунъий питомник, квадроцикллар ижараси, сувенир дўконлари, умумовқатаниш шохобчалари, санитария-гигиена шохобчалари, транспорт хизматларини, мактабгача таълим халқ таълими, профессионал таълим ва олий таълим талабаларини, қизиқувчи аҳолини жалб қилинадиган экотуристтик лойиҳа амалга оширилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Хоразм вилоятининг юқорида санаб ўтилган 11 та қишлоқ туманларида мавжуд туристик салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда агро туристик объектларни ташкил қилиш ва ривожлантириш вилоятда қишлоқ жойларида КБХТни барқарор ривожлантириш орқали қишлоқ аҳолисининг меҳнатда бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади деб ўйлаймиз.

Учинчи боб бўйича хулоса

Қишлоқ жойларида кооператив тадбиркорликни илмий асосда шакллантириш тизими замон талабига жавоб бера оладиган хўжалик юритишнинг янгича шаклларига ўтишни, балки комплекс агрохизмат кўрсатишни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги кооперативларини шакллантиришда хориж тажрибаларидан АКШдаги "Heartland" кооперативининг фермерлар ва инфратузилма шохобчалари ўртасидаги ўрнатилган алоқаларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Хоразм вилоятида кўпчилик туман ва шаҳарларга хос бўлган умумий драйверлар тўқимачилик 6 та туман ва шаҳарда (*Урганч ш., Богот, Гурлан, Хазорасп, Қўшқўпир, Янгиариқ, Шовот туманлари*), иссиқхона хўжалиги 6 та туманда (*Шовот, Янгибозор, Гупроққалъа, Богот Гурлан, Янгиариқ*), қурилиш материаллари 4 та ҳудудда (*Хива ш., Урганч, Хива, Қўшқўпир туманлари*), паррандачилик 2 та ҳудудда (*Хазорасп ва Қўшқўпир туманлари*), озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш 3 та ҳудудда (*Урганч, Хонқа ва Янгибозор туманлари*) ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш драйверлари ҳисобланади.

Ўтказган монографик тадқиқотларимизга кўра, вилоятнинг 519 та МФЙларида етишмаётган 4566 та ноаграр йўналишдаги хизматларни қишлоқ жойларида ташкил қилиш орқали 14-23 минг кишигача аҳолини банд қилишимиз мумкин бўлади. Шунингдек, ушбу 4566 та КБХТ субъектини ишга тушириш орқали акселерация самараси қарийб 10 баробар юқори бўлиб, 50

минггача кишини, айниқса, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатда қилиш мумкин.

Фикримизча, қишлоқ жойларида айнан қишлоқ тадбиркорлигига муқобил равишда ноаграр тадбиркорликни, ҚБХТни ривожлантириш стратегик муқобилларини шакллантириш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу механизмга кўра, дастлаб ҚБХТ фаолияти учун асос бўлган қишлоқ жойларини соҳани ривожлантиришни рақобат устуликларини аниқлаб олиш ва шу асосда қишлоқ жойларида ҚБХТни ривожлантиришнинг стратегик муқобиллари портфелини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Хоразм вилоятида қишлоқ жойларида ҚБХТни ривожлантиришнинг ноаграр, истиқболли ва инновацион йўналишларидан бири сифатида агротуризмни, қишлоқ туризмни ривожлантириш стратегияси, айнан қишлоқ жойларида қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш мажмуасини ривожлантириш стратегияси, юқорида санаб ўтилган камида 48 та турдаги хизматларни, хусусан, чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини, қишлоқ хўжалик кооперативларини, фермер хўжалиklarини, агротехно паркларни ривожлантириш каби стратегияларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Шундан кейин эса, қишлоқ жойларида ҚБХТни ривожлантиришнинг стратегик муқобилларини амалга ошириш шарт-шароитлари, жумладан, кадрлар, ҳуқуқий, молиявий, ташкилий ва моддий таъминотлар таҳлил этилади ҳамда қишлоқ жойларида ҚБХТ тузилмаларининг ташқи муҳит билан ўзаро таъсири стратегик муқобиллари портфелини шакллантирилади. Ушбу портфелдан эса, ташқи муҳит имкониятларидан фойдаланиш, ташқи муҳит хатарларини бартараф қилиш, ҚБХТ тузилмалари кучли томонларини сақлаш ундан фойдаланиш, ҚБХТ тузилмаси заиф томонларини бартараф қилиш каби стратегиялар ўрин олади ҳамда кейин қишлоқ жойларида ҚБХТни ривожлантириш стратегик муқобилларининг сифат таҳлили амалга оширилади.

Мухтасар қилиб айтганда, қишлоқ жойларида ҚБХТни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизми асосида вилоятда белгиланган кетма-кетликдаги

тадбирларни амалга ошириш оркали шубҳасиз қишлоқ жойларида КБХТнинг аграр ва ноаграр шакллариини ривожланишига ҳамда натижада аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошишига эришилади.

ХУЛОСА

